



USAID
AMERIKA XALQIDAN



ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ

АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА



ГЕНДЕРНАЯ СТАТИСТИКА

ПРАКТИЧЕСКОЕ РУКОВОДСТВО



USAID
AMERIKA XALQIDAN



ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ

АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент - 2023

УЎК 316.346.2(075)
КБК 60.56я73
Г 34

Гендер статистикаси. Амалий қўлланма / Гендерная статистика. Практическое руководство [Матн] / Ф.Хамдамова, Х.Сайдивалиева, М.Рахимова, Д.Суфиева. - Тошкент: Baktria Press, 2023. - 382 б.

Ушбу қўлланма гендер статистикаси ҳақида аҳоли хабардорлигини ошириш ва ундан фойдаланишдаги амалий кўникмаларни кенгайтириш мақсадида муаллифлар жамоаси томонидан ишлаб чиқилган. Унинг мақсади – ушбу соҳада қўлланадиган атамаларни яхшироқ англашга ёрдам бериш, улар гендер тенгсизлик даражасини аниқлашда қандай ёрдам бериши мумкинлиги ва бу статистик маълумотлардан гендер сиёсати ва умуман, давлат сиёсати самарадорлигини ошириш учун қандай самарали фойдаланиш мумкинлигини тушунтиришдан иборат.

Бу амалий қўлланма давлат органлари ва идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нодавлат ноижорат ташкилотлари вакиллари, экспертлар ва бошқа манфаатдор шахсларга мўлжалланган.

Мазкур нашр АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида яратилган. Ушбу нашр мазмуни учун масъулият Tetra Tech DPK га юклатилади ва USAID ёки АҚШ ҳукумати расмий нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.

Муаллифлар:

- Фируза Хамдамова** Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), гендер тенглик бўйича мутахассис
- Хуршида Сайдивалиева** Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институтининг “Оилавий ҳуқуқ ва гендер тенглик” бўлими бошлиғи
- Минавар Рахимова** АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг Ўзбекистондаги Ҳуқуқий ислохотлар дастурининг Гендер тенглик ва ижтимоий интеграция бўйича мутахассиси
- Дилафруз Суфиева** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Халқаро рейтинг ва индекслар бўйича бошқармаси бошлиғи

Тақризчилар:

- Саидова Л.А.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти катта илмий ходими, ю.ф.д., профессор
- Каримов А.Н.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари

Ушбу қўлланма АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг Ҳуқуқий ислохотлар дастури доирасида ишлаб чиқилган.

© Ф.Хамдамова, Х.Сайдивалиева, М.Рахимова, Д.Суфиева

«Гендер статистикаси. Амалий қўлланма»

© Baktria press, 2023

ISBN 978-9943-9574-1-1

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	5
КИРИШ	7
I БОБ. ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ	11
1.1. ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР	12
1.2. ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИНИНГ ФУНКЦИЯСИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	16
1.3. ҲОЗИРГИ КУНДА ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ	17
1.4. ГЕНДЕР МАЪЛУМОТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ АСОСИЙ МУАММОЛАР	20
II БОБ. ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТ СИФАТИДА	23
2.1. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИНГ ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИГА ТААЛЛУҚЛИ БАНДЛАРИ ЁКИ ГЕНДЕР МАЪЛУМОТЛАРИНИНГ МУҲИМЛИГИ Тўғрисидаги БУТУНЖАҲОН КЕЛИШУВИ	24
2.2. ГЕНДЕР ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИДА УЛАРНИНГ РОЛИ	30
2.3. ГЕНДЕР ИНДИКАТОРЛАРИНИ Қўллашда УЙҒУНЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВ	49
III БОБ. ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ	53
3.1. ШВЕЦИЯ МИСОЛИДА ҒАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ	54
3.2. МОЛДОВА МИСОЛИДА ШАРҶИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ	57
3.3. ҚОЗОҒИСТОН МИСОЛИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ	59

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ: ЖОРИЙ ҲОЛАТ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	63
4.1. ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ	64
4.2. ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ЖОРИЙ ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДАГИ ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИНИНГ ШАРҲИ	66
4.3. ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	117
V БОБ. ҚОНУНЧИЛИК ВА ГЕНДЕР СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАРУРИЙ ВОСИТАСИ СИФАТИДАГИ ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ	123
5.1. ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ТАЪСИРНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИДАГИ ВОСИТА СИФАТИДА	124
5.2. ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШДА ВОСИТА СИФАТИДАГИ ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ	126
ХУЛОСА	131
ИЛОВАЛАР	135
1-илова. Жинслар бўйича ажратилган маълумотларни тўплаш ва CEDAW конвенциясининг бажарилишини мониторинг қилиш учун гендер кўрсаткичлари	135
2-илова. Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси мониторинги учун гендер кўрсаткичлари	157
3-илова. Барқарор ривожланишнинг бошқа мақсадлари доирасидаги гендер кўрсаткичлари	165
4-илова. Гендер кўрсаткичларининг уйғунлашган тизимини ишлаб чиқиш учун BPM, CEDAW конвенцияси ва Пекин декларацияси бандларининг гендер кўрсаткичлари қиёсий жадвали	169
5-илова. Пекин Ҳаракатлар платформаси (1995 йил) асосида белгиланган устувор йўналишларга мувофиқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тавсиясига кўра қабул қилинган таснифлаш тизими	187
ҲОЛДАГИ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	188

СЎЗ БОШИ



Гендер статистикаси аёллар ва эркеклар ҳаётининг реаллигини ҳамда гендер муаммоларни ҳал қилишга қаратилган сиёсатнинг таъсирини акс эттирувчи статистик маълумотларни аниқлаш, тўплаш ва тарқатиш мақсадида статистиканинг анъанавий соҳаларини горизонтал равишда кесиб ўтади.

Гендер статистикасисиз гендердаги тафовут даражасини ўлчаш ва оқибатда гендер сиёсатининг устувор соҳаларини ва йўналишларини аниқроқ белгилаш имконсиз. Шунингдек, гендер тенглигини илгари суришда эришилган ютуқлар даражасини ўлчаш, кўрилаётган чора-тадбирларнинг мақбуллигини баҳолаш ва зарурат туғилганда уларга ўз вақтида ўзгартириш киритишни таъминлаш ҳам демакдир.

Бундан ташқари, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича органларига тақдим этилаётган миллий маърузаларнинг сифати ва мазмуни, шунингдек, мамлакатнинг жаҳон гендер индекслари ва рейтингларидаги ўрнини янада яхшилаш гендер статистикасига боғлиқ. Ўз навбатида мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги ижобий имижини мустаҳкамлаш ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг мамлакатдаги ислоҳотлардан хабардорлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маълумотлар йиғиш тизимини такомиллаштирмасдан гендер сиёсатини такомиллаштириш имконсиз. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунида гендер статистикасини шакллантириш бўйича алоҳида қоидалар мавжуд. Қонунга мувофиқ, гендер статистикасини тўплаш давлат органларининг ваколатларидан бири ҳисобланади.

Гендер кўрсаткичларини шакллантириш қуйидагиларга асосланади:

- давлат статистика органлари томонидан амалга ошириладиган давлат статистик кузатувларига;
- давлат бошқаруви органларининг маъмуриятга оид маълумотларига;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган статистик кузатувларга;
- гендер кўрсаткичлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг статистик маълумотлари асосида ҳам шакллантирилиши мумкин.

Бироқ бунинг ўзи, албатта, етарли эмас, гендер статистикасининг ҳуқуқий асосларини, тизимини, уни тўплаш ва таҳлил қилиш

механизмларини доимий равишда такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади .

Эътиборингизга тақдим этилаётган нашр статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш бўйича амалий қўлланма бўлиб, аниқ фактларга асосланган материаллар асосида қарорлар қабул қилиш жараёнида тавсиялар ишлаб чиқишга кўмаклашади.

Қўлланмада халқаро стандартлар ва давлатларнинг гендер статистикасини шакллантириш соҳасидаги мажбуриятлари кўриб чиқилиб, хорижий тажрибага шарҳ берилган. Шу билан бирга, жинслар бўйича батафсил маълумотларни тўплашда Ўзбекистон миллий тажрибаси ва амалиётини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Муаллифлар давлатнинг гендер қонунчилиги ва умуман гендер сиёсатини такомиллаштиришда гендер статистикасининг амалий аҳамиятини қайд этганлар.

Қўлланмада гендер статистикаси, гендер аудит, гендер-ҳуқуқий экспертиза ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш ўртасидаги ўзаро боғлиқликка алоҳида эътибор қаратилган. Гендер аудитнинг вазифаларидан бири кадрлар сиёсатини ва жамоанинг гендер таркибини таҳлил қилишдир. Бу эса ўз навбатида статистик маълумотларни тўплашни талаб қилади. Гендер қонунчилигининг тартибга солувчи таъсирини баҳолаш ва қонун ҳужжатларининг гендер-ҳуқуқий экспертизасининг умумий мақсади – норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши гендер тенглигини илгари суришга қанчалик ҳисса қўшишини аниқлаш.

Шундай қилиб, гендер статистикаси миллий қонунчилик ва умуман давлатнинг гендер сиёсатини мониторинг қилиш, шунингдек комплекс гендер ёндашувни татбиқ этиш, яъни давлат сиёсатининг барча соҳаларида гендер масаласини инобатга олишда муҳим восита ҳисобланади.

Бундан ташқари, Қўлланмада гендер статистикасини тўплаш учун мўлжалланган гендер кўрсаткичлари тизими бўйича янги ғоя ва тавсиялар, гендер кўрсаткичлари асосида статистик маълумотларни тўплашнинг уйғунлаштирилган ёндашуви концепцияси, шунингдек, гендер статистикасини шакллантириш учун ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш бўйича амалий аҳамиятга эга бўлган таклифлар берилган.

Шубҳасиз, Қўлланма амалиётчилар учун ҳам, тадқиқотчилар учун ҳам гендер тенглик масалалари бўйича фойдали маълумот манбаи бўлиб, уларга янги тадқиқот йўналишларини очиб беради.

Малика Кадирханова,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг раиси

КИРИШ

Гендер тенгликни таъминлаш давлатларнинг барқарор ривожланиши жараёни ва самарали миллий сиёсатни ишлаб чиқишнинг муҳим элементларидан биридир. Халқаро миқёсда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш жараёнида гендер муаммоларини ҳисобга олиш зарурлигини эътироф этиш гендер сиёсатини юритишда кенг доирадаги воситаларнинг аҳамиятини оширади. Улар орасида эса, гендер статистикаси алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда БМТ Глобал кун тартибидаги Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар қабул қилинди. Ҳар бир барқарор ривожланиш мақсади доирасида ва ҳар бир вазифа бўйича тегишли маълумотларни тўплаш учун кўрсаткичлар белгиланган бўлиб, бу жинслар кесимида маълумотларни тўплаш ва гендер статистикасини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш зарурлигини билдиради.

Ўзбекистонда гендер статистикасининг роли ортиб бормоқда. 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши билан гендер сиёсатининг энг муҳим элементларидан ҳисобланувчи гендер статистикасининг роли ошди. Ушбу қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, “давлат статистика органлари гендер кўрсаткичлари асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирадиган статистик ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни, уни тўплашни, сақлашни, таҳлил қилишни ва эълон қилишни амалга оширади”. Бундан ташқари, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси 4-бобининг бўлимларидан бири гендер статистикасига бағишланган бўлиб, унда гендер статистикасини юритишни такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Гендер стратегиясига мувофиқ, “вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларида жинслар бўйича статистик кўрсаткичлар юритилишини ташкил этиш, мазкур кўрсаткичларни мувофиқлаштирган ҳолда юритилишини таъминлаш, гендер масалаларига оид халқаро рейтинг ва индексларни юритувчи ташкилотларни миллий гендер статистикаси билан доимий таъминлаб боришни йўлга қўйиши зарур”.

Бироқ шуни таъкидлаш керакки, кўплаб мамлакатлар статистик маълумотларни тўплаш борасида муваффақиятга эришган бўлса-да, кўпгина мамлакатларда гендер масалаларининг асосий статистик дастурларга интеграциялашуви ҳамон яхши ривожланганича йўқ.

Қўлланманинг **биринчи бобида** гендер статистикасига оид асосий тушунчалар, унинг гендер сиёсатини такомиллаштириш

ва самарадорлигини оширишдаги ўрни ва аҳамияти, статистик маълумотларни тўплаш билан боғлиқ асосий масалалар кўриб чиқилади. Қўлланмада “аёллар статистикаси”, “жинс бўйича ажратилган маълумотларни тўплаш” ва “гендер статистикаси” ўртасидаги фарқлар кўрсатиб берилган. Гендер сиёсатини мунтазам такомиллаштиришда гендер статистикасининг амалий аҳамияти ҳам таъкидланган.

Қўлланманинг **иккинчи бобида** хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги халқаро шартномаларнинг гендер статистикасини ривожлантириш заруриятига оид мақоми кўриб чиқилади. Тегишли шартномалар таҳлили шуни кўрсатадики, гендер статистикасининг самарали тизимини таъминлаш давлатнинг гендер тенгликни таъминлаш борасидаги асосий халқаро мажбуриятларидан бири ҳисобланади.

Ушбу бобда гендер статистикаси учун фойдаланиладиган ёки қўлланилиши мумкин бўлган гендер кўрсаткичлари ҳам муҳокама қилинади. “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция (CEDAW) қоидалари ва БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш қўмитасининг умумий тавсиялари, Пекин декларацияси билан Ҳаракатлар ва мақсадлар платформаси, шунингдек, Барқарор ривожланишнинг 17 та мақсади доирасидаги кўрсаткичлар таҳлили асосида сифат ва миқдор бўйича гендер кўрсаткичлари таклиф этилди. Ҳисобот бериш жараёнларини осонлаштириш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларга хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича тақдим этаётган ҳисоботларининг сифатини ошириш мақсадида гендер кўрсаткичларининг уйғунлаштирилган тизими таклиф этилган.

Учинчи бобда Швеция, Молдова, Қозоғистон мисолида хорижий давлатлар тажрибаси келтириб ўтилган. Бу мамлакатлар тажрибаси Ўзбекистонда гендер статистикасини янада такомиллаштиришда фойдали бўлиши мумкин.

Тўртинчи бобда Ўзбекистонда гендер статистикасининг бугунги ҳолати ёритилган бўлиб, унда гендер статистикасини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари кўриб чиқилган, гендер статистикаси таҳлили асосида гендер сиёсати соҳасидаги асосий масалалар қайд этилган, уни янада ривожлантириш истиқболлари белгилаб берилган. Шунингдек, бу бобда гендер статистикаси гендер тенгликни тарғиб қилишда мавжуд вазиятни таҳлил қилиш воситаси сифатида кўриб чиқилган. Қолаверса, унда гендер статистикасини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Бешинчи бобда қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўтказишда гендер статистикасининг аҳамияти муҳокама қилинади. Ушбу бобда гендер статистикасининг таҳлили қонунчиликни мониторинг қилиш ва такомиллаштириш жараёнининг муҳим қисми сифатида кўрсатиб ўтилади.

Хулоса қисмида Ўзбекистонда гендер статистикаси тизими, унинг ҳуқуқий асослари, илғор халқаро ва хорижий тажрибалар асосида

очиқликнинг шакллантирилиши ва таъминланиш механизмларини такомиллаштириш борасида, шунингдек, миллий гендер сиёсатининг устувор вазифалари бўйича тавсиялар берилган.

Ўзбекистонда статистик маълумотларни тўплаш ва ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин бўлган гендер кўрсаткичларининг уйғунлаштирилган тизими муаллифлар томонидан таклиф этилган жадвалларда қўлланманинг **илова қисмида** келтирилган.

Бу қўлланма гендер муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар учун мўлжалланган. Умид қиламизки, бу нашр сиёсий ва иқтисодий қарорлар қабул қилишда иштирок этувчи марказий ва маҳаллий ҳокимият вакиллари учун ҳам, тенг ҳуқуқлилиқ ва жинслар учун тенг имкониятлар билан боғлиқ вазиятни кузатувчи ва таҳлил қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари учун ҳам бирдек фойдали бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ушбу амалий қўлланма статистик маълумотларни тўплаш ва ишлатиш борасида ягона йўриқнома эмас. Муаллифлар умумий ва жинс кесимида ажратилган статистик маълумотларни яхшироқ тушуниш учун зарур бўлган асосий воситаларни кўрсатиб бериш, бунда статистик маълумотларнинг жорий ва келгуси фойдаланувчилари бу маълумотларни ҳам аёл, ҳам эркеклар учун бир хилда адолатли режалаштириш, лойиҳалаш, бюджетлаштириш, бу борадаги сиёсатни амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолаш учун зарур бўлган гендер таҳлилини амалга ошириш мумкинлигини таъминлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар.



I БОБ.

**ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ:
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА
УНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ
АҲАМИЯТИ**

1.1. ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Бугунги кунда **комплекс гендер ёндашуви**, яъни давлат сиёсатининг барча соҳалари ва йўналишларида **гендер жиҳатлари/гендер муаммоларини ҳисобга олиш** давлат сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.



АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Гендер (умумий) **муаммоларини ҳисобга олиш** – ҳар бир таклиф этилаётган ҳаракат, шу жумладан, барча соҳаларда ва барча даражалардаги қонунчилик, сиёсат ёки дастурларнинг хотин-қизлар ва эркакларга кўрсатаётган таъсирини баҳолаш жараёнидир¹.

Комплекс гендер ёндашувни интеграция қилиш учун давлат сиёсатининг барча соҳаларида гендер таҳлил ўтказишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Унинг мақсади жамиятдаги гендер тафовутлар, гендер номуаносибликлар ёки гендер асимметрияси/нотенглиги, яъни гендер камситиш даражасини аниқлашдир.



АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Гендер таҳлил – гендер роллари, фаолият турлари, эҳтиёжлар, имкониятлар ва ҳуқуқ/имтиёзлар бўйича фарқларнинг муайян вазиятларда аёллар, эркаклар, қизлар ва ўғил болаларга қандай таъсир қилишининг танқидий кўриб чиқилишини таъминлайди. Гендер таҳлил сифат асосидаги маълумотлар ва усуллар, ҳамда/ёки **гендер статистикаси** томонидан тақдим этилган миқдор асосидаги маълумотлар асосида амалга оширилиши мумкин².

Гендер таҳлили тадбирларни режалаштиришдан тортиб, амалга оширилган чора-тадбирларни мониторинг қилишгача, гендер тенгликка эришиш стратегиялари ва концепциясини ишлаб чиқишдан тортиб, бюджет масалаларини аниқлаш, гендерга йўналтирилган лойиҳаларни

¹ Статистикада гендер жиҳатларни ҳисобга олишни таъминлаш. Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти. Статистика бўлими. Статистик ҳужжатлар. Серия F № 111. ST/ESA/STAT/SER.F/111. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Нью-Йорк, 2016 йил. – 265-бет.

² Статистикада гендер жиҳатларни ҳисобга олишни таъминлаш. Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти. Статистика бўлими. Статистик ҳужжатлар. Серия F № 111. ST/ESA/STAT/SER.F/111. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Нью-Йорк, 2016 йил. – 262-бет.

молиялаштириш ва гендер аудитини ўтказишга қадар бўлган гендер сиёсатининг ҳар бир босқичида зарур бўладиган чора-тадбирлар мажмуидир. Гендер таҳлилни ўтказиш, пировардида, амалга оширилган чора-тадбирларни (**гендер диагностикасини**) баҳолаш ва гендер сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган.

Ишончли гендер таҳлили учун бир нечта манбалардан олинган аниқ ва ишончли маълумотлардан фойдаланиш талаб этилади. Миллий қонунчиликнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини қиёсий таҳлил қилиш ва ижтимоий сўровлардан ташқари, **гендер статистикаси** гендер таҳлилнинг асосий воситаси бўлиб, у вазиятни яхшироқ йўналтириш, ҳамда гендер тенгсизликлар ва гендер ассимметриясини бартараф қилиш учун зарур маълумотларни тақдим этади.



АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Гендер статистикасига хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳаётнинг барча жабҳаларидаги фарқ ва тенгсизликларини етарли даражада акс эттирувчи статистик маълумотлар сифатида таъриф берилади.

Гендер статистика қуйидаги хусусиятлар мажмуасидир:

- a) маълумотлар тўпланади ҳамда асосий ва умумий тасниф сифатида жинси бўйича ажратилади;
- b) маълумотлар гендер муаммоларини акс эттиради;
- c) маълумотлар хотин-қизлар ва эркекларнинг турлича эканлигини тўғри акс эттирувчи, шунингдек, ҳаётларининг барча жабҳаларини кўрсатувчи тушунчалар ва таърифларга асосланади;
- d) маълумотларни йиғиш усуллари гендер тарафкашликларига олиб келиши мумкин бўлган стереотиплар ҳамда ижтимоий ва маданий омилларни ҳисобга олишни таъминлайди¹.

Гендер статистикасининг самарали тизимини яратиш учун яхши ишлаб чиқилган ва аниқ белгиланган гендер **кўрсаткичлари/индикаторлари** зарур. **Миқдор ва сифат асосидаги кўрсаткичлар** энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Кўрсаткичларнинг мавжудлиги ўзгаришларни кузатиш ва баҳолаш, яъни ишончлиликни таъминлашнинг зарурий шартидир. Кўрсаткичлар вазиятни янада аниқроқ таҳлил қилиш имкониятини бериши билан аҳамиятлидир². Тегишли кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳисоботларни соддалаштириш, шаффофроқ ва самаралироқ бўлишига эришиш, шунингдек, шартномавий органлар ва инсон ҳуқуқларини назорат

¹ Статистикада гендер жиҳатларни ҳисобга олишни таъминлаш. Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти. Статистика бўлими. Статистик ҳужжатлар. Серия F № 111. ST/ESA/STAT/SER.F/111. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Нью-Йорк, 2016 йил. – 2-бет.

² Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўрсаткичлар. Баҳолаш ва амалга ошириш бўйича қўлланма. БМТ ИҲОКБ, 2012 йил. – 106-б.

қилишнинг бошқа механизмларининг тавсиялари ва хулосаларини яхшироқ амалга оширишга сабаб бўлади¹. Бундан ташқари, кўрсаткичлар ёрдамида инсон ҳуқуқларининг энг кўп бузилиши ҳолатларини аниқлаш мумкин². Кўрсаткичлар нафақат мониторинг, балки маълумотлар асосида режалаштириш ва қарор қабул қилиш воситасидир. Индикаторлар (ёки кўрсаткичлар) кучли сифат ўлчовлари орқали баҳолаш самарадорлигини оширувчи восита бўлса-да, унинг ўрнини боса олмайди.

Кўрсаткичлардан фойдаланиш ғояси халқаро инсон ҳуқуқлари ҳамжамиятига янги ёки нотаниш эмаслиги билан бирга, бир қатор шартномалар статистик маълумотларга кўрсатилган ҳаволаларни ўз ичига олади. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлари, одатда, БМТга аъзо давлатлардан шартномавий органларнинг мандатига кўра қамраб олинган ҳуқуқларни амалга оширишда эришилган ютуқларни баҳолаш учун жинслар кесимида ажратилган статистик маълумотларни тақдим этишни талаб қилади. Шунингдек, баъзи шартномавий органлар тегишли ҳуқуқларни тўлиқ амалга ошириш йўлидаги ўзгаришларни назорат қилишнинг миллий механизмлари, жумладан, ҳар бир ҳуқуқ учун кўрсаткич ва тегишли миллий мезонларни аниқлаш ҳақида маълумот тақдим қилишни сўрайди.

Кўрсаткичларни ишлаб чиқиш зарурати БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлари якуний изоҳларидан келиб чиқади. Шундай қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш бўйича қўмитаси мунтазам равишда ўзининг якуний кузатишлари ва умумий тавсияларида иштирокчи давлатни гендер тенгликка эришиш ва хотин-қизларнинг инсоний ҳуқуқлардан фойдаланишини кенгайтиришга қаратилган сиёсат ва дастурларнинг таъсири ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида жинс ва бошқа тегишли омиллар бўйича ажратилган маълумотлар тўпламини такомиллаштириш учун гендер кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишга чақиради³.

Бир сўз билан айтганда, самарали гендер сиёсатини амалга ошириш учун гендер сиёсатининг барча босқичларида гендер таҳлилига олиб келувчи комплекс гендер ёндашуви (КГЁ) керак бўлади. Гендер таҳлили ишончли гендер статистикасига асосланиши зарур, бу эса аниқ белгиланган гендер кўрсаткичларни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради.

¹ Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўрсаткичлар. Баҳолаш ва амалга ошириш бўйича қўлланма. БМТ ИҲОКБ, 2012 йил – 106-б.

² Ann Janette Rosga and Margaret L. Satterthwaite, *The Trust in Indicators: Measuring Human Rights*, 27 Berkeley J. Int'l Law. 253 (2009); *Disaggregated data and human rights*. University of Essex, HR Centre clinic, 2013. – P.7.

³ БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш бўйича қўмитасининг умумий тавсиялари ва якуний изоҳлари билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://www.ohchr.org/ru/treaty-bodies/cedaw>

*Самарали гендер сиёсатининг
таркибий қисмлари*



1.2. ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИНИНГ ФУНКЦИЯСИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Гендер статистикаси гендер сиёсатини такомиллаштириш бўйича тавсияларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқишда энг муҳим восита ҳисобланади. Гендер статистикасининг сифати ва ишончлилиги, пировардида, гендер таҳлилнинг сифати ва унинг натижасида ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалий аҳамиятини белгилаб беради. Ўз навбатида, давлатнинг гендер сиёсатининг самарадорлигини ошириш бўйича комплекс гендер ёндашувини амалга ошириш берилган тавсияларнинг тўғрилиги ва изчиллигига боғлиқ. Гендер статистикаси тадқиқотлар ва юритиладиган сиёсатни ишлаб чиқишда ҳужжатлаштирилган асос бўлиб хизмат қилади.

Гендер статистикасидан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин:

- хотин-қизлар ва эркаларнинг жамиятдаги **ҳақиқий мавқеини** тушунишга кўмаклашиш учун;
- гендер таҳлили ва тадқиқотларини ривожлантириш учун;
- хотин-қизларнинг гендер тенгликка қанчалик эришгани ва барча инсоний тамал ҳуқуқлардан тўлиқ ва тенг фойдаланиш йўлидаги ўзгаришларни мониторинг қилиш учун;
- инсон капитали ва меҳнат ресурсларига инвестициялар ҳажмини оширишга қаратилган сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш учун;
- ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш сиёсатида гендер тамойилларни ҳисобга олишни қўллаб-қувватлаш учун;
- аёлларга нисбатан зўравонликни камайтириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилиш учун¹.

Гендер статистикаси **илмий тадқиқотлар олиб бориш учун керакли воситадир**. Гендер статистикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ўрганиш ва ушбу ривожланишнинг гендер ўлчовини тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга.

Давлат дастурлари ва ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда гендер статистикасидан **фаол ва кенг фойдаланилмоқда**. Гендер статистикаси давлат дастурларининг натижадорлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш мақсадида фаол равишда ишлатилади. Статистика камчиликларни аниқлаш ва янги масалаларни шакллантиришга ёрдам беради.

Гендер статистикаси **халқаро миқёсдаги алоқа ва мониторинг воситасига айланиб бормоқда**. Жаҳон гендер индексларини баҳолашда фойдаланиладиган гендер статистикаси мамлакатларнинг гендер тенглик мақсадларига эришишдаги муваффақиятини глобал ва минтақавий миқёсда кузатиб бориш имкониятини беради.

¹ Статистикада гендер жиҳатларни ҳисобга олишни таъминлаш. Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти. Статистика бўлими. Статистик ҳужжатлар. Серия F № 111. ST/ESA/STAT/SER.F/111. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Нью-Йорк, 2016 йил. – 3-бет.

Бундан ташқари, **гендер статистикаси маълумотларни тўплаш ва миллий даражадаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш воситасидир.** Статистика давлатнинг халқаро инсон ҳуқуқлари органларига тақдим этадиган миллий ҳисоботларда ўз аксини топади.

Гендер статистикасининг функциялари



1.3. ҲОЗИРГИ КУНДА ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИНING РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Ҳозирги кунда гендер статистикасига эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Глобал миқёсда амалга оширилаётган чора-тадбирлар гендер статистикаси ролининг кундан кунга ортиб бораётганидан далолат беради.

1980-йилларнинг бошидан бери **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика бўлими (БМТСБ)** гендер маълумотларнинг статистикаси соҳасида қатор янгиликлар яратди. Ташкил этилганидан бери бу бўлим бутун дунё бўйлаб гендер статистикаси дастурларини фаол қўллаб келмоқда.

БМТ Статистика бўлими ташаббуси билан 2006 йилда **Гендер статистикаси бўйича идоралараро экспертлар гуруҳи (ГС-ИЭГ) ташкил этилди** ва гендер статистикасини янада такомиллаштириш мақсадида **бир неча бор Гендер статистикаси бўйича бутунжаҳон форуми** ташкил қилинди. ГС-ИЭГ миллий ишлаб чиқариш ва гендер статистикасини халқаро миқёсда умумлаштириш учун қўлланма бўлиб хизмат қилувчи гендер кўрсаткичларининг минимал тўпламини мувофиқлаштиради¹. ГС-ИЭГ Глобал гендер статистикаси дастури учун гендер статистикасидаги ўзгаришлар ҳақида маълумот тарқатиш ва идоралараро ҳамкорликни осонлаштиришни ўз олдига мақсад қилган платформа сифатида хизмат қилувчи махсус веб-сайтни юритади².

Гендер статистикасини ривожлантиришда “БМТ-Аёллар” тузилмасининг ролини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу тузилманинг ташаббусларидан бири “Гендер тенглик учун рақамлар ва фактлар” (ГТРФ) лойиҳаси бўлиб, у расмий статистик маълумотларни мунтазам ишлаб чиқаришда гендер масалаларининг асосий оқимини такомиллаштиришга қаратилган³.

БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК), ХМТ ва ФАО, Жаҳон банки, ХВЖ, ЮНИСЕФ, ЖССТ, БМТТД, ЮНЕСКО Статистика институти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) ва шу каби ташкилотлар гендер статистикаси масалаларига тобора кўпроқ эътибор қаратмоқда. Бу ҳолат гендер статистикасининг халқаро ҳамкорликнинг муҳим соҳасига айланганидан далолат беради.

1995 йилги Пекин декларацияси ва ҳаракатлар платформаси гендер статистикасининг ривожланиши учун кучли туртки бўлди. Самарали сиёсатни белгилаш учун статистик маълумотларнинг аҳамияти Хотинқизлар ҳолати бўйича IV Бутунжаҳон конференцияси ҳаракатлар платформасининг стратегик мақсадларидан бири сифатида эътироф этилган бўлиб, у қўйидагича келтирилади: «жинс бўйича ажратилган маълумотлар, шунингдек, режалаштириш ва баҳолаш учун мўлжалланган ахборотни яратиш ва тарқатиш»⁴.

Ҳозирда **2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибининг мақсад ва кўрсаткичлари статистиканинг ривожланишига янгича куч бериши баробарида ва гендер тенгликка эришишга туртки бўлмоқда**. Барқарор ривожланишнинг деярли барча мақсадларидаги гендер мезони юқори сифатли гендер статистикасига бўлган талабнинг ошишига олиб келмоқда. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини амалга оширишни назорат қилиб бориш қилинаётган ишларни кузатиб бориш, сиёсат ҳақида хабардор қилиш ва барча манфаатдор томонларнинг ҳисобдорлигини

¹ 2017 йилнинг октябрида ва 2018 йилнинг феврилида Европа статистика мутахассислари конференцияси бюроси томонидан ўтказилган кенг қўламли шарҳлар натижалари. 6 April 2018. ECE/CES/2018/17. – 7-бет.

² <https://unstats.un.org/unsd/demographic-social/gender/index.cshhtml#IAEG-GS> – Гендер статистикаси глобал дастурининг расмий веб-сайти

³ 2017 йилнинг октябрида ва 2018 йилнинг феврилида Европа статистика мутахассислари конференцияси бюроси томонидан ўтказилган кенг қўламли шарҳлар натижалари. 6 April 2018. ECE/CES/2018/17. – С.8.

⁴ Хужжат матни билан ушбу ҳаволада танишиш мумкин: https://eos.cartercenter.org/uploads/document_file/path/958/Beijing_Declaration_and_Platform_for_Action_R.pdf

таъминлаш учун кўрсаткичлар ва статистик маълумотларнинг ишончли тизимини талаб қилади.

Худди шундай тенденция миллий миқёсда ҳам кузатилмоқда. Кўпгина мамлакатларнинг миллий статистика органларида гендер статистикаси бўйича бўлимлар ташкил этилган бўлиб, бу соҳада веб-сайтлар ишлаб турибди, гендер статистикаси бўйича миллий стратегиялар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Гендер статистикаси хорижий инвесторлар учун мамлакатнинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айланди. Масалан, маълум бир мамлакатда меҳнат ва бандлик соҳасидаги гендер статистика натижалари бу мамлакатдаги хотин-қизларнинг роли, дискриминация даражаси ва инновацион иқтисодиётнинг ривожланиш ҳолати ҳақида тушунча беради. Кўп ҳолларда анъанавий иқтисодиётга эга мамлакатларда гендер стереотиплар жуда кучли бўлиб, бу ҳолат иқтисодиётнинг ўсишига тўсқинлик қилади. Бошқача қилиб айтганда, гендер статистикаси асосида мамлакатнинг “гендер қиёфаси”ни яратиш мумкин.

Гендер статистикасидан фойдаланиш илмий асосланган маълумотлар асосида қарорлар қабул қилиш маданиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Сўнгги йилларда донор ташкилотлар ва ҳукуматлар илмий асосланган сиёсий қарорлар қабул қилишга кўпроқ эътибор қаратмоқда. Бу ҳолат ҳеч қандай асосга эга бўлмаган, тасдиқланмаган маълумотларга эмас, балки фактларга асосланган давлат сиёсати ва қарорларини қабул қилишни таъминлайди. Миллий ҳукуматлар томонидан ушбу ёндашувнинг даражаси ва унинг давлат сектори маданиятига қанчалик интеграллашуви далилларнинг асосий шаклларида бири бўлган статистик маълумотларга бўлган талабни белгилаб беради. Бу ҳолат гендер статистикаси билан бир қаторда бошқа ҳар қандай маълумотларга бўлган талабга ҳам тегишлидир¹.

Гендер сиёсатини такомиллаштиришда гендер статистикасининг роли



¹ Кавказорти давлатлари, Марказий ва Ғарбий Осиёдаги гендерная статистикаси, Вазият таҳлили. ОТБ, 2012 йил. - 12-б.

1.4. ГЕНДЕР МАЪЛУМОТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ АСОСИЙ МУАММОЛАР

Глобал ва миллий миқёсда гендер статистикасини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли саъй-ҳаракатларга қарамай, гендер статистикаси билан боғлиқ бир қатор муаммолар ва гендер статистикасини тўғри тушуниш ҳамда ундан фойдаланиш учун зарур бўлган омиллар мавжуд.

Биринчидан, гендер статистикаси жинс белгиси бўйича ажратилган маълумотлардангина иборат эмас. Чунки, жинс ва гендер маъно ва мазмун жиҳатидан бир-биридан фарқли тушунчалардир. Статистик маълумотларни шакллантирувчи ва ундан фойдаланувчилар орасида “жинс” ва “гендер” атамалари ўртасидаги фарқ ҳақида ҳали ҳам аниқлик йўқ¹. Бироқ гендер статистикаси айнан хотин-қизлар ва эркаклар ҳолатидаги фарқ ва тенгсизликларни тўғри акс эттириши лозим.



АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

“Жинс” сўзи аёллар ва эркаклар ўртасидаги биологик фарқларни англатади. Биологик фарқлар доимий ва ўзгармас бўлиб, маданиятлар ва замонлар миқёсида сақланиб қолади.

“Гендер” – инсоннинг аёл ёки эркак жинсига мансублиги билан боғлиқ хусусиятлар ва қобилиятлардаги ижтимоий жиҳатдан аниқланган фарқларни, шунингдек, аёллар ва эркаклар ўртасидаги ижтимоий таъсир ва муносабатларни англатади.

Жинс белгиси бўйича ажратилган статистик маълумотлар – хотин-қизлар ва эркаклар бўйича тўпланган ва алоҳида жадвалларга киритилган маълумотлар. Бу маълумотлар хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги фарқларни турли ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлар бўйича баҳолаш имконини бериб, гендер статистикасини шакллантиришнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Гендер статистикаси фақат жинс бўйича ажратилган маълумотларнигина ўз ичига олмайди. Масалан, маълумотларни жинс бўйича тақсимлаш уларни тўплашда қўлланиладиган тушунчалар, таърифлар ва усулларнинг жамиятдаги гендер роллар, муносабатлар ва тенгсизликларни акс эттиришини кафолатламайди.


Иккинчидан, гендер статистикани хотин-қизлар статистикаси билан тенглаштириш тўғри бўлмайди. Ҳозирги вақтда “хотин-қизлар ҳуқуқлари” атамасининг ўрнига “гендер тенглик” атамасидан тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. **Аёлларнинг ҳолатини фақат эркакларники билан солиштириш асосида тўғри таърифлаш ва таҳлил қилиш мумкин.**

¹ Статистикада гендер жиҳатларни ҳисобга олишни таъминлаш. Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти. Статистика бўлими. Статистик ҳужжатлар. Серия F № 111. ST/ESA/STAT/SER.F/111. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Нью-Йорк, 2016 йил. - 2-бет.

Сиёсат нуқтаи назаридан қаралганда, эътиборни хотин-қизлардан гендер масалалари томонга йўналтириш ва хотин-қизлар манфаатларини умумий ривожланиш сиёсати ва стратегияларидан ажратиш бундай сиёсат ҳамда стратегияларнинг таъсирини чеклайди. Шу билан бирга, хотин-қизлар ва эркакларнинг роли, масъулиятлари ва ўзаро муносабатларига эътиборни кучайтириш ҳам сиёсат ва стратегиялар самарадорлигини ошириши мумкин¹.

Учинчидан, гендер статистикаси нафақат гендер тенгсизликларни камайтиришга қаратилган стратегия ва дастурларда, балки барча стратегия ва дастурларда **ҳисобга олиниши керак**². Акс ҳолда, комплекс гендер ёндашувни таъминлаб бўлмайди. Гендер статистикаси мавҳум ёки алоҳида ажратилган соҳа эмас, аксинча, статистиканинг барча соҳалари билан боғлиқ бўлган йўналишдир³. Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик масалаларини бошқа ривожланиш масалаларидан алоҳида кўриб чиқиш жиддий хато бўлади.

Гендер статистикаси тушунчаси



Бундан ташқари, **гендер статистикасининг ноҳолислиги** тўғрисида ҳам гапирмай бўлмайди. Статистик тушунчаларда ноҳолисликни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

- Уй хўжалиги тушунчаси хўжаликнинг барча аъзолари бир хиллигини назарда тутаяди;
- Ҳақ тўланмаган уй меҳнати миллий ҳисоблар тизимида киритилмайди;
- Статистик маълумотлар туғилиш масалаларида эркакларга ўрин бермайди.

Шу тарзда, аҳоли тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосидаги **уй хўжалиги тушунчаси шу уй хўжалигидаги барча**

¹ Статистикада гендер жиҳатларни ҳисобга олишни таъминлаш. Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти. Статистика бўлими. Статистик ҳужжатлар. Серия F № 111. ST/ESA/STAT/SER.F/111. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Нью-Йорк, 2016 йил. - 3-бет.

² Статистикада гендер жиҳатларни ҳисобга олишни таъминлаш. Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти. Статистика бўлими. Статистик ҳужжатлар. Серия F № 111. ST/ESA/STAT/SER.F/111. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Нью-Йорк, 2016 йил. - 8-бет.

³ Гендер статистикасини ишлаб чиқиш. Статистика бўйича мутахассисларни ўқитиш учун БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг (ЕИК) гендер статистикаси бўйича мақсадли гуруҳи ва турли экспертлар иштирокида тайёрланган махсус қўлланма. БМТ, Женева, 2010 йил. - 1-бет.

аъзоларнинг бир хиллигини кўзда тутлади. Бундай ёндашув кўпинча бундай уй хўжалигида ресурсларнинг тенг тақсимланиши ҳақидаги тахминга асосланади. Қолаверса, **“уй хўжалиги бошлиғи” (оила бошлиғи) атамаси оиладаги энг кекса эркакни англатиши ёки боқувчи** маъносини бериши тушунарсиздир. Бу амалиёт бир қатор гендер масалаларини англаб етишга тўсқинлик қилади. Масалан, “уй хўжалиги бошлиқлари”ни таққослаш энди фақат боқувчи эркакларни таққослашдан иборат бўлмаслиги мумкин: хўжаликнинг икки ишлайдиган аъзоси орасида аёл юқорироқ даромадга эга бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бунда аёл асосий боқувчи, эркак эса уй юмушларини бажарувчи асосий шахс бўлиши мумкин.

Статистик тушунчалардаги ноҳолисликка мисол тариқасида, **иқтисодий фаолият турларини ташкил этувчи омилларнинг** таърифини ҳам кўрсатиш мумкин. Иқтисодиётдаги анъанавий ёндашув молиявий секторга қаратилган бўлиб, у ялпи миллий маҳсулот каби мезонлар билан ишлайди. Шу билан бирга, унда **иқтисодий фаолият турига киритилмайдиган, ҳақ тўланмайдиган уй меҳнати ҳисобга олинмайди.** Натижада, аёлларнинг сезиларли фоизи таҳлилда инobatга олинмайди.

Кейинги мисол ҳақиқатни бир томонлама ёритиш муаммосига тааллуқлидир: оилавий аҳвол, туғилишдан олдин боланинг жинсини танлаш, контрацептив воситалар танлаш, туғилган болалар сони каби маълумотларнинг ҳеч бири, аксар ҳолда, эркаклар бўйича тўпланмайди, чунки бундай маълумотлар, биринчи навбатда, аёлларни назарда тутлади.

Хотин-қизларнинг меҳнат ва бандлик соҳасидаги имкониятларини кенгайтириш, ҳақ тўланмайдиган уй меҳнатини баҳолашга ёндашувларни ўзгартириш, оталикни мустаҳкамлаш кабиларга қаратилган гендер ислохотлари нуқтаи назаридан гендер статистикасини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, гендер кўрсаткичларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.



II БОБ.

**ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИ
ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ
ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТ
СИФАТИДА**

2.1. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИНГ ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИГА ТААЛЛУҚЛИ БАНДЛАРИ ЁКИ ГЕНДЕР МАЪЛУМОТЛАРИНИНГ МУҲИМЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ БУТУНЖАҲОН КЕЛИШУВИ

Гендер статистикаси бўйича CEDAW конвенцияси

Бугунги кунда гендер статистикаси хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришнинг зарурий шарти эканлиги, шунингдек, гендер тенгликка эришишнинг қашшоқликка барҳам бериш, инклюзив иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланиш учун муҳимлиги ҳақида бутун дунё бўйлаб консенсусга эришилган¹.

Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи CEDAW конвенцияси иштирокчи давлатлардан Конвенция қоидаларининг бажарилиши бўйича ҳар тўрт йилда бир марта ҳисобот тақдим этишни талаб қилади.



МАЪЛУМОТ УЧУН

ҳозирги кунда дунё давлатларининг 2/3 қисмидан кўпроғи БМТнинг 1979 йилдаги “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциясига (CEDAW) аъзодир². Ўзбекистон “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенцияни 1995 йили ратификация қилди³.

Конвенцияга мувофиқ, иштирокчи давлатлар Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш бўйича қўмитасига Конвенция қоидаларининг миллий даражада амалга оширилиши тўғрисида даврий ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини оладилар (18-модда). Ҳисоботлар давлатга мавжуд вазиятни танқидий баҳолаш, мажбуриятларини ойдинлаштириш ва Конвенция қоидаларини амалга оширишни таъминлаш мақсадида ислоҳотга муҳтож соҳаларни аниқлаш имконини беради⁴.

Бугунга қадар Ўзбекистон қўмига олти ҳисобот тақдим этган⁵. Ўзбекистоннинг Олтинчи ҳисоботи 2019 йилда БМТнинг Хотин-қизларни

¹ Кавказорти давлатлари, Марказий ва Ғарбий Осиёдаги гендерная статистикаси, Вазият таҳлили. ОТБ, 2012 йил. - 4-б.

² 2019 йил ҳолатига кўра бу конвенцияни дунёнинг 197 та мамлакати ратификация қилган. Маълумотлар БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси (БМТ ИҲОКБ) сайтдан олинган: <https://tbinternet.ohchr.org>

³ Бу Конвенция 1995 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг №129-1-сонли қарори билан ратификация қилинган.

⁴ “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция: парламентарийлар учун қўлланма. – Парламенлараро иттифоқ, 2004 йил. - 60-бет.

⁵ Ўзбекистоннинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қоидаларини бажарганлик тўғрисидаги илк ҳисоботи 2001 йилда кўриб чиқилган. Иккинчи ва учинчи жамланма ҳисоботлар эса 2006 йили кўриб чиқилган. Тўртинчи ҳисобот 2010 йилда, Бешинчи ҳисобот эса, 2014 йили тақдим қилинган. 2019 йилдан бошлаб Олтинчи ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишга тайёргарлик ишлари бошланган.

камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича қўмитасига тақдим этилган¹. 2022 йилда бу қўмита Ўзбекистоннинг Олтинчи ҳисоботини кўриб чиқиб, ҳисобот натижалари бўйича якуний изоҳларини тақдим этди.

Гендер статистикаси ҳисоботлар учун муҳим асос ҳисобланади. Ҳисоботларнинг сифати ва амалий аҳамияти улардаги маълумотлар ва уларнинг статистикага қай йўсинда киритилишига боғлиқ. Гендер статистикаси даврий ҳисоботларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, гендер тенгликни тарғиб қилиш соҳасида қилинган ишлар ҳақида маълумот олиш ва эришилган ўзгаришларни баҳолаш имконини беради.

CEDAW қўмитаси бундай маълумотлар билдирилган даъволарни асослаш мақсадида керак эканлигини мунтазам равишда эслатиб туради. Қўмита иштирокчи давлатлардан хотин-қизлар мақоми билан боғлиқ **статистик маълумотлар бўйича ўзининг 9-умумий тавсиясига (1989 йил)** эътибор қаратишни сўрайди. Шу билан бирга, БМТнинг тегишли агентликларига мурожаат қилиб, техник кўмак талаб қилиш ва статистик маълумотларни тўплашда кўмак бера олувчи хотин-қизлар уюшмалари билан ҳамкорликни кучайтиришни тавсия қилади.

9-умумий тавсия давлатларни статистик маълумотларни даврий ҳисоботларга киритишга чорлайди². Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича қўмитанинг таъкидлашича, *“статистик маълумотлар Конвенцияга аъзо давлатларнинг ҳар биридаги ҳақиқий вазиятни тушуниш учун мутлақо зарурдир”*³. Қўмита, шунингдек, иштирокчи давлатларга ижтимоий-иқтисодий тадқиқотларни режалаштиришга масъул бўлган миллий статистика идоралари сўровномаларни тайёрлашда маълумотларни жинслар бўйича ажратилган ҳолда тузишини тавсия қилади. Шундай қилинганда, бу сўровга қизиққан фойдаланувчилар маълум бир соҳадаги хотин-қизлар ҳақида маълумотларни қийналмай топишлари мумкин бўлади⁴.

Пекин декларацияси ва гендер статистикаси бўйича ҳаракатлар платформаси

Гендер статистикасининг аҳамияти яна бир халқаро ҳужжат – **1995 йилда Хотин-қизлар ҳолати бўйича IV Бутунжаҳон конференциясида қабул қилинган Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасида таъкидлаб ўтилган.**

Ўзбекистон Республикасининг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича қўмитага берган ҳисоботларини ушбу ҳаволадан топиш мумкин: www.ohchr.org

¹ Бугунги кунга қадар БМТ қўмиталарига 35 дан ортиқ миллий ҳисоботлар тақдим этилган. Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг барча шартномавий органларига тақдим қилган миллий ҳисоботлари БМТ ИҲОКБнинг www.ohchr.org веб сайтыга жойлаштирилган.

² https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/A_44_38_3724_E.pdf

³ 9-умумий тавсия (1989 г.), Хотин-қизлар ҳолатига алоқадор статистик маълумотлар.

⁴ CEDAW, 9-умумий тавсия (1989 г.), Хотин-қизлар ҳолатига алоқадор статистик маълумотлар.



МАЪЛУМОТ УЧУН

Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси¹ давлатларнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги асосий муаммо ва тўсиқларни аниқлаштириб, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ҳаракатлар режасини белгилаб берди².

БМТ Бош Ассамблеяси, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши ва Хавфсизлик кенгаши резолюцияларида қайта-қайта Пекин конференцияси якуний ҳужжатларига ҳавола қилиниши уларнинг принципиал аҳамиятидан далолат беради³. Масалан, БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг 50/203 резолюциясида БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга аъзо давлатларга Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасини амалга ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ҳисоботларига киритишни тавсия қилди. Аслида, ушбу ҳужжат 1979 йилги Конвенция қоидаларини мустаҳкамлаш ва аниқлаштиришга қаратилган бўлиб, уларни халқаро, минтақавий ва миллий миқёсда амалий татбиқ этишнинг самарали режаси ўлароқ юксак амалий аҳамиятини тасдиқлайди⁴, бу эса, мазкур ҳужжатнинг амалий жиҳатдан юқори аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси минтақавий, миллий ва халқаро даражадаги ташкилотларни барча муҳим соҳаларда стратегия ва дастурлар ишлаб чиқишда хотин-қизлар ва эркакларнинг аҳволини муносиб акс эттириш учун жинси (шунингдек, ёши ва бошқа омиллар) **бўйича ажратилган маълумотларни мунтазам равишда тўплаш, таҳлил қилиш ва тақдим этишга чақиради.**

Статистикани “институционал механизмлар”нинг асосий элементи сифатида баҳолаган Платформа миллий ҳукуматларнинг қуйидагилардаги ролни таъкидлайди:

- (i) жинс бўйича ажратилган маълумотларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш;

¹ Ушбу ҳужжатда хотин-қизлар кўп камситилаётган 12 та муҳим соҳа ажратиб кўрсатилган: хотин-қизлар ва қашшоқлик; хотин-қизларни ўқитиш ва уларга касбий таълим бериш; хотин-қизлар ва саломатлик; хотин-қизларга зўравонлик қилиш; қуроли мижозлар даврида хотин-қизлар; хотин-қизлар ва иқтисодиёт; бошқарув органлари фаолиятида ва қарорлар қабул қилишда аёлларнинг иштироки; хотин-қизларнинг ҳолатини яхшилашнинг институционал механизмлари; хотин-қизлар ва инсон ҳуқуқлари; аёллар ва оммавий ахборот воситалари; аёллар ва атроф-муҳит; қизлар.

² 2015 йили Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасининг 20 йиллиги нишонланди. 2020 йилда эса, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасининг 25 йиллиги нишонланди. Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасини бажариш бўйича Ўзбекистоннинг ҳисоботини тақдим қилиш режалаштирилмоқда.

³ Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ҳар йили Хотин-қизлар ҳолати бўйича IV Бутунжаҳон конференцияси сабабли кейинги фаолияти тўғрисида ҳамда Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасини тўлиқ амалга ошириш тўғрисида резолюцияларни кўриб чиқади ва қабул қилади, унда Ассамблея ушбу ҳужжат ва 1979 йилги Конвенция эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгликни амалга оширишда бир-бирини тўлдирди, деб тан олади. Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасининг алоҳида аҳамияти БМТ Бош Ассамблеясининг “2000-йилда аёллар ҳолати: XXI асрда эркаклар ва аёллар тенглиги, тараққиёт ва тинчлик” номили 23-махусин сессиясида таъкидлаб ўтилган. Пекин конференцияси ҳужжатларининг аҳамияти БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1325 (2000) “Аёллар, дунё ва хавфсизлик” резолюциясида ҳам қайд этилган.

⁴ Сягровец Е.В. 1995 йилдаги Пекин конференцияси ва унинг якуний ҳужжатларининг халқаро ва миллий миқёсда гендер тенгликни амалга ошириш механизмини шакллантиришдаги роли. // Халқаро оммавий ва хусусий халқаро ҳуқуқнинг долзарб муаммолари: илмий ишлар тўплами – 5-нашр. – Минск, 2013 йил. - 84 б.

- (ii) режалаштириш ва баҳолаш учун маълумотларни тақдим этиш;
- (iii) маълумотларни йиғиш концепциялари ва усулларини такомиллаштириш;
- (iv) турли хил нашр ва тадқиқотларга гендер таҳлилни киритиш учун статистик тизимларни мустаҳкамлаш (стратегик мақсад Н.3).

2030 йилгача бўлган даврда глобал кун тартиби ва гендер статистикаси

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг **Мингйиллик декларациясида** Мингйилликнинг саккизта ривожланиш мақсади (МРМ) ютуқларини баҳолаш учун фойдаланиладиган миқдор асосидаги кўрсаткичлар тақдим этилган.

2015 йилда 8 та МРМ ўрнига 17 та барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) қабул қилинди. Глобал БРМлар асосида дунё давлатлари миллий БРМларни қабул қилдилар.



МАЪЛУМОТ УЧУН

2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби дунё етакчилари томонидан 2015 йил сентябрь ойида БМТнинг тарихий саммитида қабул қилинган. Бу Кун тартибида глобал барқарор ривожланишнинг 17 та мақсади кўрсатилган¹. Барқарор ривожланиш мақсадлари қонуний кучга эга бўлмаса-да, ҳукуматлар масъулиятни ўз зиммасига олиб, Кун тартибидаги 17 мақсадга эришишга ёрдам берувчи миллий механизмларни яратиши кўздан тутилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йил сентябрда бўлиб ўтган Барқарор ривожланиш бўйича саммитида қабул қилинган 70-сонли резолюцияга мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибидаги Барқарор ривожланиш мақсадларини (кейинги ўринларда “БРМ” деб юритилади) изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 20 октябрда “2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Барқарор ривожланишнинг 16 та миллий мақсади ва улар билан боғлиқ 127 та вазифаларни тасдиқлади².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2022 йил 21 февраль куни 83-сонли “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди³.

¹ БМТ БА 70/1-сон Резолюцияси “Оламинимиз ўзгариши: 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби” (A/RES/70/1).

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори

³ Хужжат матни билан ушбу ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/en/docs/5873508>

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини амалга оширишни назорат қилиб бориш қилинаётган ишларни кузатиб бориш, сиёсат ҳақида хабардор қилиш ва барча манфаатдор томонларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш учун кўрсаткичлар ва статистик маълумотларнинг ишончли тизимини талаб қилади. БРМ кўрсаткичлари, зарур ҳолларда, даромад даражаси, жинси, ёши, ирқий, этник келиб чиқиши, миграция ҳолати, ногиронлиги, яшаш жойи ва бошқа мезонлар бўйича расмий статистиканинг асосий тамойилларига¹ мувофиқ ҳолда ажратилиши керак.

Бундан ташқари, давлатлар амалиётига миллий миқёсда БРМ доирасида вазифаларни бажариш бўйича **ихтиёрий миллий шарҳлар ва ихтиёрий фуқаролар шарҳлари** жорий этилди.

Ихтиёрий миллий шарҳлар – бу мамлакатларнинг глобал мақсадлари ва “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” мажбуриятлари сари эришилган ютуқларини баҳолаш ва ҳисобот бериш жараёнидир. Бу жараённинг мақсади тажриба алмашиш, ўзаро таълим, камчиликларни аниқлаш ва илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда ҳамкорлик ўрнатиш орқали тараққиётни жадаллаштиришга ёрдам бериш учун мамлакатларда БРМга эришишнинг қисқача шарҳини тақдим этишдан иборатдир².



МАЪЛУМОТ УЧУН

2020 йилнинг 15 июль куни БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши ҳомийлигидаги Олий даражадаги сиёсий форумда Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларини (БРМ) амалга оширишдаги муваффақиятларга оид биринчи ихтиёрий миллий шарҳининг (ИМШ) тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимот видеоконференция режимида ўтказилган бўлиб, унда БРМлар бўйича мажбурият олган БМТга аъзо давлатлар иштирок этди³.

Ихтиёрий миллий шарҳлардан ташқари, **фуқароларнинг ихтиёрий шарҳлари ҳам тақдим қилиниши мумкин**. Амалиётнинг кўрсатишича, бу борадаги ҳукумат шарҳларида ҳар доим ҳам мамлакатда бўлаётган ишлар ҳолати акс этавермайди. Кўпинча муаммоли жиҳатлар эътиборга олинмай, фақат ютуқлар диққат марказида бўлади. Шу сабабли, БРМга эришишни чин маънода ўз олдиға мақсад қилган фуқаролик жамиятлари фуқаролар шарҳларини (Ихтиёрий фуқаролар шарҳи ёки ИФС) туза бошладилар. Ушбу шарҳлар ижобий тенденцияларни кўрсатибгина қолмай, балки давлатнинг эътиборсиз қолдирадиган ёки сезмайдиган

¹ БМТ Банинг 68/261-сонли “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш кун тартиби мақсадларига эришиш учун глобал кўрсаткичлар тизими” резолюцияси (A/RES/71/313).

² Ихтиёрий ҳисоботлар тўғрисида батафсил маълумот БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг қуйидаги сайтида келтирилган: <https://www.ohchr.org/ru/sdgs/voluntary-national-reviews>

³ БРМни бажариш бўйича Ўзбекистоннинг ихтиёрий миллий шарҳи матни билан ушбу ҳаволада танишиш мумкин: https://www.ohchr.org/sites/default/files/Documents/Issues/SDGS/2020VNRCountries/UZBEKISTAN_Russian.pdf

ривожланиш муаммоларини ҳам ёритади. Фуқаролик жамиятининг бундай мустақил ҳисоботлари “яширин ҳисоботлар” (shadow reports), “диққат марказида бўлган ҳисоботлар” (spotlight reports) ёки “параллел ҳисоботлар” (parallel reports) деб ҳам аталади. Кўпинча фуқароларнинг шарҳлари давлат учун тавсиялар ишлаб чиқиш ва БРМга эришиш учун мулоқот ўрнатишга қаратилган. Муқобил шарҳни тайёрлаш учун мамлакатнинг барча ҳудудларидан фуқаролик жамияти вакиллари таклиф этилиши, 2030 йилгача бўлган Кун тартиби бўйича халқаро музокараларда фуқаролик жамияти вакилликнинг таъминланиши кўплаб ташкилотларга БРМни амалга оширишда ўз фаолиятининг аҳамиятини қайта баҳолашга ёрдам берди.

Тақдим этилган шарҳларнинг сифати уларга киритилган статистик маълумотлар, жумладан, гендер статистикасига боғлиқ. 2030 йилгача бўлган даврдаги Кун тартиби миллий статистика идоралари ва кенгроқ маънода миллий статистика тизимлари учун жиддий синов ҳисобланади.

Давлатнинг гендер статистика бўйича халқаро мажбуриятлари

CEDAW конвенцияси/9-умумий тавсия (1989 йил)	Пекин Ҳаракатлар платформаси	2030 йилгача бўлган давр учун кун тартиби (БРМ)
<ul style="list-style-type: none"> - даврий ҳисоботларга статистик маълумотларни киритиш; - БМТнинг тегишли идораларига техник ёрдам сўраб мурожаат қилиш; - аниқ маълумотлар тўпланишини таъминлашга ёрдам берувчи хотин-қизлар уюшмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш; - ижтимоий-иқтисодий тадқиқотларни режалаштиришга масъул бўлган миллий статистика идоралари сўрономаларни тайёрлашда маълумотларни жинслар бўйича ажратилган ҳолда тузишини тавсия қилади. Шундай қилинганда, бу сўровга қизиққан фойдаланувчилар маълум хотин-қизлар ҳақида маълумотларни қийналмай топишлари мумкин бўлади. 	<ul style="list-style-type: none"> - барча муҳим соҳаларда стратегия ва дастурлар ишлаб чиқишда хотин-қизлар ва эркакларнинг аҳолини муносиб акс эттириш учун жинси (шунингдек, ёши ва бошқа омиллар) бўйича ажратилган маълумотларни мунтазам равишда тўплаш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш; (i) жинс бўйича ажратилган маълумотларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш; (ii) режалаштириш ва баҳолаш учун маълумотларни тақдим қилиш; (iii) маълумотларни йиғиш концепциялари ва усулларини такомиллаштириш; (iv) турли хил нашр ва тадқиқотларга гендер таҳлилни киритиш учун статистик тизимларни мустаҳкамлаш (стратегик мақсад Н.3). 	<ul style="list-style-type: none"> - Гендер кўрсаткичлари бўйича БРМга эришишни мониторинг қилиш; - БРМга эришиш бўйича ихтиёрий миллий ва фуқаролар шарҳларини тақдим қилиш.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, **гендер статистикаси:**

- давлатнинг инсон ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш соҳасидаги халқаро мажбуриятидир;
- халқаро органларга тақдим этиладиган Ўзбекистон ҳисоботлари ва уларни такомиллаштиришнинг зарурий шартидир;
- давлатнинг гендер тенгликни таъминлаш борасида халқаро мажбуриятларини бажарилишининг муҳим баҳолаш воситасидир;
- глобал даражада гендер тенгликка эришиш соҳасида эришилган ютуқларни кузатиш ва баҳолаш воситасидир.

2.2. ГЕНДЕР ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИДА УЛАРНИНГ РОЛИ

CEDAW қўмитасининг умумий тавсиялари ва якуний изоҳларидан келиб чиқадиган статистик маълумотлар ва гендер кўрсаткичлари

Конвенцияга мувофиқ, иштирокчи давлатлар Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш бўйича қўмитасига Конвенция қоидаларининг миллий даражада амалга оширилиши тўғрисида даврий ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини оладилар (18-модда). Ҳисоботлар давлатга мавжуд вазиятни танқидий баҳолаш, мажбуриятларини ойдинлаштириш ва Конвенция қоидаларини амалга оширишни таъминлаш мақсадида ислоҳотга муҳтож соҳаларни аниқлаш имконини беради¹.

Бугунга қадар Ўзбекистон қўмига олтита ҳисобот тақдим этган². Ўзбекистоннинг Олтинчи ҳисоботи 2019 йилда БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш бўйича қўмитасига тақдим этилган³. 2022 йилда бу қўмига Ўзбекистоннинг Олтинчи ҳисоботини кўриб чиқиб, ҳисобот натижалари бўйича якуний изоҳларини тақдим этди.

¹ “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция: парламентарийлар учун қўлланма. – Парламентлараро иттифоқ, 2004 йил. - 60-бет.

² Ўзбекистоннинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қоидаларини бажарганлик тўғрисидаги илк ҳисоботи 2001 йилда кўриб чиқилган. Иккинчи ва учинчи жамланма ҳисоботлар эса 2006 йили кўриб чиқилган. Тўртинчи ҳисобот 2010 йилда, Бешинчи ҳисобот эса, 2014 йили тақдим қилинган. 2019 йилдан бошлаб Олтинчи ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишга тайёргарлик ишлари бошланган. Ўзбекистон Республикасининг Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш бўйича қўмига берган ҳисоботларини ушбу ҳаволадан топиш мумкин: www.ohchr.org

³ Бугунги кунга қадар БМТ қўмиталарига 35 дан ортиқ миллий ҳисоботлар тақдим этилган. Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг барча шартномавий органларига тақдим қилган миллий ҳисоботлари БМТ ИҲОКБнинг www.ohchr.org веб сайтыга жойлаштирилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича қўмитаси Ўзбекистоннинг ҳисоботларини кўриб чиқиш якунлари бўйича ўзининг изоҳларида, биринчи навбатда, ҳукуматнинг хотин-қизларни камситишга барҳам бериш ва ўз қонунчилигини қайта кўриб чиқиш бўйича миллий механизмни яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди.

Шу билан бирга, қўмита Ўзбекистон ҳисоботларини кўриб чиқиш якунлари бўйича¹ ўз хулосаларида бир қатор муаммоларни қайд этди.

Бунда, ҳисоботлар сифатини ошириш бўйича Қўмита тавсиялари алоҳида аҳамиятга эга. Конвенция қоидаларини амалга ошириш бўйича миллий ҳисоботларни тайёрлаш нафақат аёллар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини мониторинг қилишнинг муҳим воситаси, балки ўзини ўзи таҳлил қилиш, тегишли давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги, саъй-ҳаракатлар ва чора-тадбирларни мувофиқлаштиришни таъминлашнинг зарур шarti ва воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳисоботларни кўриб чиқиш тартиби четдан холис баҳолаш, шунингдек, илғор халқаро ва хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш миллий тизимини янада такомиллаштиришга оид инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотларнинг тавсияларини олиш имконини беради.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳисоботларни тайёрлашда Қўмитанинг Конвенция қоидаларини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар сифатида хизмат қилувчи умумий тавсиялари қоидаларини ҳисобга олиш муҳимдир². Шу билан бирга, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, конвенция органлари томонидан қабул қилинган умумий характердаги тавсиялар (ёки изоҳлар) инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг нуфузли жамоавий буйруқли талқини бўлиб, улар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қоидаларни бир хил талқин қилиш, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг мазмун-моҳиятини универсал тушунишга эришиш учун катта аҳамиятга эга. Муайян шароитларда, масалан, агар давлатлар умумий изоҳларга қатъий риоя қилсалар, улардаги қоидалар халқаро ҳуқуқнинг одатий қоидалари мақомини олиши ва давлатлар учун мажбурий бўлиши мумкин³.

1-11-умумий тавсияларда сифат ва миқдор бўйича кўрсаткичлар кўзда тутилмаган.

1. 1-умумий тавсия: “Давлатларнинг ҳисоботлари тўғрисида”⁴.

¹ Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича қўмитасининг Ўзбекистон ҳисоботларини кўриб чиқиш бўйича якуний изоҳлари қуйидаги ҳаволада келтирилган: [http://tbinternet.ohchr.org/_layouts/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=A%2f56%2f38\(SUPP\)&Lang=ru](http://tbinternet.ohchr.org/_layouts/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=A%2f56%2f38(SUPP)&Lang=ru)

² “Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция: парламентарийлар учун қўлланма. – Парламентлараро иттифоқ, 2004 йил. – 67-бет.

³ Гремза Н.Ю. Инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш соҳасидаги конвенция қўмиталари. Диссертация автореферати ... юридик фанлар номзоди. – Москва, 2005 йил. – 12-б.

⁴ [https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_4724_E.pdf/](https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_4724_E.pdf) рус тилида – <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral1.html>

2. 2-умумий тавсия: “Ҳисоботлар тўғрисидаги қўлланма”¹ (ҳар тўрт йилда ҳисобот тақдим этишга чақиради).
3. 3-умумий тавсия: “Ахборот-маънавий тарғибот ишлари тўғрисида”² (хабар беришни фаол тарзда кенгайтиришга чақиради).
4. 4-умумий тавсия: “Қўшимча шартлар тўғрисида”³ (Конвенция ратификация қилинишида қўшимча шартларни бекор қилишга чақиради).
5. 5-умумий тавсия: “Вақтинчалик махсус чоралар тўғрисида”⁴ (квоталар қабул қилишга чақиради).
6. 6-умумий тавсия: “Самарали миллий механизм тўғрисида”⁵ (миллий механизм яратиш ва уни мустаҳкамлашга чақиради).
7. 7-умумий тавсия: “Ресурслар тўғрисида”⁶ (CEDAW Қўмитаси фаолияти учун).
8. 8-умумий тавсия: “CEDAW Конвенциясининг 8-моддасини амалга ошириш тўғрисида”⁷ (хотин-қизларни давлатга халқаро даражада вакиллик қилиш ҳуқуқи билан таъминлашга чақиради).
9. 9-умумий тавсия: “Хотин-қизларга оид статистик маълумотлар тўғрисида”⁸ (давлатларни ўз ҳисоботларига статистик маълумотларни киритишга чақиради).
10. 10-умумий тавсия: “CEDAW Конвенциясининг ўн йиллиги тўғрисида”⁹.
11. 11-умумий тавсия: “Ҳисоботларни тайёрлашда техник-маслаҳат хизматлари тўғрисида”¹⁰ (техник маслаҳатлар, шу жумладан ўқув машғулотлари учун лойиҳаларда иштирок этишга чақиради) (кенг кўламда ахборот кампанияларини ўтказишга чақиради).
12. 14-умумий тавсия: “Аёлларни хатна қилиш тўғрисида”¹¹. Бу амалиёт Африка мамлакатларида мавжуд.
13. 20-умумий тавсия¹² “Қўшимча шартлар тўғрисида” (қўшимча шартларни қайтадан кўриб чиқиш).
14. 22-умумий тавсия¹³: “Конвенциянинг 20-моддасига тузатиш киритиш” (Қўмита сессияларига оид).

¹ https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_3726_E.pdf / рус тилида - <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral2.html>

² https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_5825_E.pdf/ рус тилида - <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral3.html>

³ https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_5826_E.pdf/ рус тилида - <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral4.html>

⁴ <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral5.html>

⁵ https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_5828_E.pdf/ рус тилида - <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral6.html>

⁶ https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_5829_E.pdf/ рус тилида - <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral7.html>

⁷ https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_3727_E.pdf/ рус тилида - <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral8.html>

⁸ https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/A_44_38_3724_E.pdf/ рус тилида - <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral9.html>

⁹ https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_3728_E.pdf/ на рус тилида - <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral10.html>

¹⁰ https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_5830_E.pdf/<http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral11.html>

¹¹ https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_3729_E.pdf/<http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral14.html>

¹² <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral20.html>

¹³ <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral22.html>

12-23-сонли умумий изоҳларда Қўмита аниқроқ тавсиялар беради ва давлатларнинг Конвенция қоидаларини амалга ошириш бўйича мажбуриятларини кўрсатади, улар асосида тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши даражасини баҳолаш учун маълум кўрсаткичлар олиниши мумкин. 23-38-сонли умумий изоҳларда Қўмита давлатларнинг Конвенция бўйича мажбуриятларини анча батафсил кўрсатиб ўтиб, Қўмита тавсиялари асосида нафақат сифат бўйича, балки миқдор бўйича кўрсаткичларни янада аниқроқ белгилаш мумкин. Бу Конвенция қоидаларининг иштирокчи-давлатлар томонидан бажарилишини мониторинг қилиш воситаси сифатида гендер статистикасининг роли ортиб бораётганидан далолат беради.

Буни батафсил тарзда CEDAW Конвенциясининг бир моддаси ва CEDAW Қўмитасининг умумий тавсияси мисолида кўриб чиқайлик.

Демак, CEDAW конвенциясига кўра, хотин-қизларнинг асосий ҳуқуқларидан бири таълим олиш ҳуқуқидир. Конвенциянинг ушбу моддасини амалга ошириш бўйича давлатларнинг мажбуриятларини изоҳлаш ва аниқ белгилаш учун **Хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқи тўғрисидаги 36-умумий тавсия (2017 йил)**¹ қабул қилинди. Тавсия мазмунини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ушбу мажбуриятнинг бажарилишини назорат қилиш учун сифат ва миқдор бўйича кўрсаткичларни аниқлаш мумкин.

Хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқи тўғрисидаги 36-умумий тавсия (2017 йил)

Сифат бўйича кўрсаткичлар			Миқдор бўйича кўрсаткичлар/гендер статистикаси
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг
<p>1. Қуйидагиларни қонунчилик асосида мустақамлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қизларнинг таълим олишда тенг ҳуқуқлилиги; - таълим соҳасида тенг ҳуқуқлар; - барча хотин-қизлар, шу жумладан, хотин-қизларнинг барча кам таъминланган гуруҳлари учун умрбод таълим олиш ҳуқуқи; - қизлар учун минимал никоҳ ёши 18 ёш; 	<p>1. Таълим олиш имкониятини ошириш мақсадида қизлар учун гендер квоталари ва грантлар</p> <p>2. Хотин-қизлар учун АКТдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш</p>	<p>1. Таълимнинг барча босқичларида мактаб ўқув дастурлари доирасида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва Конвенция бўйича ёшга оид ўқув ва тарбиявий ишларни олиб бориш.</p> <p>2. Оммавий ахборот воситаларини хотин-қизларнинг ижобий ва сексуаллаштирилмаган қиёфасини яратишга ундаш.</p>	<p>1. Жинс, жойлашув, ёш, мактаб тури ва миллий гуруҳ бўйича, қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олган барча даражадаги таълим олиш имконияти тўғрисидаги маълумотларни мунтазам равишда тўплаш.</p>

¹ <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N17/398/05/PDF/N1739805.pdf?OpenElement>

Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг
<p>- халқаро стандартларга мувофиқ ишга жойлаштишни минимал ёши.</p> <p>2. Ҳомиладор ёш қизлар, ёш оналар ва 18 ёшгача турмушга чиққан қизларнинг мактабда қолиши ёки дарҳол мактабга қайтиши учун қайта рўйхатга олиш ва инклюзив таълим стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда бундай стратегиялар тўғрисидаги маълумотларни барча таълим муассасалари ва уларнинг маъмурий ходимларига, шунингдек, ота-оналар ва маҳаллий аҳоли ўртасида тарқатиш.</p> <p>3. Ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарни интернет-тахдиднинг (кибербуллинг) шакллари ва потенциал оқибатлари ҳақида хабардор қилиш учун кенг қамровли дастурларни ишлаб чиқиш ва кибербуллингдан жабр кўрган ўқувчиларга маслаҳат ва ёрдам кўрсатиш.</p>	<p>3. Узлуксиз таълим дастурлари, жумладан, катталар саводини чиқариш дастурлари ва функционал саводхонлик дастурлари, хусусан, эркаклар ва аёллар ўртасидаги ҳар қандай билимлардаги фарқланишларга барҳам бериш.</p> <p>4. Олий таълим муассасаларининг илмий ва маъмурий кенгашлари, илмий-тадқиқот муассасалари каби бошқарув органларида хотин-қизларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш бўйича сиёсат ва квоталарни ишлаб чиқиш.</p>	<p>3. Хотин-қизларни гендер асосида камситишни жиддийлаштирувчи ва кучайтирувчи анъанавий гендер стереотипларини йўқ қилиш учун стереотиплардан холи ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув материалларини қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Таълим соҳасида эркакларга бериладиган устуворликларга қарши кураш ва қизларнинг таълим олишлари аҳамиятини тан олиш мақсадида ота-оналар ва кенг жамоатчилик учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш.</p> <p>5. Диний ва анъанавий етакчилар билан қизларнинг таълим олишининг аҳамияти ва таълимнинг барча босқичларида уларнинг ўқишига тўсқинлик қилаётган анъана ва урф-одатларга барҳам бериш муҳимлиги ҳақида суҳбат қилиш.</p>	<p>2. Таълимнинг ҳар бир босқичидаги мактаб ёшидаги болалар умумий сонига нисбатан ўқувчи қиз болалар ва ўғил болалар сони ва уларнинг улуши;</p> <p>3. Ўқишни давом эттираётган ўқувчилар сони, ўқишни ташлаб кетиш, давомат ва синфда қолиш кўрсаткичлари;</p> <p>4. Ҳар икки жинс вакиллари бўлган ўқувчиларнинг мактабдаги ўртача ўқиш йиллари;</p> <p>5. Таълимнинг кейинги босқичига, жумладан, мактабгача таълимдан бошланғич таълимга, бошланғич таълимдан ўрта таълимга, ўрта мактабдан олий ёки касб-ҳунар таълимига ўтиш кўрсаткичлари;</p> <p>6. Ўқитувчилар таркиби ўртасидаги тенглик даражасининг кўрсаткичи сифатида эркак ва аёл ўқитувчилар сони;</p> <p>7. Турли ёш гуруҳлари учун аёллар ва эркакларнинг саводхонлик даражаси.</p>

Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг
------------------------	------------------------------	-----------------------------	------------

4. Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида таъқиб қилиш ва хотин-қизларга тармоқда шилқимлик қилишнинг барча шакллари **жиноий ҳуқуқбузарлик** сифатида белгиловчи ва жазо тайинловчи қонунчилик ҳужжати қабул қилиш.

Конвенциянинг бошқа қоидалари ва CEDAW қўмитасининг умумий тавсиялари учун кўрсаткичлар **1-иловада келтирилган**.

Кўрсаткичларни аниқлаш ва ушбу кўрсаткичлар асосида маълумотларни даврий йиғиш CEDAW Конвенциясини амалга ошириш бўйича миллий ҳисоботларни тайёрлаш жараёнини осонлаштириши ва ҳисоботлар сифатини ошириши мумкин. CEDAW Конвенциясини амалга ошириш бўйича миллий ҳисоботни тайёрлаш билан шуғулланувчи давлат органлари ва ННТ маълумот тўплаш учун сўровномаларни ишлаб чиқишда улардан фойдаланишлари мумкин.



ИСТИҚБОЛЛАР

Бундай жадвалларнинг **амалий** аҳамиятини CEDAW Конвенциясини амалга ошириш бўйича миллий ҳисоботларни тайёрлаш билан шуғулланувчи давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари учун **очиқ фойдаланиш учун рақамли платформаларга** жойлаштириш орқали ошириш мумкин.

Бунда, ўша рақамли платформада индикатор номини босиш орқали тегишли маълумотларни олиш имкониятини яратиш керак. Муайян кўрсаткич бўйича маълумот тўплаш учун масъул бўлган тегишли ташкилот ушбу маълумотни мунтазам равишда янгилаб туриши лозим. Бу CEDAW Конвенциясини амалга ошириш бўйича миллий ҳисоботга у ёки бу маълумотларни киритишни сўраб бўлимлар ўртасида ёзишмаларга бўлган эҳтиёжни бартараф этиш баробарида **ҳисобот ва мониторинг учун зарур бўлган маълумотларни тўплашни осонлаштиради**.

Хулоса қилиб айтганда, ҳисоботларнинг сифати ва мазмунини ошириш учун ҳисоботни тайёрлашга **иштирокчиларни янада кенгроқ жалб қилиш** ва ҳисоботга киритиш учун маълумотларни тўплаш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) муқобил ҳисоботларни тайёрлаш бўйича фаолиятини фаоллаштириш зарур, чунки уларнинг борлиги хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш даражасининг муҳим кўрсаткичидир. ННТ шартнома органига энг долзарб маълумотлар тақдим қилиши мумкин, айтилиши вақтда давлат ҳисоботининг матни эса, муҳокама қилинишидан бир неча ой ёки ҳатто йиллар олдин тайёрланиши мумкин. ННТ кенг жамоатчиликка ушбу жараёнларнинг аҳамиятини тушунтиришда муҳим рол ўйнаши мумкин. ННТ жараёнда тўрт босқичда иштирок этишлари мумкин: ҳисобот тақдим этишдан олдин; ҳисоботни тақдим этиш ва уни шартномавий органда кўриб чиқиш оралиғида; ҳисоботни кўриб чиқиш вақтида ва кўриб чиқиш тугагандан сўнг¹.

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) – жараённинг яна бир муҳим иштирокчисидир. Агар жамоатчилик ҳисобот ҳақида ҳеч нарса билмаса, у ва уни муҳокама қилиш жараёни билан қизиқмаса, бутун тартиб-таомил мамлакатнинг ҳақиқий ҳаётига ҳеч қандай таъсир қилмайдиган дипломатик ҳаракатдан бошқа нарса бўлмайди².

Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасидан келиб чиқувчи статистик маълумотлар ва гендер кўрсаткичлари

Худди шундай, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, унинг амалга оширилиши бўйича маълумот тўплаш ва мониторинг қилиш учун гендер кўрсаткичларини аниқлаш мумкин.

Пекин декларациясида хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги **12 та асосий муаммоли соҳа** ажратиб кўрсатилган бўлиб, ўша соҳаларнинг ҳар бирининг мониторинги учун гендер кўрсаткичларини аниқлаш мумкин.

Декларацияда кўрсатилган муаммоли соҳалардан бирини мониторинг қилиш бўйича Пекин декларацияси қоидаларини таҳлил қилиш асосида аниқланган кўрсаткичларга мисол келтирамиз.

¹ Майкл О'Флаэрти. "Инсон ҳуқуқлари ва БМТ: Шартномавий органларнинг иш амалиёти". Иккинчи нашр, Martins Nijhoff Publishers, 2002. URL: <http://hrlibrary.umn.edu/russian/hrtsbook/Rtreatybodies-index.html> (кўрилган кун: 2019 йил 7 апрель)

² Ўша ерда

1-муаммоли соҳа Хотин-қизлар ва қашшоқлик
Мақсад – хотин-қизларнинг ресурслардан фойдаланиш имконияти,
молиявий барқарорлик

Тавсия қилинадиган чора-тадбирлар	Сифат бўйича кўрсаткичлар	Миқдор бўйича кўрсаткичлар
<ol style="list-style-type: none"> 1. Тартиб-қоидалар ва қабул қилинаётган иқтисодий ҳамда ижтимоий дастурларнинг гендер таҳлили 2. Хотин-қизларнинг иқтисодий сиёсатда ҳар томонлама иштирок этиши 3. Хотин-қизлар учун иқтисодий имкониятларни рағбатлантириш 4. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ ва балиқчиликни ривожлантириш 5. Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш 6. Аёллар ишсизлигини камайтириш чора-тадбирлари 7. Норасмий секторда банд бўлган аёлларни ҳимоя қилиш чоралари 8. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш 9. Талаб асосида хотин-қизларни касб-ҳунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш 10. Банк тартиб-қоидаларини соддалаштириш орқали аёлларнинг ер, кредит, технологиялардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш 11. Аёлларни уй-жой билан таъминлаш чоралари 12. Бепул юридик ёрдам 13. Ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини мустаҳкамлаш 14. Мигрант ва қочқин аёлларни ҳимоя қилиш чоралари 15. Хотин-қизлар меҳнатининг умумий ҳажмини ва хотин-қизларнинг миллий иқтисодиётга қўшаётган ҳиссаси, шу жумладан, уй-рўзғор ишлари ва фарзандларни парваришлаш ишларини баҳолашнинг статистик воситаларини ишлаб чиқиш. 	<p>Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус давлат дастурлари</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Норасмий секторда банд бўлган аёллар улуши 2. Ишсизлар орасида аёллар улуши 3. Тадбиркорлар орасида аёллар улуши 4. Аёлларнинг олий ўқув юртларидаги иштироки 5. Касбий тайёргарликдан ўтган/қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган хотин-қизлар сони 6. Уй-жой сотиб олиш ёки тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредит олган аёллар сони

Декларацияда кўрсатилган бошқа муаммоли соҳаларни мониторинг қилиш кўрсаткичлари **2-иловада** келтирилган.



ИСТИҚБОЛЛАР

Ушбу ҳужжат 1979 йилги Конвенция қоидаларини мустаҳкамлаш ва оидинлаштиришга қаратилганлиги ҳамда уларни халқаро, минтақавий ва миллий миқёсда амалий татбиқ этишнинг самарали режаси эканлигини ҳисобга олсак, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасидаги кўплаб кўрсаткичлар CEDAW конвенцияси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда олинган кўрсаткичлар билан мос келади.

Шунинг учун CEDAW конвенцияси ҳамда Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси учун **кўрсаткичларнинг икки гуруҳини** ўзаро бирлаштириб, уларни битта/ягона жадвалда тақдим этиш муҳимдир. Бу 2 та асосий ҳужжатнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот бериш жараёнини осонлаштиради, чунки CEDAW Конвенциясини амалга ошириш бўйича маълумот тўплаш орқали бир вақтнинг ўзида Пекин декларацияси бўйича маълумотларни тўплаш мумкин. Ушбу ҳужжатлар бўйича ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари деярли бир хил. CEDAW Конвенцияси учун тўпланган маълумотлардан Пекин декларациясига мувофиқ ҳисобот бериш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Шу билан бирга, рақамли платформада ҳисоботларни тайёрлаш билан шуғулланувчи тегишли бўлинмалар учун бундай жадвалнинг борлиги ахборот алмашиш ва ҳисоботларда тақдим этиш учун умумлаштириш жараёнини осонлаштиради.

Буни Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси қоидаларидан келиб чиқувчи кўрсаткичлар билан бирлаштирган ҳолда, юқоридаги жадвал асосида CEDAW Умумий тавсиялари асосида аниқланган кўрсаткичлар асосида хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқи мисолида кўрсатамиз. Юқорида таклиф қилинганидек, индикатор номини босганда, танланган кўрсаткич бўйича кўрилган чоралар ва статистик маълумотлар ҳақида ахборот бериш мақсадга мувофиқдир.

Хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқини мониторинг қилиш кўрсаткичлари (CEDAW Конвенцияси ва Пекин декларацияси)

CEDAW Конвенция доирасидаги кўрсаткичлар қизил ранг билан белгиланган		Пекин декларацияси бўйича кўрсаткичлар эса кўк ҳарфлар билан ёзилган		Кулранг ранг билан – ўзаро мос тушувчи кўрсаткичлар ажратиб кўрсатилган
Сифат бўйича кўрсаткичлар				Миқдор бўйича кўрсаткичлар/гендер статистикаси
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг	
<p>1. Қуйидагиларни қонунчилик асосида мустақамлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қизларнинг таълим олишда тенг ҳуқуқлилиги; - таълим соҳасида тенг ҳуқуқлар; - барча хотин-қизлар, шу жумладан, хотин-қизларнинг барча кам таъминланган гуруҳлари учун умрбод таълим олиш ҳуқуқи; - қизлар учун минимал никоҳ ёши 18 ёш; - халқаро стандартларга мувофиқ ишга жойлашишнинг минимал ёши. <p>2. Ҳомиладор ёш қизлар, ёш оналар ва 18 ёшгача турмушга чиққан қизларнинг мактабда қолиши ёки дарҳол мактабга қайтиши учун қайта рўйхатга олиш ва инклюзив таълим стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда бундай стратегиялар тўғрисидаги маълумотларни барча таълим</p>	<p>1. Таълим олиш имкониятини ошириш мақсадида қизлар учун гендер квоталари ва грантлар</p> <p>2. Хотин-қизлар учун АКТдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш</p> <p>3. Хотин-қизларни улар учун таълимнинг ноанъанавий йўналишларига (табиий ва техник фанлар) жалб қилиш</p> <p>4. Узлуксиз таълим дастурлари, жумладан, катталар саводини чиқариш дастурлари ва функционал саводхонлик дастурлари, хусусан, эркаклар ва аёллар ўртасидаги ҳар қандай билимлардаги фарқланишларга барҳам бериш.</p>	<p>1. Таълимнинг барча босқичларида мактаб ўқув дастурлари доирасида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва Конвенция бўйича ўқитиш ва тарбиявий ишларни ёшга қараб ҳисобга олган ҳолда таъминлаш.</p> <p>2. Ўқитувчиларни хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича тайёрлашга оид ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ўқув дастурларининг гендер экспертизаси.</p> <p>3. Оммавий ахборот воситаларини хотин-қизларнинг ижобий ва сексуаллаштирилмаган қиёфасини яратишга ундаш.</p> <p>4. Стереотиплардан холи ўқув-тарбиявий дастурлар, дарсликлар ва ўқув-услубий материалларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Жинси, жойлашган ери, ёши, мактаб тури ва миллий гуруҳи бўйича, шу жумладан, қуйидаги кўрсаткичлар бўйича барча даражадаги таълим олиш имконияти тўғрисидаги маълумотларни мунтазам тўплаш орқали хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш мониторингини ўтказиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - таълимнинг ҳар бир босқичидаги мактаб ёшидаги болалар умумий сонига нисбатан ўқувчи қиз болалар ва ўғил болалар сони ва уларнинг улуши; - ўқишни давом эттираётган ўқувчилар сони, ўқишни ташлаб кетиш, давомат ва синфда қолиш кўрсаткичлари; - ҳар икки жинсдаги ўқувчиларнинг мактабда ўқишнинг ўртача давомийлиги (йил); 	

Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг
<p>муассасалари ва уларнинг маъмурий ходимларига, шунингдек, оналар ва маҳаллий аҳоли ўртасида тарқатиш.</p> <p>3. Хотин-қизларнинг барча тоифалари (ёш оналар, мигрантлар, ногиронлар ва бошқалар) учун умрбод таълим олишни таъминлаш учун мослашувчан таълим дастурлари (мослашувчан дарс вақтлари).</p> <p>4. Ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарни интернет-таҳдиднинг (кибербуллинг) шакллари ва потенциал оқибатлари ҳақида хабардор қилиш учун кенг қамровли дастурларни ишлаб чиқиш ва кибрбуллингдан жабр кўрган ўқувчиларга маслаҳат ва ёрдам кўрсатиш.</p>	<p>5. Олий таълим муассасаларининг илмий ва маъмурий кенгашлари, илмий-тадқиқот муассасалари каби бошқарув органларида хотин-қизларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш бўйича сиёсат ва квоталарни ишлаб чиқиш.</p>	<p>5. Таълим соҳасида эркакларга бериладиган устуворликларга қарши кураш ва қизларнинг таълим олишлари аҳамиятини тан олиш мақсадида ота-оналар ва кенг жамоатчилик учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш.</p> <p>6. Диний ва анъанавий етакчилар билан қизларнинг таълим олишининг аҳамияти ва таълимнинг барча босқичларида уларнинг ўқишига тўсқинлик қилаётган анъана ва урф-одатларга барҳам бериш муҳимлиги ҳақида суҳбатлар уюштиришга кўмаклашиш.</p> <p>7. Таълим дастурлари доирасида жинсий тарбия ва таълим.</p> <p>8. Ишсиз аёллар, қишлоқ аёллари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, уларни тадбиркорликка ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш Турли тоифадаги аёллар (ёш оналар, ногиронлар, қишлоқ аёллари ва бошқалар) учун махсус ўқув дастурлари.</p>	<p>- Таълимнинг кейинги босқичига, жумладан, мактабгача таълимдан бошланғич таълимга, бошланғич таълимдан ўрта таълимга, ўрта мактабдан олий ёки касб-хунар таълимига ўтиш кўрсаткичлари;</p> <p>2. Ўқитувчилар таркиби ўртасидаги тенглик даражасининг кўрсаткичи сифатида эркак ва аёл ўқитувчилар сони;</p> <p>3. Таълим муассасаларига раҳбарлик жараёнида хотин-қизлар иштироки / Таълим соҳасида раҳбар аёллар сони;</p> <p>4. Таълим грантлари/ стипендиялари/ квоталар олган хотин-қизлар сони;</p> <p>5. Турли ёш гуруҳлари учун аёллар ва эркакларнинг саводхонлик даражаси;</p> <p>6. Олим аёллар сони;</p> <p>7. Хотин-қизлар учун таълимнинг ноанъанавий соҳаларидаги аёллар сони.</p>

Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг
<p>5. Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида таъқиб қилиш ва хотин-қизларга тармоқда шилқимлик қилишнинг барча шакллари жиноий ҳуқуқбузарлик сифатида белгиловчи ва жазо тайинловчи қонунчилик ҳужжатини қабул қилиш.</p>		<p>9. Турли тоифадаги аёллар (ёш оналар, ногиронлар, қишлоқ аёллари ва бошқалар) учун махсус ўқув дастурлари.</p>	

БРМ доирасидаги гендер кўрсаткичлари

Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш Барқарор ривожланиш соҳасининг кун тартибидаги 17 та мақсаддан бири ҳисобланади¹. Гендер тенглик Барқарор ривожланишнинг бешинчи мақсади сифатида белгиланган ва у қуйидагича таъкидланади: “гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш”.

Ўзбекистон Республикасида глобал Барқарор ривожланиш мақсадлари асосида 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар тасдиқланган бўлиб, унинг 5-мақсади сифатида “гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” белгиланган².

Ҳозирда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибининг мақсад ва кўрсаткичлари статистиканинг ривожланишига янги куч бериши баробарида ва гендер тенгликка эришишга туртки бўлмоқда. Тенгсизликка қарши курашиш ва ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик омилини таъминлаш шароитида батафсил ва кенг қамровли маълумотларга талаб ортиб бормоқда. “Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” дейилувчи 5-мақсад талабларига жавоб беришга қўшимча тарзда, бошқа мақсад ва кўрсаткичлар доирасида ҳам гендер омилини ҳисобга олиш зарур (қуйидаги жадвалга қаранг).

¹ БМТ БА 70/1-сон Резолюцияси “Оламинимиз ўзгариши: 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби” (A/RES/70/1).

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарор // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., № 09/18/841/2081.

5-БРМ доирасидаги вазифалар	Сифат бўйича кўрсаткичлар	Миқдор бўйича кўрсаткичлар
<p>5.1-вазифа - Ҳамма жойда барча хотин-қизларга камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш.</p>	<p>5.1.1 Жинс белгисига кўра тенглик ҳамда камситмасликни рағбатлантириш ва таъминлаш учун меъёрий-ҳуқуқий механизмларнинг мавжудлиги ва ушбу соҳадаги вазиятни мониторинг қилиш</p>	
<p>5.2-вазифа - Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари, шу жумладан, одам савдоси, жинсий эксплуатация ҳамда эксплуатациянинг бошқа шакллари тугатиш.</p>		<p>5.2.1 15 ёш ва ундан катта ёшдаги, охириги 12 ой ичида ҳозирги ёки собиқ севгилиси томонидан жисмоний, жинсий ёки психологик зўравонликка дучор бўлган хотин-қизларнинг зўравонлик турлари ва ёш гуруҳига кўра улуши.</p> <p>5.2.2 15 ёш ва ундан катта ёшдаги, охириги 12 ой ичида тўшақдошидан бошқа бирортаси томонидан жинсий зўравонликка дучор бўлган хотин-қизларнинг улуши, ёш гуруҳи ва ҳолат содир бўлган жойлар бўйича.</p>
<p>5.3-вазифа - Болалар никоҳлари, эрта никоҳлар ва зўрлаб никоҳлаш, шунингдек, аёллар жинсий органларини майиб қилувчи тиббий амалиётлар каби барча зарарли анъанавий амалиётларга барҳам бериш.</p>		<p>5.3.1 15 ёшгача ва 18 ёшгача турмуш қурган ёки эркак билан яшаб юрган 20 ёшдан 24 ёшгача бўлган аёлларнинг фоиздаги улуши.</p> <p>5.3.2 Аёллар жинсий органларини майиб қилувчи тиббий амалиётни бошдан кечирган 15-49 ёшдаги хотин-қизларнинг фоиздаги улуши, ёш гуруҳлари бўйича.</p>
<p>5.4-вазифа - Давлат хизматлари, инфратузилма ва ижтимоий ҳимоя тизимларини тақдим этиш орқали парваришlash ва уй хўжалигини юритиш бўйича ҳақ тўланмайдиган меҳнатни тан олиш ва қадрлаш, миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда оилада хўжалик юритиш учун умумий масъулият тамойилини рағбатлантириш.</p>		<p>5.4.1 Ҳақ тўланмайдиган парваришlash ва уй ишларига сарфланган вақт улуши, жинс, ёш гуруҳи ва жойлашуви бўйича.</p>
<p>5.5-вазифа - Хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча босқичларида ҳар томонлама иштирок этишларини ҳамда қарор қабул қилишда етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни таъминлаш.</p>		<p>5.5.1 а) миллий парламентларда ва б) маҳаллий ҳокимият органларда ишловчи хотин-қизларнинг у ерлардаги жами ходимларга нисбатан улуши.</p> <p>5.5.2 Раҳбарлик лавозимларидаги хотин-қизлар улуши (фоизда).</p>

5-БРМ доирасидаги вазифалар	Сифат бўйича кўрсаткичлар	Миқдор бўйича кўрсаткичлар
<p>5.6-вазифа - Аҳоли ва ривожланиш бўйича халқаро конференциянинг Ҳаракатлар дастури, Пекин Ҳаракатлар платформаси ва уларнинг бажарилишини кўриб чиқиш бўйича бу конференцияларнинг якуний ҳужжатларига мувофиқ, жинсий ва репродуктив саломатлик хизматлари ҳамда репродуктив ҳуқуқлардан умумий фойдаланишни таъминлаш.</p>		<p>5.6.1 Жинсий алоқа қилиш, контрацептив воситалардан фойдаланиш ва репродуктив саломатлик хизматларидан фойдаланиш бўйича онгли қарорлар қабул қила олувчи 15-49 ёшдаги аёллар улуши.</p> <p>5.6.2 15 ёш ва ундан катта ёшдаги аёллар ва эркакларнинг жинсий ва репродуктив саломатлик хизматларидан, шу бўйича маълумотлар ва кўрсатмалардан тўлиқ ва тенг фойдаланишини кафолатловчи қонун ва қоидаларга эга мамлакатлар сони.</p>
<p>5.а-вазифа - Миллий қонунчиликка мувофиқ, хотин-қизларга иқтисодий ресурслар учун тенг ҳуқуқлар бериш, шунингдек, ерга ва бошқа мулк шакллариغا эгалик қилиш ва назорат қилиш, молиявий хизматлар, мерос ҳуқуқи ва табиий ресурслардан фойдаланиш имкониятини тақдим қилиш бўйича ислохотларни амалга ошириш.</p>		<p>5.а.1 а) Қишлоқ хўжалиги ерларига эгалик қилувчи ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг жинси бўйича фоизли улуши (қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи аҳоли орасида); б) Қишлоқ хўжалиги ерларига эгалик қилувчи ёки унга эгалик қилувчи аёлларнинг улуши, ерга эгалик қилиш турлари бўйича.</p> <p>5.а.2 Қонунчилик базаси (жумладан, оддий ҳуқуқлар) аёлларга ерга эгалик қилиш ва/ёки назорат қилишда тенг ҳуқуқларни кафолатловчи мамлакатлар фоизи.</p>
<p>5.б-вазифа - Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш мақсадида юқори самарали технологиялар, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни фаоллаштириш.</p>		<p>5.б.1 Мобил телефонга эга кишиларнинг жами аҳолидаги улуши, жинс кесимида.</p>
<p>5.с-вазифа - Гендер тенглик ва барча даражадаги хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мақсадида тегишли стратегиялар ва амалда яхши ишловчи қонун ҳужжатлари қабул қилиниши ва мустаҳкамланишини таъминлаш.</p>		<p>5.с.1 Гендер тенглик ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришни таъминлаш учун давлат харажатларини тақсимлаш ва уни мониторинг қилиш механизмлари мавжуд мамлакатлар улуши.</p>

Гендер тенглик ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича 5-БРМни мониторинг қилиш зарурати, шунингдек, гендер масаласининг 2030 йилгача бўлган даврдаги Кун тартибига кенг ва инклюзив тарзда киритилиши гендер статистикасига бўлган талабни оширади ва уни доимий такомиллаштиришни талаб қилади.

Барқарор ривожланишнинг 5-мақсади барқарор ривожланиш мақсадларининг аксарияти билан ўзаро биргаликда амал қилади

ва гендерга йўналтирилган сиёсат мавжуд бўлган шароитда, БРМга эришишга ижобий таъсир қила олади (3-иловага қаранг. **Бошқа БРМ бўйича гендер кўрсаткичлари**).

Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш (5-БРМ) барқарор ривожланишнинг биринчи мақсади – **кам таъминланганлик даражасини қисқартириш** билан ижобий боғлиқдир, чунки гендер тенгсизлик қашшоқликнинг феминизациясига олиб келади, аёлларнинг молиявий қарамлиги оиладаги зўравонлик муаммосини янада кучайтиради. Кам таъминланган хотин-қизлар одам савдоси, эрта турмуш қуриш, аёлларнинг жинсий аъзоларини хатна қилиш каби ҳолатлардан жабр кўриш эҳтимоли кўпроқ ва таълим олиш имкониятларидан, жумладан, рақамли соҳа имкониятларидан фойдаланишдан ҳам маҳрум.

Шунингдек, 5-БРМнинг Барқарор ривожланишнинг 2-мақсади – **Очарчиликка барҳам бериш** (озик-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш) билан ҳам чамбарчас боғланган, чунки гендер тенгликка эришиш оч аёллар ва болалар, тўйиб овқатланмайдиган қизлар ва ҳомиладор аёллар сонини камайтиради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини гендерга боғлиқ ҳолда, яъни фермер аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус дастурлар билан ошириш қишлоқда гендер тенгсизликни камайтиришга, қишлоқ аёлларининг норасмий бандлигини, уларнинг оилавий тадбиркорликдаги бўйсунувчи мавқеини камайтиришга ёрдам беради, уларнинг мустақиллиги ва молиявий қарам бўлмаслик даражасини оширади. Бироқ, протекционизмнинг бекор қилиниши (Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозорларида савдо чекловлари киритилиши ва хатолар юзага келишини бартараф этиш ҳамда бунга йўл қўймаслик) (2b) кичик маҳаллий фирмаларнинг йирик ТМК маҳсулотлари билан рақобатлаша олмаслигига олиб келиши мумкин.

Қишлоқ аёллари кўпинча малака талаб қилмайдиган, кам даромадли ва кам ҳақ тўланадиган ёки ҳақ тўланмайдиган, иш вақти ҳаддан ташқари узун, ёмон шароитларда иш билан банд ва улар ижтимоий жиҳатдан тегишли тарзда ҳимояланмаган. Улар ҳақ тўланмайдиган уй ишлари ва оилавий парваришлаш, жумладан, болаларни овқатлантириш ва парваришлаш, беморлар ва қарияларга ғамхўрлик қилиш каби жуда кўп ҳажмдаги ишларни бажарадилар. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишчилар ва иш берувчилар орасида ишчи хотин-қизларнинг улуши ҳамон паст даражада, бу эса уларни ўз фикрини билдириш, ўз манфаатларини ифода этиш имкониятидан маҳрум қилмоқда.

Шунга қарамай, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш сиёсатида хотин-қизларнинг сув ресурсларидан фойдаланишдаги роли паст даражада.

Улар кўпинча иқлим ўзгариши ҳақидаги маълумотлардан фойдалана олмайдилар. Қишлоқ аёллари, одатда, ер ва табиий ресурсларга нисбатан чекланган ҳуқуқларга эга. Бундан ташқари, қишлоқ аёллари озиқ-овқат хавфсизлигининг йўқлигидан энг юқори даражада жабр кўрувчилар

қаторига киритилиши баробарида, улар озиқ-овқат нархларининг ўзгариши, тўйиб овқатланмаслик ва очликдан ҳимоясиз бўлиб, озиқ-овқат нархи кўтарилса, уларга бу кўпроқ салбий таъсир кўрсатади.

Барқарор ривожланишнинг 3-мақсади – **Соғлик ва фаровонлик**, дея белгиланган бўлиб, у шунингдек, гендер тенглик омили билан ижобий боғлиқ, чунки хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш оналар (3.1) ва чақалоқлар (3.2) ўлимини камайтиришга кўмаклашади, контрацепция воситаларидан фойдаланиш имкониятини ошириш ва ундан хабардорликни оширишга ёрдам беради, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, шу жумладан, ОИТСга қарши курашишга ёрдам беради. Соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш даражаси ҳамда аёллар ва болаларнинг ҳаёт сифатининг ошиши эса, сил, безгак ва тропик касалликларга қарши курашда (3.3) жуда муҳим омил ҳисобланади. Умуман олганда, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини, жумладан, уларнинг таълим даражаси ва даромадларини ошириш юқумли бўлмаган касалликлар оқибатидаги ўлим даражасини камайтириш, руҳий саломатликни яхшилаш (3.4) ва психофаол моддаларга қарамликни (3.5) бартараф қилиш имконини беради. Малака ошириш ва кадрларни ушлаб қолиш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришни сезиларли даражада кўтариш эса (3с) гендер тенглик масаласига жиддий кўмаклашади, чунки дунёнинг кўп мамлакатларида хотин-қизлар, асосан соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатади.

Барқарор ривожланишнинг 4-мақсади бўлган **Сифатли таълим** гендер тенгликка эришиш учун, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда қизларнинг саводхонлигини ошириш ва дунёнинг барча мамлакатлари таълим тизимида, айниқса, STEM соҳасида гендер сегрегацияси ва гендер стереотипларини бартараф этиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Барқарор ривожланишнинг 6-мақсади – **Тоза сув ва санитария** ҳам гендер тенгликка эришиш билан ҳам ижобий боғлиқ, чунки ичимлик сувидан фойдаланиш инсоннинг асосий эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим элементи ҳисобланади, бундан ташқари, хотин-қизлар учун тегишли санитария ва гигиена воситаларидан фойдаланишни таъминлаш, айниқса, муҳимдир.

Иқлим ўзгариши инсон ҳаётига хавф туғдиради ва инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади.

Биринчидан, иқлим ўзгариши сув тошқини ва қурғоқчилик каби аномал об-ҳаво ҳодисаларининг кўлами ва содир бўлиш сонини оширмақда. Иқлим ўзгариши туфайли ҳарорат кўтарилиши билан сувнинг умумий буғланиш даражаси ҳам кучаяди, бу сув танқислиги қурғоқчиликка, сувнинг кўпайиб кетиши эса, сув тошқинларга олиб келувчи олдиндан айтиб бўлмайдиган экстремал шароитларни келтириб чиқариши мумкин. Яъни, одамлар ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид солувчи табиий офатлар хавфи кучаймоқда¹.

¹ Николь Яверт. Сув ресурсларининг келажаги ва иқлим ўзгариши оқибатларига назар (2019 йил) <https://www.iaea.org/ru/newscenter/news/vzglyad-na-budushchee-vodnyh-resursoy-i-posledstviya-izmeneniya-klimata>

Иккинчидан, ифлосланган сув ва оддий санитария шароитларининг йўқлиги қашшоқлик ва касалликларни бартараф қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларга путур етказди. Дунё бўйлаб, тахминан 2,5 миллиард одам такомиллашган санитария шароитларига эга эмас ва уларнинг аксарияти хотин-қизлардир¹. Физиологик жиҳатдан, хотин-қизлар учун махсус гигиенага риоя қилишлари зарур. Ҳар йили 1 миллион ўлим ҳолатлари санитария талабларига жавоб бермайдиган ҳолатларда туғиш ҳолатлари билан боғлиқ. Янги туғилган чақалоқлар ўлимининг 26 фоизи ва оналар ўлимининг 11 фоизи юқумли касалликлар оқибатида содир бўлади.

Учинчидан, иқлим ўзгариши таъсирида хотин-қизларнинг иш юки ортиб бормоқда: қишлоқ жойларда сув танқислиги туфайли аёллар сув манбаларини излаб узоқ масофаларни босиб ўтишга мажбур бўлмоқдалар². Дарҳақиқат, 45 та ривожланаётган мамлакатда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, уй хўжалиklarининг 76 фоизида аёллар ва болаларга сув олиб келиш учун асосий масъулият юкланган. Уй хўжалиklarининг 12 фоизида болалар сув олиб келиш учун асосий масъулиятни ўз зиммаларига олишади, бунда 15 ёшгача бўлган қизларнинг бу жавобгарликни ўз зиммаларига олиш эҳтимоли ўғил болаларникига қараганда икки баравар кўп.

Юқорида таъкидланганидек, қишлоқ хотин-қизлари сув танқислигидан энг кўп зарар кўрувчи аҳоли сирасига киради. Кўпгина ҳудудларда қишлоқ инфратузилмаси ва хизматлари ёмонлиги сабабли қишлоқ аёллари уйига сув олиб келиш учун кунига 4-5 соатлаб вақт сарфлашади. Бунда, элликка яқин мамлакатларда қишлоқдаги санитария ёки сув ресурсларини бошқаришда аёлларнинг иштироки ҳақида алоҳида эслатувчи қонунлар ёки тартиб-қоидалар мавжуд. Паст ва ўрта даромадли мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ишчи кучининг деярли ярмини аёллар таъминласа-да, қишлоқ хўжалигида аёлларнинг меҳнат унумдорлиги эркак фермерларникидан ўртача 20-30% га паст³.

Барқарор ривожланишнинг 7-мақсади – **Барқарор ва ишончли энергия** бўлиб, у қуйидаги тарзда гендер тенгликни амалга ошириш билан боғлиқ. Амалиёт шуни кўрсатадики, сувдан фойдаланишни таъминлаш масаласи каби бу масала ҳам гендер жиҳатларига эга. Аёллар энергия ресурслари етишмаслигидан бошқаларга қараганда кўпроқ жабр кўради. Бу муаммо, айниқса, қишлоқ аёллари учун долзарбдир. Электр таъминотидаги узилишлар туфайли қишлоқ аёллари кўп соатларини уй юмушларига сарфлашлари керак бўлади. Уйларни ёритиш даражасининг ёмонлиги, хона ичидаги ҳавонинг ифлосланиши, оғир ўтин ёки бошқа ёқилғиларни ташиш аёллар саломатлиги ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади.

¹ Ҳар бир аёлнинг сув, санитария ва гигиена билан таъминланиш ҳуқуқи. <https://www.ohchr.org/ru/stories/2014/03/every-womans-right-water-sanitation-and-hygiene>

² Норасмий иқтисодиётда аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш. ХМТнинг таҳлилий материали. Келгуси меҳнат соҳалари масалалари бўйича Глобал комиссиянинг иккинчи йиғилишига тайёрланган материалдан, 2018 йил 15-17 февраль. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---cabinet/documents/publication/wcms_618381.pdf

³ FAO. 2017. The future of food and agriculture – Trends and challenges. Rome. Қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://www.fao.org/3/i6583e/i6583e.pdf>

Яхши ёритилмайдиган кўчалар аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини кўпайтирмоқда. Қизлар ишончли ёруғлик манбаи йўқлиги оқибатида таълим олиш имкониятисиз катта бўладилар.

Барқарор ривожланишнинг 8-мақсади – **Муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсиш** ҳам бешинчи мақсад билан чамбарчас боғлиқ, зеро, муносиб иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик, ижодкорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун қулай муҳит ҳосил қилиш, шунингдек, майда, кичик ва ўрта корхонларга молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш каби воситалар орқали уларнинг расман эътироф этилиши ва ривожланишини рағбатлантириш (8.3) хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, аёлларни меҳнат бозоридаги стереотиплардан, горизонтал ва вертикал тарздаги сегрегациядан халос қилиш учун жуда катта ёрдам беради. Иш ҳақидаги фарқларни камайтириш ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, шу билан бирга, гендер тенгликни таъминлаш иш/турмуш мувозанатини яхшилаш, эркакларни оиласини қўллаб-қувватлаш юкини енгиллаштириш ва эркакларнинг ҳақ тўланмайдиган уй ишларига кўпроқ жалб қилиш учун вақт ажратиш имконини беради. Бироқ, бу соҳада гендер йўналтирилган сиёсатнинг йўқлиги, аксинча, меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасидаги гендер тенгсизлик муаммосини янада кучайтириши ҳам мумкин. Замонавий қуллик ва одам савдосига қарши кураш гендер тенгсизликка қарши кураш контекстида жуда долзарбдир, чунки айнан аёллар кўпинча қулликдан, шу жумладан, жинсий қулликдан жабр кўришади.

Барқарор ривожланишнинг 9-мақсади – **Индустриализация, инновациялар ва инфратузилма** ҳам гендер тенгсизлиги билан боғлиқ. Гендер тенгликни ошириш мақсадида саноат-инновацион сиёсатни амалга ошириш ва инфратузилмани қуришда аёлларни ишлаб чиқариш соҳасига жалб қилиш, стереотиплардан халос бўлиш, илм-фан ва инновацияларда, технологияларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш имконияти, Интернет ва бошқа соҳалардаги хотин-қизлар улушини оширишда гендер омилини ҳисобга олиш зарур.

Барқарор ривожланишнинг 10-мақсади – **Тенгсизликни қисқартириш** ва ўн олтинчи мақсад – **Тинчлик, адолат ва самарадор институтлар** гендер тенгсизлиги масалалари билан бевосита боғлиқ.

Ҳар хил турдаги камситишларнинг (масалан, гендер ва ирқ асосидаги камситиш) кесишмаси интерсекционаллик дейилади. Интерсекционаллик, яъни тазйиқ, зулм ўтказиш ёки камситишнинг турли шакллари ёки тизимлари мажмуи тенгсизлик оқибатларини кучайтиради. Масалан, дунёнинг барча мамлакатларида аҳолининг ҳимояга энг муҳтож гуруҳлари мигрант аёллар, миллий озчилик гуруҳларига мансуб аёллар ва кекса аёллардир. Институтларнинг инклюзивлигини ошириш ва қонун устуворлигини ошириш гендер тенгликни оширишга ёрдам бериши зарур.

Барқарор ривожланишнинг 11-мақсади – **Барқарор шаҳарлар ва аҳоли пунктлари** ҳам гендер тенглик мақсадлари билан бевосита боғлиқ, чунки аёлларнинг хавфсиз уй-жойдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш,

хавфсиз транспорт инфратузилмасини қуриш, шаҳар инфратузилмасини режалаштиришда хотин-қизларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш аёлларга зўравонлик қилиш ва уларни ўлдириш даражасини пасайтириши, ёш болали оналарнинг ҳаракатчанлигини ҳамда уларнинг шаҳар инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятини ошириши мумкин. Бу омиллар эса, хотин-қизлар ижтимоий капиталининг ўсишига ёрдам беради.

Барқарор ривожланишнинг 13-мақсади – **Иқлим ўзгаришига қарши кураш** юқорида айтиб ўтганимиздек, гендер тенгликни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Иқлим ўзгариши умуман инсон ҳуқуқларига (эркаклар ва аёллар ҳуқуқлари) қандай таъсир қилишига мисоллар келтирамиз:

- **иқлим ўзгаришлари яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилишга бевосита таҳдид солади.** Масалан, 2003 йилнинг ёзида содир бўлган аномал иссиқлик пайтида Европада қайд этилган ўлимлар сони одатдагидан 70 000 дан кўпни ташкил қилган¹. Табиий офатлар ҳар йили, асосан, ривожланаётган мамлакатларда 60 000 дан ортиқ ўлим ҳолатларига олиб келади².
- **иқлим ўзгаришлари соғлиққа салбий таъсир кўрсатади, жумладан,** табиий офатлар натижасида шикастланиш, озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг камайиши туфайли тўйиб овқатланмаслик, антисанитария шароитлари туфайли юқумли касалликларга дучор бўлиш, шикастланишдан кейинги сиқилиш ҳолатлари кескин ортади³.
- **иқлим ўзгаришлари одамларни уйларидан маҳрум қилади, чунки кўпинча** экстремал об-ҳаво ҳодисалари, сув тошқини ва ўрмон ёнғинлари аллақачон одамларнинг уйларини вайрон қилиб, уларни уйларини тарк этишга мажбур қилмоқда.
- **иқлим ўзгаришлари одамларни тоза сувдан маҳрум қилади,** сув сифати ва санитария инфратузилмасига таъсир қилиб, сувни ифлослайди.
- **иқлим ўзгаришлари мажбурий кўчириш ва миграцияга сабаб бўлади.** 2020 йилнинг ўзида об-ҳаво билан боғлиқ табиий офатлар туфайли 30 миллион киши ўз уйини ташлаб кетган бўлса, 9,8 миллион киши можаро ва зўравонликдан жабр кўрган. Жаҳон банки хулосаларига кўра, иқлим ўзгаришининг секин таъсири туфайли 2050 йилга бориб 216 миллион киши бошқа мамлакатларга кўчиб ўтишлари мумкин⁴. **Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг янги тоифаси – иқлим қочқинлари** пайдо бўлди ва уларнинг аксарият қисми хотин-қизлардир. Шу билан бирга, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси ўз ватанларида ҳаётига

¹ Иқлим ўзгариши ва саломатлик. 2021 йил 30 октябрь/ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/climate-change-and-health>

² Ўша ерда

³ Ўша ерда

⁴ Иқлим ўзгаришига қарши кураш жаҳондаги можароларни ҳал қилишнинг калитидир. <https://www.unep.org/ru/novosti-i-istorii/istoriya/borba-s-izmeneniem-klimata-klyuch-k-razresheniyu-mirovogo-konflikta>

иқлим ўзгариши билан боғлиқ ҳолатлар таҳдид солган одамларни давлатлар депортация қила олмаслигини айтди¹. Яъни, иқлим ўзгаришлари оқибатида давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги янги мажбуриятлари юзага келмоқда.

Барқарор ривожланишнинг 17-мақсади – **Барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик** гендер тенгликка эришишга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳарбий бюджетдан тинчлик бюджетини шакллантиришга йўналтириш, таълимга сармоя киритиш, қашшоқликка барҳам бериш ва гендер тенгсизликка қарши кураш БМТ шафелигидаги халқаро тинчликпарварлик жараёнларининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини амалга оширишни назорат қилиб бориш қилинаётган ишларни кузатиб бориш, сиёсат ҳақида хабардор қилиш ва барча манфаатдор томонларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш учун кўрсаткичлар ва статистик маълумотларнинг ишончли тизимини талаб қилади.

Демак, юқорида айтиб ўтилганидек, БРМ кўрсаткичлари, зарур ҳолларда, даромад даражаси, жинси, ёши, ирқий, этник келиб чиқиши, миграция ҳолати, ногиронлиги, яшаш жойи ва бошқа мезонлар бўйича расмий статистиканинг асосий тамойилларига мувофиқ ҳолда ажратилиши керак.

2.3. ГЕНДЕР ИНДИКАТОРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШДА УЙҒУНЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВ

Юқорида биз CEDAW ҳамда Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси доирасидаги иккита кўрсаткич гуруҳини қандай бирлаштириш мумкинлигини мисол орқали кўрсатдик. Ушбу икки гуруҳ кўрсаткичлари Барқарор ривожланиш мақсадларини мониторинг қилиш учун гендер кўрсаткичларини ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бу, ўз навбатида, нафақат CEDAW ҳамда Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси доирасида, балки Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида ҳам ҳисобот бериш жараёнини соддалаштиради ва ҳисобот бериш учун бўлимлар ўртасида ахборот алмашинуви жараёнини тезлаштиради.

CEDAW конвенцияси қоидалари ва БРМ ўртасида муайян боғлиқлик мавжуд. Бу ўзаро боғлиқлик қуйидаги веб-сайтда батафсил кўрсатилган: <https://sdg.humanrights.dk/>.

Ушбу ресурс статистик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланувчи мутахассислар учун яхши ёрдамчи ва қулай восита бўлиб хизмат қилади. Ушбу сайтда ҳар бир Барқарор ривожланиш мақсади ва вазифаси, уларнинг кўрсаткичлари тегишли халқаро инсон ҳуқуқлари шартномалари, шу жумладан, CEDAW конвенцияси қоидалари билан боғлиқлигини кўрсатади.

¹ БМТ экспертлари “иқлим қочқинлари”нинг бошпана сўраш ҳуқуқини тан олдилар. <https://news.un.org/ru/story/2020/01/1370971>

Энди эса, ушбу <https://sdg.humanrights.dk/> веб сайтга ўтиб, 5-БPM ва 5.3-вазифа мисолида буни кўриб чиқамиз.

5-БPM	Кўрсаткичлар	CEDAW Конвенцияси
5.3-вазифа. Болалар никоҳлари, эрта никоҳлар ва зўрлаб никоҳлаш, шунингдек, аёллар жинсий органларини майиб қилувчи тиббий амалиётлар каби барча зарарли анъанавий амалиётларга барҳам бериш.	5.3.1 15 ёшгача ва 18 ёшгача турмуш қурган ёки эркак билан яшаб юрган 20 ёшдан 24 ёшгача бўлган аёлларнинг фоиздаги улуши. 5.3.2 Аёллар жинсий органларини майиб қилувчи тиббий амалиёт/хатнани бошдан кечирган 15-49 ёшдаги хотин-қизларнинг фоиздаги улуши, ёш гуруҳлари бўйича.	16.2 Болани унаштириш ва никоҳдан ўтказиш қонуний кучга эга эмас, никоҳнинг минимал ёшини белгилаш ва никоҳни фуқаролик ҳолати далолатномаларида мажбурий қайд этиш бўйича барча зарур чоралар, жумладан, қонунчилик чоралари кўрилмоқда.

Худди шундай ўзаро боғлиқлик Пекин Ҳаракатлар платформасида (ПХП) белгиланган 12 та муҳим муаммоли соҳа ва 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш бўйича глобал Кун тартиби асосини ташкил этувчи 17 та Барқарор ривожланиш мақсади (БPM) ўртасида ҳам мавжуд. Ушбу кесишиш нуқталари қуйида БPMнинг олтита асосий тематик туркумлари ёрдамида тизимли равишда тақдим этилган.

Барқарор ривожланиш мақсадларининг тематик туркумлари	Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси
Инклюзив ривожланиш, умумий фаровонлик ва муносиб иш ўрни (1, 2, 5, 8, 9 ва 17-БPM)	A. Хотин-қизлар ва қашшоқлик F. Хотин-қизлар ва иқтисодиёт I. Хотин-қизларнинг инсон сифатидаги ҳуқуқлари L. Қизлар
Қашшоқликка барҳам бериш, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий хизматлар (1,2, 3, 4 ва 5-БPM)	A. Хотин-қизлар ва қашшоқлик B. Хотин-қизлар таълими ва касб-ҳунарга тайёргарлиги C. Хотин-қизлар ва соғлиқни сақлаш I. Хотин-қизларнинг инсон сифатидаги ҳуқуқлари L. Қизлар

Барқарор ривожланиш мақсадларининг тематик туркумлари	Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси
Зўравонлик, стигма ва стереотиплардан холи бўлиш (5-БРМ)	А. Хотин-қизлар ва қашшоқлик В. Хотин-қизлар таълими ва касб-хунарга тайёргарлиги С. Хотин-қизлар ва соғлиқни сақлаш I. Хотин-қизларнинг инсон сифатидаги ҳуқуқлари L. Қизлар
Иштирок этиш, ҳисобдорлик ва гендер масалаларини ҳисобга олувчи институтлар (5, 16 ва 17-БРМ)	G. Хотин-қизларнинг бошқарув органлари фаолияти ва қарорлар қабул қилишдаги иштироки H. Хотин-қизлар ҳолатини яхшилаш учун институционал механизмлар I. Хотин-қизларнинг инсон сифатидаги ҳуқуқлари J. Хотин-қизлар ва оммавий ахборот воситалари L. Қизлар
Тинчликпарвар ва инклюзив жамиятлар (5, 10, 16 ва 17-БРМ)	E. Хотин-қизлар ва қуролли можаролар I. Хотин-қизларнинг инсон сифатидаги ҳуқуқлари L. Қизлар
Атроф-муҳитни сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш ва тиклаш (5, 6, 7, 11, 12, 14, 15 ва 17-БРМ)	K. Хотин-қизлар ва атроф-муҳит I. Хотин-қизларнинг инсон сифатидаги ҳуқуқлари L. Қизлар



ИСТИҚБОЛ

CEDAW конвенцияси, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш бўйича глобал Кун тартибининг 17 та БРМга асосланган учта кўрсаткич гуруҳини бирлаштириб, битта жадвалга **гендер кўрсаткичларига мувофиқлаштирилган ёндашувни** жорий қилиш ва гендер статистикасининг кенг қамровли рақамли тизимини яратиш мумкин. Бу тизим асосида тегишли халқаро органларга тақдим этиш учун хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва гендер тенгликка эришиш чоралари ва ютуқлар тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш мумкин бўлади.

Гендер кўрсаткичлари тўплами уйғунлаштирилган бундай жадвалини очиқ маълумот сифатида жойлаштириш (бундай воситадан фойдаланиш) ва уни мунтазам равишда янгилаб бориш, уни Ўзбекистоннинг CEDAW конвенцияси, Пекин декларацияси ва БРМ бўйича ҳисоботларини тайёрлаш жараёнида иштирок этаётган барча идоралар ва ННТ учун очиқлигини таъминлаш ҳисобот бериш жараёнини сезиларли даражада осонлаштириши ва ҳисобот сифатини ошириши мумкин.



III БОБ.

ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИНИ
ШАКЛАНТИРИШДАГИ ЧЕТ ЭЛ
ТАЖРИБАСИ

3.1. ШВЕЦИЯ МИСОЛИДА ҒАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Гендер статистикасини шакллантиришнинг миллий тизимини такомиллаштиришда халқаро стандартлар билан бир қаторда, хорижий давлатлар тажрибасини ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Мисол тариқасида сўнгги йилларда гендер сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланиб, глобал гендер индекслари ва рейтингларида етакчи ўринларни қайд этаётган мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратамиз. Чунки, гендер тенгликни таъминлашда ушбу мамлакатларда гендер статистикаси тизими муҳим рол ўйнаган.

Дастлаб, глобал гендер индексларида етакчи ўринни эгаллаган давлат сифатида, Швеция тажрибасини кўриб чиқайлик.



МАЪЛУМОТ УЧУН

Швеция гендер сиёсатининг шарҳи

Швецияда эркалар ва аёллар тенглиги тўғрисидаги илк қонун 1980 йили қабул қилинган. Шундан сўнг, гендер тенглик масалалари билан шуғулланувчи давлат органлари ва идораларининг ташкилий тузилмаси ва вазифалари йиллар давомида ўзгариб борди. Ҳозирги вақтда Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар вазирлиги ҳузуридаги Болалар, қариялар ва гендер тенглик бўйича махсус вазир гендер тенглик учун масъул бўлган энг юқори мансабдор шахс ҳисобланади.

Швеция ҳукуматининг 2014 йилги декларациясида гендер тамойилларига эътибор яна бир бор эътироф этилди. Хусусан, унда давлат бюджетини шакллантиришда янги усул сифатида гендер омилини ҳисобга олишга қарор қилинди.

Швециянинг “Гендер тенглик ва камситишга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни асосида жамиятнинг турли соҳаларида камситишнинг олдини олиш бўйича ишлар олиб борилмоқда¹.

Гендер тенглик индексига кўра, 2019 йил Швеция Европа Иттифоқи мамлакатлари ичида гендер тенглик бўйича энг яхши кўрсаткичга эришилган (100 баллдан 83,6 балл олган)². CEOWORLD журналининг 2020 йил учун ҳисоботларида Швеция хотин-қизлар учун энг яхши мамлакат, дея тан олинган³.

¹ Швециянинг “Камситиш тўғрисида”ги қонуни (2008:567). [Электрон ресурc]URL: <https://adsdatabase.ohchr.org/IssueLibrary/Forms/DispForm.aspx?ID=570>

² Гендер тенглик масалалари бўйича Европа институти сайтида келтирилган маълумотлар <https://eige.europa.eu/publications/gender-equality-index-2019-sweden>

³ The World’s Best Countries For Women 2021. Ceoworld. 21 June 2021.

Швецияда гендер статистикаси

Швецияда 1984 йилдан бери гендер тенглик бўйича статистик маълумотлар юритилади. Бунда гендер статистикасидан бемалол фойдаланиш ва унинг очиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат органларида гендер тенгликни таъминлаш бўйича қилинган ишлар ҳар йили **Швеция Статистика бошқармаси** томонидан назорат қилинади. Швеция Статистика бошқармаси веб-сайтида¹ 2012 йилдан бери гендер тенглик ҳақидаги маълумотлар кўрсатиб ўтилган² ва унда алоҳида гуруҳлар кесимида гендер тенглик бўйича статистик маълумотлар тақдим этилади.

1998 йили мамлакатда махсус ҳукумат дастури қабул қилинган бўлиб, унда давлат бошқаруви органларидаги хотин-қизларнинг ҳолати тўғрисида парламентга мунтазам статистик ҳисоботлар тақдим этилиши кўзда тутилган³.

“Аёллар ва эркеклар”, “Швеция – фактлар ва рақамлар” нашрларида турли соҳаларда (аҳоли, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, таълим, вақтдан унумли фойдаланиш, ота-оналик таътили суғуртаси, ҳақ тўланадиган иш, иш ҳақи, даромадлар, жиноят, таъсир ва ҳокимият) фаолият кўрсатувчи аёллар ва эркеклар бўйича статистик маълумотлар ўрин олган. Бу маълумотлар дастлаб 1984 йилда нашр этилган бўлиб, ҳозирда улар ҳар икки йилда бир марта швед ва инглиз тилидаги таржималарда нашр этилади. Унинг сўнгги нашри 2022 йилда эълон қилинган⁴. Ўшандан бери бундай статистик маълумотлар минтақавий ва маҳаллий даражада эълон қилина бошлади. Тематик порталдаги статистик маълумотларнинг аксарияти йилига бир марта янгиланади. Янгиланишлар йилига икки марта амалга оширилади.

1. Статистик маълумотлар аёллар ва эркеклар, қизлар ва ўғил болалар кесимида алоҳида берилиши лозим.
2. Жисмоний шахслар бўйича барча статистик маълумотлар жинс белгилари бўйича тўпланиши, таҳлил қилиниши ва ажратилиши керак.
3. Бундай статистик маълумотларда жинс асосий тасниф бўлиши керак.
4. Жинсларни ажратиб кўрсатиш зарур, аммо бу омилни гендерни таҳлил қилиш учун етарли асос деб ҳисобламаслик керак.

Гендер статистикасида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. **Эркеклар томонидан хотин-қизларга нисбатан зўравонлик статистик маълумотлардаги янги кўрсаткич ва бундай маълумотларнинг янги соҳасидир.** Бироқ бундай статистик маълумотларни йиғиш бошқа идорага юклатилган. 2018 йилда

¹ Швеция Статистика бошқармаси <https://www.scb.se/en/>

² Леф Х. Гендер статистикасини қандай яхшилаш мумкин. Швейцария Статистика бошқармаси. [Электрон ресурс] URL: https://unece.org/fileadmin/DAM/stats/documents/ece/ces/ge.30/2016/wshp/7_Lof_1_dissemination_RUS.pdf

³ Кавеев К.А., Пазинич Н.В. Скандинвия мамлакатларида гендер тенглик сиёсати. // Бошқарув бўйича маслаҳатлар. 2009. № 4. – 213-б.

⁴ Бу нашрни Швеция Статистика бошқармасининг веб-сайтидан олиш мумкин <https://www.scb.se/publication/47359>

мамлакат ҳукумати хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича миллий стратегияни Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот миллий кенгашига 30 дан ортиқ агентлик ва гуруҳлар билан маслаҳатлашган ҳолда таклиф қилишни топширди. Мазкур стратегия 75 та кўрсаткич бўйича мониторинг қилиниши белгиланди.

Бунда, жойларда маълумотларни тўплашга алоҳида эътибор қаратилди. Швеция Статистика бошқармасининг гендер муаммоларини ҳисобга олиш ва очиқ маълумотлар бўйича фаолияти доирасида ҳам **гендер тенглик бўйича минтақавий статистик ҳисоботларни** таҳлил қилиш ва тайёрлаш бўйича ишлар олиб борилади.

2016 йилдан бери Швеция маҳаллий ҳокимият органлари ва минтақалар ассоциацияси сиёсий вакиллик, иш берувчилар ва давлат хизматлари масалаларидаги гендер тафовутларининг кенг қамровли шарҳини ўз ичига олган **“Гендер тенгликни очиқ таққослаш”** ҳисоботини эълон қилиб келмоқда. Бу ҳисобот, асосан, мавжуд “Очиқ таққослаш” ҳисоботларида чоп этилган ёки муниципалитетлар ва маҳаллий кенгашларнинг маълумотлар базаларида очиқ бўлган маълумотларга асосланади.

2018 йилда Швеция Гендер тенглик масалалари бўйича агентлигининг ташкил этилиши Швецияда гендер тенглик статистикаси бўйича ишларни анча жадаллаштирди. Ана шу беш йил ичида гендер масалаларига оид фаолиятга бюджет маблағларини ажратиш миллий даражада кенг тус олди.

Бугунги кунда Швеция Статистика бошқармасининг асосий вазифаси фойдаланувчилар ва мижозларга қарорлар қабул қилиш, муҳокама қилиш ва тадқиқотлар учун статистик маълумотларни тақдим этишдан иборат.

Статистик маълумотлар, асосан, компаниялар, ҳукумат органлари ва жисмоний шахсларнинг турли сўровларда мазкур бошқармага тақдим этадиган маълумотларига асосланади. Бундай маълумотлар бошқарманинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Маълумотларни йиғиш ҳукумат ва турли бошқарув органлар иштирокида амалга оширилади. Статистика бошқармаси мижозлари орасида хусусий сектор вакиллари ҳам, мустақил илмий тадқиқотчилар ҳам бор. Швеция Статистика бошқармаси расмий ва бошқа давлат статистик маълумотлари учун масъулдир.

Статистика бошқармаси халқаро статистика тизимини мустаҳкамлаш ва юқори сифатли, ўзаро қиёсланувчи халқаро статистик маълумотлардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш мақсадида халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилади. Бу халқаро ҳамкорлик Швецияга алоқадор тарзда қабул қилинадиган ва унга таъсир кўрсатувчи қарорларга таъсир қилишга ҳам қаратилган. Бундан ташқари, бундай ҳамкорлик миллий ва халқаро статистика тизимларини мустаҳкамлаш ва тартибга солиш имкониятларини ҳам яратиши зарур.

Бугунги кунда Швеция Статистика бошқармаси Европа Иттифоқи, шунингдек, ИХТТ, БМТ, ХМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки каби бошқа халқаро ташкилотларга ҳам статистик маълумотларни тақдим этади. Швеция Статистика бошқармасининг Европа Иттифоқи масалаларига оид қарорларидаги иштироки, асосан, Европа статистика тизими (ЕСТ) фаолияти доирасида амалга оширилади.

Европа Иттифоқи доирасидаги статистик ҳамкорлик аъзо давлатлар статистикасини ўзаро қиёсланувчи даражага олиб чиқишга қаратилган. Қиёсланувчи статистик маълумотлар Европа Иттифоқи сиёсатини ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолаш учун муҳим восита бўлиб, бу глобаллашув даврида, айниқса аҳамиятли ҳисобланади.

Шу тарзда, Швеция тажрибаси таҳлили асосида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

- *гендер статистикаси тизимини, ҳам ахборот тўплаш кўрсаткичлари, ҳам гендер статистикасини йиғиш механизмларини мунтазам равишда такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.*
- *гендер статистикасининг очиқлиги ва ундан бемалол фойдаланиш имкониятини таъминлаш зарур, бунда парламентга ҳисобот беришнинг мунтазам тартиб-таомиллари, рақамли платформалар, даврий нашрлар ва шу каби воситаларни қўллаш зарур.*
- *гендер асосидаги зўравонлик бўйича маълумотлар тўплашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.*

3.2. МОЛДОВА МИСОЛИДА ШАРҚИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Скандинавия мамлакатлари билан бир қаторда, ривожланиш нуқтаи назаридан мамлакатимизга яқинроқ бўлган, лекин гендер тенгликни таъминлашда анча юқори кўрсаткичларга эга бўлган бошқа мамлакатлар тажрибасини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шу мақсадда, Молдовада гендер статистикасини шакллантириш тажрибасини кўриб чиқамиз. Бугунги кунда собиқ совет иттифоқи ҳудудидаги давлатлар орасида айнан Молдова гендер тенгликни таъминлаш соҳасида юқори натижаларга эришди, шу сабабли унинг тажрибаси ва ютуқларини таҳлил қилиш биз учун фойдадан холи бўлмайди.



МАЪЛУМОТ УЧУН

Молдова гендер сиёсатининг шарҳи

Молдова Республикаси 2020 йилда сўнги 30 йил ичида ўзининг илк аёл президентини сайлагани билан бу давлат гендер тенгликка нисбатан ўзининг очиқлигини намойиш қилди.

Молдова Республикасининг Европа Иттифоқига интеграцияси бу мамлакатнинг ушбу соҳадаги қуйидаги тегишли ҳужжатларга мувофиқлигини белгилайди: Амстердам шартномаси (1999 йил), Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция, Демократиянинг қайта кўриб чиқилган Европа мезонлари (1999 йилда қабул қилинган), Аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги масалалари бўйича Европа вазирларининг IV конференциясидаги декларация ва резолюциялар (Истанбул, 1997 йил 13-14 ноябрь), Европа Кенгаши давлатлари ва ҳукумати раҳбарларининг III саммитида қабул қилинган декларация ва ҳаракатлар режаси (Варшава, 2005 йил 16-17 май), бундан ташқари, Аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги масалалари бўйича Европа вазирларининг VI конференциясида қабул қилинган “Гендер тенгликка эришиш: инсон ҳуқуқларига таҳдид ва иқтисодий ривожланишнинг дастлабки шарт-шароитлари” резолюцияси (Стокгольм, 2006 йил 8 май – 9 июнь), 2001-2005 йилларда аёллар ва эркаклар тенглигини таъминлашнинг асосий стратегияси, Аёллар ва эркаклар тенглигини таъминлаш бўйича йўл харитаси (2006-2010 йиллар) ва бошқалар.

2006 йилнинг февралда Молдова Республикаси Парламенти “Аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Мазкур қонун қабул қилингунга қадар, гендер тенгликнинг ҳуқуқий асоси сифатида Молдова Республикаси Конституциясининг 16-моддаси, 2-банди кўрсатилар эди ва у қуйидагидан иборат эди: “Молдова Республикасининг барча фуқаролари ирқи, миллати, этник келиб чиқиши, тили, дини, жинси, эътиқоди, сиёсий мансублиги, мулкӣ ёки ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун ва давлат ҳукумати органлари олдида тенгдир”.

2006 йилда тасдиқланган “Аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш тўғрисида”ги қонун (22-модда) ва 2012-йилда қабул қилинган “Тенгликни таъминлаш тўғрисида”ги қонунлар гендерга таъсирчан кўрсаткичларни ишлаб чиқиш зарурлигини тартибга солувчи миллий қонунчиликнинг асосий базаси ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳаракатлар режаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида жинс бўйича маълумотларни тўплаш ва ажратиш муҳимлигини таъкидловчи бир қатор стратегияларни ўз ичига олади.

Молдова Республикасининг “Аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, Миллий статистика бюроси жинс бўйича ажратилган статистик маълумотларни йиғади, қайта ишлайди ва умумлаштиради. **Молдова Республикаси Миллий статистика бюроси** расмий статистиканинг (1992 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодий Комиссияси томонидан маъқулланиб, 1994 йилда БМТ Статистика Комиссияси томонидан тасдиқланган) асосий тамойилларга мувофиқлиги ҳамда “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун талабларига мослигини таъминлайди.

Миллий статистика бюросининг маълумотлар базасидаги бир бўлим БМТ Статистика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган гендер кўрсаткичлари минимал тўпламининг бир қисми бўлган гендер

статистикасига бағишланган. Статистик маълумотларнинг асосий қисми давлат харажатларининг ижтимоий ҳаёт, меҳнат бозори ва бандлик, ижтимоий ҳимоя – пенсиялар, соғлиқни сақлаш каби соҳаларнинг кўрсаткичларини акс эттиради.

Жинс бўйича ажратилган маълумотлар билан ишлашни яхшироқ тушунишга ёрдам бериш учун Миллий статистика бошқармаси **гендер статистикаси бўйича фойдаланувчи қўлланмасини**¹ ишлаб чиққан.

Марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, партиялар ва бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар Миллий статистика бюросига зарур маълумотларни жинс бўйича ажратилган ҳолда тақдим этадилар.

Барча маълумотлар Молдова Республикаси Миллий статистика бюросининг веб-сайтида очиқ тақдим этилган².

2017 йили **Gender Pulse**³ онлайн иловаси ишга туширилган. Gender Pulse – гендер статистикасининг график кўринишини тушуниш учун интерактив ва соддалаштирилган воситасидир. Gender Pulse – Миллий статистика бюроси томонидан тақдим этилган маълумотларга асосланган бўлиб, у мунтазам равишда ўзининг расмий веб-сайтида, хусусан, Статистик маълумотлар банкида гендер маълумотларини эълон қилиб боради. Ушбу тажриба алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки гендер сиёсати бўйича маълумотларни, шу жумладан, гендер статистикасидан фойдаланиш орқали аҳоли учун очиқ ва тушунарли шаклда тарқатиш муҳим аҳамиятга эга.

3.3. ҚОЗОҒИСТОН МИСОЛИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Гендер маълумотлар статистикасини ривожлантириш бўйича Марказий Осиё давлатлари тажрибасининг ҳам анча қизиқарли жиҳатлари бор. 146 та давлат ўртасида гендер тенгликни баҳоловчи **Global Gender Gap 2022** рейтингда 15 поғона юқорилаб 65-ўринга кўтарилган Қозоғистон мамлакати тажрибасини кўриб чиқайлик⁴.

Ҳозирги кунда Қозоғистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида гендер тенглик ва ривожланиш соҳасидаги асосий кўрсаткичлар бўйича юқори ўринларни эгаллаб турибди. Мамлакатда амал қилаётган ҳуқуқий ва сиёсий механизмлар хотин-қизларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш ва гендер тенгликни таъминлаш учун қулай муҳит яратмоқда⁵.

¹ Ушбу қўлланма билан мана бу ҳаволада танишиш мумкин https://statistica.gov.md/public/files/publicatii_electronice/Gender/Gen_Guide_2008.pdf

² Молдова Республикаси Миллий статистика бюросининг веб-сайти https://statistica.gov.md/ru/statistic_indicator_details/28

³ Ушбу ташаббус тўғрисида батафсил маълумотни куйидаги ҳаволадан олишингиз мумкин: <https://genderpulse.md/en>

⁴ Global Gender Gap Report 2022. Ҳаволаси: https://www3.weforum.org/docs/wef_gggr_2022.pdf

⁵ Қозоғистон: Мамлакатни гендер бўйича баҳолаш. – ОТБ, 2019.



МАЪЛУМОТ УЧУН

Қозоғистоннинг гендер сиёсати

Қозоғистон Республикаси Конституцияси барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тенглигини кафолатлайди ва жинси бўйича камситишни тақиқлайди.

1998 йилда Қозоғистон БМТнинг “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциясига қўшилди.

Қозоғистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб гендер тенгликни таъминлаш бўйича миллий орган бўлган Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хотин-қизлар ишлари ва ижтимоий-демографик сиёсат бўйича миллий комиссияни тузди.

Шунингдек, у ерда “Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. 1999 йилдаёқ ички ишлар органлари тузилмасида туман даражасигача хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилган эди.

2030-йилгача оила ва гендер сиёсати бўйича янгиланган концепцияда¹ 2030 йилгача ижроия, вакиллик ва суд ҳокимияти органлари, давлат ва корпоратив секторларда қарор қабул қилиш даражасидаги хотин-қизлар улушини 30 фоизгача ошириш режаси кўзда тутилган.

Қозоғистон БМТ Хавфсизлик кенгашининг “Хотин-қизлар, дунё ва хавфсизлик” резолюциясини амалга ошириш бўйича биринчи Миллий ҳаракатлар режасини² қабул қилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг Нью Йоркда бўлиб ўтган 76-сессиясида Қозоғистон 2022-2024 йилларда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг аъзолигига сайланди.

Қозоғистон Республикасида гендер маълумотлари статистикаси халқаро талаблар ва БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичлари асосида такомиллаштирилмоқда. Мамлакатда Миллий статистика бюроси фаолият кўрсатади³.

1999 йилдан бошлаб “Қозоғистонда аёллар ва эркеклар” тўплами⁴, ҳар йили қозоқ, рус ва инглиз тилларида нашр этилади, унда жинс, соҳалар кесимидаги турли маълумотлар, шунингдек, гендер масалалари (Қозоғистон Республикасида гендер тенглик, таълим ва бошқалар) бўйича буклетлар (2008, 2009, 2013 йиллар учун гендер статистикаси), пресс-релизлар мавжуд.

Қозоғистон Республикаси Статистика қўмитасининг 2015 йил 21 декабрдаги 219-сон буйруғи билан “Гендер статистикаси кўрсаткичлари тизимини шакллантириш методологияси”⁵ тасдиқланган. Ушбу

¹ Ҳужжат матни билан ушбу ҳаволада танишиш мумкин: <https://adilet.zan.kz/rus/docs/U1600000384>

² Ҳужжат матни билан ушбу ҳаволада танишиш мумкин: <https://adilet.zan.kz/rus/docs/P2100000935>

³ Миллий статистика бюроси сайти <https://new.stat.gov.kz/ru/about/description/>

⁴ <https://gender.stat.gov.kz/file/WomenAndMan.pdf>

⁵ <https://new.stat.gov.kz/ru/methodology/16/>

методика гендер статистикаси кўрсаткичлари тизимини ташкил этувчи кўрсаткичларни шакллантириш алгоритминини белгилайди.

Статистика агентлиги ва Жаҳон банки 2012-2016 йилларга мўлжалланган Қозоғистон миллий статистика тизимини такомиллаштириш бўйича қўшма лойиҳа доирасида барча халқаро талабларга жавоб берувчи **гендер статистикаси кўрсаткичларининг ягона тизимини** ишлаб чиқишни режалаштирган эди. Ушбу кўрсаткичлар тўплами асос сифатида фойдаланилиши кўзда тутилган. Умуман олганда, кўрсаткичлар таҳлил қилингандан сўнг, Қозоғистонда у тақдим этилган 52 кўрсаткичнинг аксарияти мавжудлиги, етишмаётган кўрсаткичлар бўйича эса, халқаро экспертлар иштирокида услубий масалаларни ишлаб чиқиш зарурлиги аниқланди.

2014 йилда Осиё тараққиёт банки кўмагида гендер статистикаси бўлими сезиларли даражада такомиллаштирилди: унинг график материаллари ва дизайни яхшиланди, материаллар инглиз тилига таржима қилинди, унга асосий кўрсаткичларнинг халқаро қиёсий маълумотлари ва фойдаланувчиларнинг шарҳлари киритилди.

Қозоғистон тажрибаси гендер статистикасини шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш зарурлиги ва гендер статистикасини шакллантириш миллий тизимини такомиллаштириш мақсадида халқаро ҳамкорлар билан биргаликда фаолият кўрсатиш муҳимлигини кўрсатади.



IV БОБ.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ГЕНДЕР
СТАТИСТИКАСИ: ЖОРИЙ
ҲОЛАТ ВА РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

4.1. ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

Ўзбекистонда 1990-йилларнинг охирларидаёқ гендер статистикасини ривожлантириш бўйича дастлабки қадамлар ташланган.

2002 йилда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси томонидан чоп этилган **“Ўзбекистонда аёллар ва эркаклар”** рисоласи (БМТ Тараққиёт дастури ва ОТБ кўмагида) 9 стратегик йўналиш бўйича кўрсаткичлар, шу жумладан, илк марта бошқарув, сиёсий ҳаёт ва тадбиркорлик соҳаларидаги маълумотларни жамлаган биринчи нашр бўлди. Шундан бери ушбу рисола даврий тарзда нашр этилади.

Қолаверса, **gender.stat.uz** веб-сайтнинг яратилиши ҳам бу борадаги муҳим қадам бўлди. Ушбу сайт гендерга оид маълумотларни янада такомиллаштириш, жинс кесимида ажратилган маълумотларни мунтазам ва ўз вақтида эълон қилиш мақсадида гендер статистикасининг электрон маълумотлар базасини яратиш бўйича биринчи уринишдир¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, Давлат статистика қўмитаси ҳамда бошқа қатор вазирлик ва идораларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика комиссияси томонидан тавсия этилган **минимал гендер кўрсаткичлар ва бошқа маълумотларни “Gender.stat.uz” веб-сайтига** жойлаштириш ва уларни мунтазам тарзда янгиланган бориш вазифаси юклатилди².

Айни пайтда ушбу сайтда иккита рукн келтирилган бўлиб, улар “Асосий кўрсаткичлар” ва “Минимал кўрсаткичлар” дир.

“Асосий кўрсаткичлар” рукнида қуйидаги бўлимлар бўйича гуруҳланган маълумотлар келтирилган.

1. *Демография*
2. *Ижтимоий ҳимоя*
3. *Меҳнат*
4. *Таълим*
5. *Соғлиқни сақлаш*
6. *Туризм*
7. *Жинойтчилик*
8. *Спорт*

“Минимал кўрсаткичлар” рукни, юқорида айтиб ўтилганидек, БМТнинг 52 та кўрсаткични ўз ичига олган гендер кўрсаткичларининг минимал

¹ <https://gender.stat.uz/ru/obshchie-svedeniya>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4235-сон қарори Ҳужжат матни билан ушбу ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/docs/4230944>

тўплами асосида ишлаб чиқилган. Мазкур тўплам яна иккита кўрсаткич билан тўлдирилиб, Президент қарори билан **“Gender.stat.uz” веб-сайтига** 54 та гендер кўрсаткичи асосидаги маълумотларни жойлаштириш топширилди. Ундаги маълумотлар қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

1. *Иқтисодий ресурслар*
2. *Таълим*
3. *Соғлиқни сақлаш*
4. *Ижтимоий*
5. *Ҳуқуқ*

“Асосий кўрсаткичлар” ва “Минимал кўрсаткичлар” рукнларидаги кўрсаткичлар солиштирганда, уларда ўзаро бир хил номдаги кўрсаткичлар борлигини кўриш мумкин. Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, **ушбу гуруҳдаги кўрсаткичлар / индикаторлар деярли бир хил**. Бошқа гуруҳларда кўрсаткичлар бир-биридан фарқ қилади. Шундай қилиб, бу рукнлар бир-бирини такрорламайди, балки бир-бирини тўлдиришини кузатишимиз мумкин.

Қонунчиликда гендер статистикасига оид қоидалар гендер сиёсати мониторингининг муҳим элементи сифатида кўзда тутилади. Масалан, **Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунда**¹ гендер статистикасига оид қатор қоидалар ўрин олган. Хусусан, бу қонунда “гендер статистикаси” тушунчасининг таърифи, уни шакллантириш асослари, гендер статистикаси йиғишни давлат органларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш соҳасидаги асосий ваколатларидан бири сифатида белгилаб берилганлигини кўриш мумкин.



3-МОДДА. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР.

Гендер статистикаси – давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми;

8-МОДДА. ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Давлат статистика органлари гендер кўрсаткичлари асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирадиган статистик ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни, уни тўплашни, сақлашни, таҳлил қилишни ва эълон қилишни амалга оширади. Гендер кўрсаткичларини шакллантириш:

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги УРҚ-562-сон қонуни.

- давлат статистика органлари томонидан амалга ошириладиган давлат статистик кузатувларига;
- давлат бошқаруви органларининг маъмуриятга оид маълумотларига;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган статистик кузатувларга асосланади.

Гендер кўрсаткичлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг статистик маълумотлари асосида ҳам шакллантирилиши мумкин.

13-МОДДА. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИАТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ.

“...жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар тўғрисидаги статистик маълумотларни ва ахборотни мунтазам равишда йиғишни ҳамда таҳлил қилишни таъминлайди”.

Қонун ҳужжатларининг бандлари гендер статистикасининг гендер сиёсатини амалга ошириш воситаларидан бири сифатида муҳимлигидан далолат беради, гендер статистикасини шакллантириш эса давлат органларининг энг муҳим функция ва вазифаларидан биридир.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда глобал ўзгаришлар жараёнлари ва миллий миқёсдаги маъмурий ислохотлар шароитида нафақат гендер сиёсати, балки бутун миллий статистика тизими ҳам такомиллаштирилаётганини ҳисобга олиш муҳимдир. Шу тарзда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармонида асосан, 2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигига айлантирилди. Гендер сиёсатидаги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда статистик тузилмаларни ислоҳ қилишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

4.2. ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ЖОРИЙ ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДАГИ ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИНИНГ ШАРҲИ

Ушбу бўлимда жинс кесимида олинган статистик маълумотлардан вазиятни таҳлил қилиш ва гендер фарқларини кузатиш (талқин қилиш) учун қандай фойдаланиш мумкинлигини кўриб чиққан ҳолда, бундай статистик маълумотларни ўқишнинг амалий усули кўрсатилади.

Бунинг учун биз расмий манбалардан олинган жинс кесимида ажратилган статистик маълумотларнинг тўртта асосий тоифасига мурожаат қиламиз:

- ижтимоий ва сиёсий ҳаёт,
- меҳнат бозори ва бандлик,
- таълим,
- хотин-қизларга нисбатан зўравонлик.

Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва қарорлар қабул қилишдаги иштироки

Инсон ҳуқуқларини таъминлашда эришилган ютуқларга ва кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари томонидан гендер тенгликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига қарамай, бу ҳуқуқлар ҳали тўлиқ таъминланмаган. Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини амалга ошириш давлатнинг муайян аралашувини талаб қилувчи шундай соҳалардан бири бу аёллар ва эркакларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қарорлар қабул қилиш даражасида тенг иштирок этишидир.

1995 йилги Пекин ҳаракатлар платформасида “Қарорлар қабул қилишдаги тенглик омили аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва қарорлар қабул қилишда аёлларнинг тенг иштироки нафақат оддий адолат ва демократия талаби, балки аёллар манфаатларини ҳисобга олишдаги зарур шарт сифатида кўриш” мумкинлиги таъкидланади¹. 2019 йилда жаҳон миқёсида аёллар ишчи кучининг 39 фоизини ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг ярмини ташкил этган бўлса-да, улар раҳбарлик лавозимларининг атиги 28 фоизини эгаллаган холос (2000 йилдаги 25 фоизга нисбатан)².

Расмий веб-сайтларда аёллар ва эркакларнинг мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини ҳисобга оладиган кўрсаткичлар йўқлиги сабабли, ҳуқуқ ва сиёсий ҳокимият соҳасидаги Пекин ҳаракатлар платформаси асосида ишлаб чиқилган гендерга таъсирчан кўрсаткичларни кўриб чиқайлик:

- миллий парламент ва маҳаллий ҳокимият/бошқарув органлардаги аёллар ва мос равишда, эркаклар ўринлари фоизи;
- ҳукуматдаги раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётган аёллар ва эркаклар фоизи;
- сиёсий партияларнинг сайловчилар рўйхатидаги аёллар ва эркаклар фоизи;
- давлат бошқаруви органларида, юқори даражадаги бўлимларда ишлайдиган аёлларнинг фоизи;

¹ Пекин Декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси, 181-банд.

² БПМ (stat.uz) - <https://nsdg.stat.uz/uz/goal/8>

- давлат секторида, маъмурий ва бошқарув даражасида банд бўлган аёлларнинг фоизи;
- сайловчилар сифатида рўйхатга олинган аёллар ва шунга мос равишда эркаклар фоизи / овоз берувчи аёллар/эркаклар фоизи;
- касаба уюшмаларида ўрта ва юқори бўғиндаги масъул лавозимдаги аёлларнинг фоизи;
- жами судьялар, прокурорлар ва адвокатлар ичида аёлларнинг фоизи;
- полиция (ички ишлар органлари) ва армияда унвонга эга аёлларнинг фоизи.

Гендер тенглик, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва имкониятларининг алоҳида кўрсаткичларидан бири сиёсатдаги юқори лавозимларда ишловчи хотин-қизларнинг улушидир. Хотин-қизлар нафақат мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида, балки иқтисодий ҳаётда иштирок этиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. “Иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун масъул шахслар – бошқарув органларида институционал лавозимларни эгаллаган, иқтисодий сиёсатни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқишда фаол иштирок этувчи ҳамда бундай сиёсатни амалга оширишда давлат ёки муассасалар номидан иштирок этувчи жавобгар шахслардир”¹.

Ўзбекистонда эса, ҳозирда қарор қабул қилинадиган сиёсатда, партия ва маъмурий тузилмаларда хотин-қизлар етарли даражада фаолият кўрсатмаётганлигини кузатиш мумкин. Хотин-қизлар, асосан, ўрта звено раҳбарлари даражасида фаолият кўрсатадилар ва бу лавозимларда сиёсий майдонда кўтарилиш учун реал имкониятларга эга бўлмаган ҳолда, улар кўпинча ижрочи вазифасини бажарадилар. Масалан, 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, миллий парламентларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар салмоғи 24,9% га етди (2015 йилда 22,3%).



Ушбу маълумотларнинг тасдиғини кўриш мумкин бўлган расмий маълумот манбаларига мурожаат қилиб кўрамиз.

Бу, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг “gender.stat.uz” сайти бўлиб, унда қуйидаги йўналишлар бўйича гендер статистикаси маълумотлари тўпланган: демография, соғлиқни сақлаш, таълим, жиноятчилик, ижтимоий ҳимоя, меҳнат, туризм ва спорт. Таъкидлаш жоизки, ўтган йили бу сайтга қўйилган маълумотлар сезиларли даражада ошди.

¹ Гендер статистикасини ишлаб чиқиш. Амалий қўлланма. – БМТ: Женева, 2010. – 85-б.

Бундан ташқари, сўнгги бир неча йил ичида Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш доирасидаги тегишли кўрсаткичларга мувофиқ статистик маълумотлар ҳам тўпланиб, бу сайтнинг “nsdg.stat.uz” саҳифасига жойлаштирилди. “nsdg.stat.uz” саҳифасидаги маълумотларга кўра, раҳбарлик лавозимларида ишловчи хотин-қизлар улуши ортган (2008 йилдан бери тўпланган маълумотлар). Бу борадаги энг паст кўрсаткич (26,5%) 2020 йилда, энг юқориси эса (28,8%), 2021 йилда кузатилган. 2022 йил учун маълумотлар келтирилмаган.

Аёлларнинг сиёсатдаги фаолияти ва қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирокини баҳолаш учун бир нечта кўрсаткичлардан фойдаланилади ва улар қуйидагилардир:

- парламентдаги аёллар ва эркаклар ўринлари сони;
- сайловларда иштирок этаётган номзодлар сони;
- юқори давлат лавозимларида фаолият кўрсатаётган аёллар ва эркакларнинг салмоғи;
- бошқа сиёсий органларда фаолият кўрсатаётган аёллар ва эркакларнинг салмоғи.

Сайлов жараёнида ва сайлов органларида фаолият юритувчи хотин-қизларнинг салмоғи

Аёллар ва эркакларнинг сиёсий ҳаётдаги иштирокининг белгиларидан бири уларнинг сайловлардаги иштироки даражасидир. Бошқарувнинг парламент шаклига эга бўлган барча мамлакатларда аёлларнинг сайлов ҳуқуқига нисбатан илгари амалда бўлган расмий чекловлар бекор қилинган.

Ўзбекистонда ҳам кейинги 15 йилда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштироки даражаси анча ошди. Давлат бошқаруви соҳасида белгиланган 30% махсус чора сифатидаги квоталар туфайли 2006-2020-йилларда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар салмоғи 18% дан 32% га, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг халқ депутатлари Кенгашларидаги салмоғи эса 14% дан 25% га ортди.

Аёл депутатлар сони бўйича мамлакатимиз парламенти дунёнинг 190 та миллий парламенти орасида 37-ўринга кўтарилган бўлса, бундан 5 йил аввал Ўзбекистон ушбу рейтингда 128-ўринни эгаллаган эди¹.

Маълумки, сайловчилар иштироки даражасининг намунавий кўрсаткичлари уларнинг рўйхатга олиниши ва сайловда қатнашиш даражаси ҳисобланади. Овоз беришда иштирок этган аёллар ва эркаклар нисбати тўғрисидаги маълумотлар, одатда, сайлов комиссиялари томонидан тўпланади, бироқ бу маълумот манбаси аёллар ва эркакларнинг овоз бериш хулқ-атворидаги фарқлар ҳақида маълумот бермайди.

¹ Қуйидаги ҳаволада келтирилган маълумотлар <https://saylov.uz/ru/news/2021/05/27/kolichestvo-zhenschin-v-natsionalnom-parlamente-dostiglo-urovnya-usta5novlennogo-v-rekomendatsiyakh-oon>

Энди 2019 йилда мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловлар ҳақидаги маълумотларга тўхталсак. Марказий сайлов комиссияси (МСК) расмий сайти хабарига кўра, “2019 йил 22 декабрь куни Мамлакатимизда катта сиёсий жараён - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг сайлови бўлиб ўтди¹.

2019 йил 25 декабрь куни Марказий сайлов комиссияси томонидан 125 та сайлов округларидан номзодлар Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган деб топилиб, рўйхатга олинган. Булар:

- Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 42 нафар;
- Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан 34 нафар;
- Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан 20 нафар;
- Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 18 нафар;
- Ўзбекистон Экологик партиясидан 11 нафар депутатга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати мақоми берилган эди.

2020 йил 5 январь куни бўлиб ўтган такрорий овоз бериш натижалари бўйича 25 та округ сайлов комиссияларининг такрорий овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомалари ва қарорларига асосан:

- Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 15 нафардан 11 нафари;
- Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 11 нафардан 2 нафари;
- Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 9 нафардан 4 нафари;
- Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг 10 нафардан 4 нафари;
- Ўзбекистон Экологик партиясининг 5 нафардан 4 нафари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайландилар.

№ т/р	Партия номи	Рўйхатга олинган номзодлар, киши	Сайловларнинг биринчи босқичи якунларига кўра сайланганлар, киши	Қайта овоз беришга қолганлар сони, киши	биринчи босқичи якунларига кўра сайланганлар, киши.	Ҳар бир партиядан парламентга сайланганлар, жами	Барча депутатлар сонидagi ҳиссаси, %
1	ЎзЛиДеп	150	42	15	11	53	35,3
2	“Миллий тикланиш” ДП	150	34	11	2	36	24,0
3	“Адолат” СДП	150	20	9	4	24	16,0
4	ХДП	150	18	10	4	22	14,7
5	Эколог.партия	150	11	5	4	15	10,0
	ЖАМИ		125	50	25	150	100


Депутатларнинг 9 нафари ёки 6 фоизи 30 ёшгача, 97 нафари ёки 65 фоизи 30 ёшдан 50 ёшгача бўлганлар ҳамда 44 нафари ёки 29 фоизи 50

¹ Куйидаги ҳаволада келтирилган маълумотлар <https://saylov.uz/ru/docs/2019-jil-22-dekabr-ozbekiston-respublikasi-olij-mazhlisi-qonunchilik-palatasi-deputatligiga-sajlov>

ПАРТИЯЛАР БЎЙИЧА ЖОЙЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ



ЁШ ТОИФАСИ




ёшдан катта ёшдагилар. Энг ёш депутат 26 ёшда. Энг ёши улуғ депутат 71 ёшда.


Ўзбек миллатига мансуб депутатлар 130 нафар ёки 87,0%ни, бошқа миллат вакиллари – 20 нафар ёки 13%ни ташкил қилади. Улардан қорақалпоқ ва рус миллатига мансублар 5 нафардан, қозоқ ва тожик миллатига мансублар 3 нафардан, корейс миллатига мансублар 2 нафарни ҳамда 1 нафардан туркман ва қирғиз миллатига мансуб депутатлар ташкил қилади.

Мутахассислиги ва ихтисослиги бўйича депутатларнинг 32 нафари ёки 21,3 фоизи фан-таълим соҳаси вакиллари, 23 нафари ёки 15,3 фоизи банк, молия ва иқтисод соҳаси вакиллари, 21 нафари ёки 14 фоизи ҳуқуқшунослар, 21 нафари ёки 14 фоизи жамоатчилик ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакиллари, 12 нафари ёки 8 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари, 9 нафари ёки 6 фоизи тиббиёт соҳаси вакиллари, 9 нафари ёки 6 фоизи қурилиш, коммуникация, транспорт ва алоқа соҳаси вакиллари, 6 нафари ёки 4 фоизи ОАВ вакиллари, 7 нафари ёки 5 фоизи тадбиркорлар ҳамда 10 нафари ёки 6,7 фоизи бошқа соҳа вакиллари саналади¹.

МИЛЛАТИ



¹ Қуйидаги ҳаволада келтирилган маълумотлар <https://saylov.uz/uz/docs/2019-jil-22-dekabr-ozbekiston-respublikasi-olij-mazhlisi-qonunchilik-palatasi-deputatligiga-sajlov>



Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, МСК ёши, касби ва миллати бўйича маълумотларни тақдим этган, бироқ унда жинс бўйича маълумотлар кўрсатилмаган.

Афсуски, парламентда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар салмоғи ҳақидаги тўлиқ ва батафсил статистик маълумотлар Статистика агентлиги ва МСК сайтларида келтирилмаган. Бироқ Қонунчилик палатаси, Сенат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларини таҳлил қилган ҳолда, қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотларни тўплаш ва умумлаштиришга муваффақ бўлдик.

Бундай жадваллардан фойдаланиш ва уларни тузиш бу соҳадаги ҳолатни тасаввур қилиш имконини беради, бундан ташқари, улар вазиятни таҳлил қилиш ва диаграммалар яратиш учун қулайдир.

Худудлар	Қонунчилик палатаси		Сенат		Маҳаллий Кенгашлар	
	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар
Қорақалпоғистон Республикаси	3	5	2	4	2	13
Андижон вилояти	5	8	1	5	1	3
Бухоро вилояти	3	6	1	5	Маълумотлар йўқ	Маълумотлар йўқ
Жиззах вилояти	4	3	3	3	20	37
Қашқадарё вилояти	4	10	0	5	18	34
Навоий вилояти	2	2	2	4	19	26
Наманган вилояти	2	9	1	5	10	49

Самарқанд вилояти	2	11	1	3	20	40
Сурхондарё вилояти	2	7	1	4	18	41
Сирдарё вилояти	1	2	2	4	9	39
Фарғона вилояти	4	10	1	2	16	44
Хоразм вилояти	1	6	2	3	18	42
Тошкент шаҳри	6	6	2	3	69	261
Тошкент вилояти	6	6	1	4	Маълумотлар йўқ	Маълумотлар йўқ
Президент томонидан тайинланадиган			4	12		
ЖАМИ	45	91	24	66		
% ҳиссаси	33,1%	66,9%	26,7%	73,3%		

Бугунга келиб **Қонунчилик палатаси** депутатларининг умумий сони 136 нафарни (14 та депутатлик ўрни бўш) ташкил этади, шундан: **аёллар – 45 нафар (33,1 фоиз), эркеклар – 91 нафар (66,9 фоиз)**.

Сенатда жами 90 нафар ходим фаолият кўрсатади, шундан **аёллар – 24 (26,7%), эркеклар – 66 тани (73,3%)** ташкил қилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида (афсуски, Бухоро ва Тошкент вилоятлари бўйича маълумотлар топилмади) депутатларнинг умумий сони 849 нафарни ташкил этади, шундан: **аёллар – 220 нафар (25,9 фоиз), эркеклар – 629 нафар (74,1 фоиз)**.

Шундан хулоса қилиш мумкинки, хотин-қизларнинг давлат ҳокимиятининг айрим органларида нафақат фаолият кўрсатиши, балки қарорлар қабул қилишда шахсан иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун гендер статистикаси асосидаги ривожланишни мунтазам кузатиб бориш муҳимдир. Бундай кенг қамровли маълумотлар ёрдамида хотин-қизларнинг давлат, сиёсий ва иқтисодий қарорлар қабул қилиш жараёнларидаги иштироки даражаси ва барқарорлиги ҳақидаги саволларга жавоб топиш мумкин. Бундан ташқари, фойдаланишдаги қулайлик, ўсиш (ёки камайиш) даражаси ва маълумотлардан фойдаланишнинг бемалоллиги учун иш фаолиятлари бўйича хотин-қизлар салмоғи бўйича статистик маълумотлар ягона жадвалда тақдим этилишини таъминлаш муҳимдир.

Барча даражадаги ҳокимият ва бошқарувнинг тайинланган лавозимларида ва ижро этувчи органларида фаолият юритувчи аёллар салмоғи

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, давлат қарорларини қабул қилиш жараёнида хотин-қизларнинг роли паст эканлигича қолмоқда. **Хотин-қизлар ҳокимиятнинг қуйи бўғинларида, яъни қарор қабул қилиш билан боғлиқ бўлмаган лавозимларда кўпроқ фаолият юритадилар.**

“Юқорига” чиққан сари, у ердаги хотин-қизлар иштироки камайиб бораверади.

Шу тарзда, Ўзбекистонда вазирлик ва давлат қўмиталаридаги вазирликка тенглаштирилган лавозимларда ишлаётган хотин-қизлар улуши **2020 йил якунига кўра атиги 3,03 фоизни ташкил этди холос.**

Энди эса, марказий ҳукумат органларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар салмоғини таҳлил қилиб кўрайлик. Қуйидаги жадвалда марказий давлат ҳокимиятидаги асосий лавозимлар, уларнинг сони, шунингдек, тегишли лавозимларни эгаллаган аёллар ва эркаклар фоизи кўрсатиб ўтилган. Рўйхатдаги лавозимлар мамлакат президенти бошчилигидаги президентликдан бошлаб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тартибида келтирилган.

	Кишилар сони		Умумий сонидagi фоизи	
	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар
Президент	-	1	0,0%	100%
Президент маслаҳатчилари		10	0,0%	100%
Президент администрацияси ижроия аппарати	-	6	0,0%	100%
Сенат раҳбарияти	1	2	33,3%	66,7%
Қонунчилик палатаси раҳбарияти	1	7	12,5%	87,5%
Сенат аппарати	1	16	5,8%	94,2%
Қонунчилик палатаси аппарати	1	11	8,3%	91,7%
Депутатлар	48	102	32%	68%
Бош вазир	-	1	0,0%	100%
Бош вазир ўринбосарлари	1	4	20%	80%
Вазирлар	1	20	4,7%	95,3%
Олий суд	166	1085	13,3%	86,7%
Конституциявий суд	2	6	25%	75%

Жадвалда кўрсатилганидек, марказий ҳукумат органларида фаолият юритувчи эркаклар сони ва уларнинг салмоғи аёллар сонидан сезиларли даражада ортиқ. Бироқ бу фарқларни яхшироқ тушуниш ва тасаввур қилиш учун юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотларни бироз ўзгартириш ва кенгайтириш зарур. Бир қарашда, жуда оддий тартиблар вазиятни бизга чуқурроқ тушуниш ва эътиборсиз қолиши мумкин бўлган баъзи нарсаларни кўрсатишга имкон беради.

Биз юқорида келтирилган жадвални кенгайтиришга ҳаракат қиламиз ва марказий ҳукуматдаги лавозимлар даражасига, шунингдек, қарорлар қабул қилишдаги аҳамиятига қараб у маълумотларни гуруҳлашга ҳаракат қиламиз. Шундай қилиб, биз қарорлар қабул қилишда биринчи ва энг

муҳим даражани энг юқори лавозимлар ҳисобланган Президент, Бош вазир, Қонунчилик палатаси Спикери, Сенат раиси, Конституциявий ва Олий судлар раисларига белгилаймиз. Иккинчи даража эса, биринчи даражага киритилган лавозимлардан кейинги ўринларда фаолият кўрсатувчи давлат хизматчиларига тегишли бўлади. Учинчи гуруҳга эса дастлабки икки гуруҳга бўйсунувчи давлат хизматчилари киритилган.

Кейинги босқичда биз марказий ҳукуматнинг ҳар бир иерархик даражасида фаолият олиб бораётган аёллар ва эркаклар салмоғини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Сўнгра, эркаклар ва аёлларнинг умумий сонига асосланган ҳолда, биз бир ёки бошқа даражадаги аёлларнинг умумий улушини ҳисоблаймиз. Одатда, бундай ҳаракатлар натижасида, ҳар бир иерархик даражада фаолият кўрсатаётган аёллар салмоғи иерархик даражага тескари пропорционал эканлигини аниқлаш имконини беради, **яъни биз бошқарув тизимининг иерархиясига қанчалик юқори кўтарилсак, уларда фаолият кўрсатаётган аёллар сони тобора камайиб боради.** Бизнинг ҳолатда, биринчи иерархик даражада олти лавозимдан бирини аёл киши эгаллаб турибди (Сенат раиси), бу 16,6 фоизни ташкил этади, одатда, аёллар улуши кўпроқ бўладиган учинчи иерархик даражада, уларнинг улуши 12,2 фоизни ташкил қилади (қуйидаги жадвалга қаранг).

Лавозими	Кишилар сони		Аёллар сонинг умумий ходимлар сонига нисбати, %	
	Аёллар	Эркаклар	Даражаси бўйича %	Ҳар бир лавозим бўйича %
Иерархиянинг биринчи даражаси				
Президент	-	1	16,6%	0,0%
Сенат Раиси	1	-		100%
Қонунчилик палатаси спикери	-	1		0,0%
Бош вазир	-	1		0,0%
Конституциявий суд раиси	-	1		0,0%
Олий суд раиси	-	1		0,0%
Иерархиянинг иккинчи даражаси				
Сенат раисининг ўринбосарлари	1	2	9,6%	33,3%
Қонунчилик палатаси спикерининг ўринбосарлари	1	7		12,5%
Конституциявий суд раиси ўринбосари	-	1		0,0%
Олий суд раиси ўринбосари	1	3		25%
Бош вазир ўринбосарлари	1	4		20%
Вазирлар	1	20		4,7%
Президент маслаҳатчилари	-	10		0,0%

Лавозими	Кишилар сони		Аёллар сонинг умумий ходимлар сонига нисбати, %	
	Аёллар	Эркаклар	Даражаси бўйича %	Ҳар бир лавозим бўйича %
Иерархиянинг учинчи даражаси				
Сенат аппарати	1	16	12,2%	6%
Қонунчилик палатаси аппарати	1	11		8%
Конституциявий суд аппарати	9	12		42,8%
Олий суд аппарати	14	90		15,6%
Вазирларнинг ўринбосарлари	5	73		6,4%
Марказий ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари (агентликлар, қўмиталар, марказлар)	-	8		0,0%
Президент администрацияси ижроия аппарати	-	6	0,0%	

Энди, 2023 йил февраль ҳолатига кўра вазирликлар ва марказий ҳокимият органларининг раҳбар ходимлари таркибини таҳлил қилайлик. Фойдаланиш мумкин бўлган ягона маълумот манбаи бу вазирликларнинг расмий веб-сайтлари бўлиб, уларнинг баъзиларида марказий аппарат ходимлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилмаган, шу сабабли биз бор маълумотлардан фойдаланган ҳолда ишлаймиз.

Қуйида келтирилган жадвалда вазирликларнинг марказий аппаратида раҳбар лавозимларни эгаллаган эркаклар ва аёллар сони тўғрисида маълумотлар келтирилган (афсуски, бошқармалар/бўлимлар бошлиқларининг ўринбосарлари тўғрисида маълумотлар келтирилмаган).

Учта иерархик лавозимлар бўйича таҳлилда биз жинсларнинг иерархик тақсимоти қандай эканлигини кўриш учун ҳар бир гуруҳдаги аёлларнинг салмоғини ҳисоблаймиз.

Вазирлик/ идоралар	Вазир ўринбосари/ директор ўринбосари		Бошқарма/бўлим бошлиғи		Бошқарма/ бўлим бошлиғи ўринбосари	
	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар
Табий ресурслар вазирлиги		3	2	15		
Транспорт вазирлиги	-	2	2	30		
Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	1	3	3	37		

Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1	3	3	19
Ташқи ишлар вазирлиги	-	4	-	26
Рақамли технологиялар вазирлиги	-	3	4	34
Адлия вазирлиги	-	5	5	26
Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги	-	3	4	25
Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги	-	3	-	16
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	-	4	-	41
Сув хўжалиги вазирлиги	-	4		14
Иерархияда умумий сонига нисбатан салмоғи, %	5,1	96,9	7,5	92,5

Шундай қилиб, 11 та вазирликнинг марказий аппаратларида 356 нафар ходим ишлайди, шундан 26 нафари хотин-қизлар, 330 нафари эркаклар бўлиб, фоиз кўринишида бу мос равишда 7,3 % аёллар ва 92,7% эркакларни ташкил этади. Иерархик тузилмага кўра, вазир ўринбосари лавозимларида 5,1% аёллар, 96,9% эркаклар фаолият юритади, бошқарма ва бўлим бошлиқлари лавозимларида эса, 7,5% аёллар, 92,5% эркаклар фаолият юритади.

Айрим вазирликларда хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида умуман ишламайди. Улар орасида: Ташқи ишлар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги кабиларни кўриш мумкин. Яна бир бор эслатиб ўтиш жоизки, биз очик маълумотлар сифатидаги марказий аппарат эълон қилган атиги 11 та вазирликни кўриб чиқдик.

Ижро ҳоқимияти органларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг салмоғи етарли даражада юқори эмаслиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнига таъсир қилмай қолмайди.

Вазирлик/ идоралар	Вазир ўринбосари/ директор ўринбосари		Бошқарма/бўлим бошлиғи		Бошқарма/ бўлим бошлиғи ўринбосари	
	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар
Табиий ресурслар вазирлиги		3	2	15		
Транспорт вазирлиги	-	2	2	30		
Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	1	3	3	37		

Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1	3	3	19
Ташқи ишлар вазирлиги	-	4	-	26
Рақамли технологиялар вазирлиги	-	3	4	34
Адлия вазирлиги	-	5	5	26
Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги	-	3	4	25
Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги	-	3	-	16
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	-	4	-	41
Сув хўжалиги вазирлиги	-	4		14
Иерархияда умумий сонига нисбатан салмоғи, %	5,1	96,9	7,5	92,5

Олинган маълумотларга асосланиб, қуйидаги диаграммани тузиш мумкин.



Маҳаллий ҳокимият органларида ҳам шунга ўхшаш вазиятни кўриш мумкин. Раҳбарлик лавозимларида ишловчи хотин-қизлар жуда кам сонни ташкил қилади. Вилоят ҳокимлари даражасида аёллар умуман йўқ. Ҳоким ўринбосарлари даражасида 12,1 фоиз, бошқарма/бўлим бошлиқлари даражасида – 5,4 фоизини аёллар ташкил қилади, буни қуйида келтирилган, вилоят ҳокимлиги марказий аппарати таркибидан кўриш мумкин.

Вилоят ҳокимликлари	Ҳоким		Ҳоким ўринбосарлари		Бошқарма/бўлим бошлиғи	
	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар
Қорақалпоғистон Республикаси	0	1	1	9	1	14
Андижон вилояти	0	1	0	6		

Вилоят ҳокимликлари	Ҳоким		Ҳоким ўринбосарлари		Бошқарма/бўлим бошлиғи	
	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар
Бухоро вилояти	0	1	1	6	0	16
Жиззах вилояти	0	1	1	7	1	11
Қашқадарё вилояти	0	1	1	5	2	18
Навоий вилояти	0	1	1	4	0	14
Наманган вилояти	0	1	1	6	1	11
Самарқанд вилояти	0	1	1	7	0	16
Сурхондарё вилояти	0	1	1	6	1	20
Сирдарё вилояти	0	1	1	8	0	15
Тошкент вилояти	0	1	1	8	1	22
Фарғона вилояти	0	1	1	8		
Хоразм вилояти	0	1	1	7	0	18
Тошкент шаҳри	0	1	1	7	4	18
ЖАМИ	0	14	13	94	11	193
% ҳиссаси	0%	100%	12,1%	87,9%	5,4%	95,6%

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, хотин-қизларнинг давлат секторида қарорлар қабул қилишдаги иштироки даражаси тўғрисидаги статистик маълумотлардан хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки даражасини таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида фаолият юритувчи хотин-қизларнинг сонини ошириш учун аниқроқ тавсиялар ишлаб чиқиш учун фойдаланиш мумкин. Юқорида келтирилган гендер статистик маълумотларига асосланиб, қарорлар қабул қилишда хотин-қизларнинг реал иштирокини таъминлаш, бунда маҳаллий ҳокимият ва ижро этувчи ҳокимият органларида ишловчи хотин-қизларнинг сонига алоҳида эътибор қаратиш учун давлат ҳокимиятининг барча даражаларида хотин-қизлар сонини ошириш зарурлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Меҳнат бозори ва бандлик

Гендер статистикаси меҳнат ва бандлик соҳасида алоҳида аҳамиятга эга. У гендер тенгликни таъминлаш соҳасида мамлакатдаги вазиятни ёрқинроқ кўрсатиб беради. Меҳнат бозори ва бандликнинг гендер таҳлили стереотиплар мавжудлиги, бандликнинг айрим соҳаларида ишлаш мумкин ёки йўқлиги, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги

роли, хотин-қизларнинг мавжуд ресурслардан фойдаланиш имконияти, аёлларнинг ишлаб чиқариш, мамлакат иқтисодий ўсишидаги ҳиссаси ва шу кабиларни кўрсатиб беради.

Гендер тенглик нафақат меҳнат бозори ва кенг доирадаги тармоқлар, турли хил касбий фаолият турлари, балки тегишли иш ҳақи ва муносиб меҳнат шароитларидан тенг равишда фойдаланиш имкониятини англатади. Шунингдек, бу аҳолининг барча ижтимоий гуруҳларида гендер тенгликка эришиш йўлидаги зарур қадам бўлган, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини оширишга ҳам тааллуқлидир.

Қуйида иқтисодий фаоллик ва иш кучидан фойдаланишнинг гендерга таъсирчан кўрсаткичлари келтирилган (Ушбу кўрсаткичлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсиясига биноан тасдиқланган ва 1995 йилдаги Пекин Ҳаракатлар платформаси доирасида устувор йўналишлари белгиланган):

- қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган ишчи кучининг жинс кесимидаги улуши (%) (15 ёш ва ундан катта);
- раҳбарлик ва профессионал лавозимларда банд бўлган ишчи кучининг жинс кесимидаги улуши %;
- иш ҳақи тўланмайдиган оилавий ишчилар ёки норасмий секторда (15 ёш ва ундан катта) банд бўлган ишчи кучининг жинс кесимидаги улуши %;
- жинс кесимида бандлик/ишсизлик даражаси;
- муайян фаолиятга сарфланган вақт (шу жумладан ҳақ тўланмайдиган уй ишлари ва болалар ва/ёки қарияларни парваришlash ишлари);
- иш жойидаги бахтсиз ҳодисалар хавфи (тўлиқ иш куни/тўлиқсиз иш куни), жинс кесимида;
- декрет таътили ҳуқуқи/ҳафталар сони/ушбу ҳуқуқдан фойдаланадиган аёлларнинг фоизи %;
- бола парваришlash таътили ҳуқуқи / ҳафталар сони / ушбу ҳуқуқдан фойдаланадиган аёлларнинг, мос равишда эркакларнинг фоизи %;
- жинс бўйича давлат ва нодавлат манбалар ҳисобидан берилган кредитлар, молиявий ва техник ёрдамларнинг фоизи;
- бандлик даражаси ва фаолият соҳалари бўйича аёллар ва эркакларнинг иш ҳақи/даромадларидаги фарқ;
- болалар парвариши хизматлари ҳолати ва ушбу хизматлардан фойдаланаётган 0-3 ва 3-6 ёшдаги болалар %.

Меҳнат бозори ва аҳоли бандлигини ўрганишда юзага келадиган энг асосий жиҳатлар – иш кучининг ҳажми, таркиби ва хусусиятлари, норасмий бандлик, ҳақ тўланмайдиган меҳнат, касбий ва оилавий мажбуриятларни биргаликда бажариш кабилардир.

Меҳнат бозори ва бандлик соҳасида гендер тенгликни амалга оширишнинг муҳим жиҳати муносиб иш ҳақи билан боғлиқ бўлиб, айнан шу кўрсаткич бандлик ва фаолият соҳалари бўйича аёллар ва эркакларнинг иш ҳақи / даромадларидаги фарқни акс эттиради. Бу жиҳат

иш ҳақининг бошқа кўрсаткичларга катта таъсири туфайли ҳам, меҳнат бозорида эркаклар ва аёллар ўртасидаги собиқ совет мамлакатларига хос бўлган “яширин тенглик” деб аталувчи омил сабабли ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади.

Шуни таъкидлаш керакки, гендер сиёсати шароитида ҳақ тўланмайдиган меҳнат, касбий ва оилавий мажбуриятларни биргаликда бажариш ҳолатлари алоҳида қизиқиш уйғотади.

“Gender.stat.uz” веб-сайтида иқтисод, самарадорлик ва ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги минимал кўрсаткичлар ва меҳнат соҳасидаги асосий кўрсаткичлар бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, уларни қуйидаги жадвалда таққослаш мумкин. Айтиш жоизки, бу сайтдаги маълумотлар 2022-йилда янгиланган.

Биз қулайроқ фойдаланиш ва маълумотларни таҳлил қилиш учун ушбу кўрсаткичларни маълум гуруҳларга ажратиб олдик.

Асосий кўрсаткичлар	Минимал кўрсаткичлар
Иқтисодий фаол аҳоли кўрсаткичлари	
<ul style="list-style-type: none"> - Иқтисодий фаол аҳоли сони - Иқтисодиётда банд бўлганлар сони - Ишсизлар сони - Иш билан банд бўлганлар умумий сонидаги эркаклар улуши - Иш билан банд бўлганлар умумий сонида аёлларнинг улуши 	<ul style="list-style-type: none"> - Эркаклар ва аёллар томонидан ҳақ тўланмайдиган уй ишларига сарфланган ўртача соатлар сони - Эркаклар ва аёллар томонидан ҳақ тўланадиган ва тўланмайдиган уй ишларида биргаликда сарфланган ўртача соатлар сони (жами иш юки). - Эркаклар ва аёллар ўртасида иш ҳақидаги фарқ
Аҳоли бандлиги кўрсаткичлари	
<ul style="list-style-type: none"> - Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами бандликдаги аёллар улуши - Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами бандликдаги эркаклар улуши - Иқтисодий фаолият турлари бўйича банд аёллар сони - Иқтисодий фаолият турлари бўйича банд бўлган эркаклар сони - Иқтисодий фаолият турлари бўйича иш билан банд аёллар сонининг тақсимланиши - Иқтисодий фаолият турлари бўйича иш билан банд эркаклар сонининг тақсимланиши 	<ul style="list-style-type: none"> - 15-24 ёшдаги, 15 ва ундан катта ёшдаги (15+) шахсларнинг меҳнатга жалб этилиши коэффиценти, эркаклар ва аёллар кесимида - Уй хўжалигида 3 ёшгача бўлган болалари бўлган 25-49 ёшдаги шахслар ва уй хўжалигида яшовчи фарзанди йўқ шахсларнинг бандлик коэффиценти - 15-24 ёшдаги шахслар орасида ишсиз ёшлар коэффиценти, эркаклар ва аёллар кесимида - Қисман (тўлиқсиз) банд бўлган шахсларнинг банд бўлган аҳолининг умумий сонидаги улуши, эркаклар ва аёллар кесимида - Норасмий секторда банд бўлганларнинг умумий қишлоқ хўжалигидан ташқари бандликдаги улуши, эркаклар ва аёллар кесимида

Асосий кўрсаткичлар	Минимал кўрсаткичлар
Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчиликда банд бўлган эркаклар ва аёллар	
<ul style="list-style-type: none"> - Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчиликдаги умумий банд бўлганлар орасида аёллар улуши - Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчиликдаги умумий банд бўлганлар орасида эркаклар улуши 	<ul style="list-style-type: none"> - Иш билан банд бўлганларнинг соҳалар бўйича, шунингдек, эркаклар ва аёллар кесимидаги фоизи тақсимоти (соҳалар дейилганда қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш каби тармоқлар назарда тутилади)
Саноатда банд бўлган аёллар ва эркаклар	
<ul style="list-style-type: none"> - Саноатда банд бўлган аёлларнинг умумий банд аҳоли сонидаги улуши - Саноатда банд бўлган эркакларнинг умумий банд аҳоли сонидаги улуши - “Саноат” иқтисодий фаолият турлари бўйича ноқулай меҳнат шароитида банд бўлган аёлларнинг умумий ходимлар сонидаги улуши, йил бошига - “Саноат” иқтисодий фаолият турлари бўйича ноқулай меҳнат шароитида банд бўлган эркакларнинг умумий ходимлар сонидаги улуши, йил бошига - “Саноат” иқтисодий фаолият турлари бўйича аёлларнинг меҳнат шароитлари, йил бошига, % - “Саноат” иқтисодий фаолият турлари бўйича эркакларнинг меҳнат шароитлари, йил бошига, % 	
Қурилишда банд бўлган аёллар ва эркаклар	
<ul style="list-style-type: none"> - “Қурилиш” иқтисодий фаолият тури бўйича жами бандликдаги аёллар улуши - “Қурилиш” иқтисодий фаолият тури бўйича жами бандликдаги эркаклар улуши - “Қурилиш” иқтисодий фаолият тури бўйича ноқулай меҳнат шароитида банд бўлган аёлларнинг умумий ходимлар сонидаги улуши, йил бошига - “Қурилиш” иқтисодий фаолият турлари бўйича ноқулай меҳнат шароитида банд бўлган эркакларнинг умумий ходимлар сонидаги улуши, йил бошига 	
Ёлланиб ишловчи аёллар ва эркаклар	
<ul style="list-style-type: none"> - Корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишловчи аёллар - Корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишловчи эркаклар - Корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишловчи аёлларнинг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши 	

Асосий кўрсаткичлар	Минимал кўрсаткичлар
---------------------	----------------------

- Корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишловчи эркакларнинг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши
- Корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишловчи аёлларнинг маълумоти бўйича тақсимланиши
- Корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишловчи эркакларнинг маълумоти бўйича тақсимланиши

Хусусий секторда банд бўлган аёллар ва эркаклар

- | | |
|--|---|
| <ul style="list-style-type: none"> - Якка тартибдаги тадбиркор аёллар сони - Тадбиркор эркаклар сони - Иқтисодий фаолият турлари бўйича якка тартибдаги тадбиркор аёллар сони - Иқтисодий фаолият турлари бўйича якка тартибдаги тадбиркор эркаклар сони | <ul style="list-style-type: none"> - Эркаклар ва аёллар кесимида иш берувчи сифатида банд бўлганларнинг умумий бандлар орасидаги улуши - Эгаси аёллар бўлган фирмаларнинг улуши - Эркаклар ва аёллар кесимида кредит олиш имкониятига эга бўлган аҳоли улуши - Эркаклар ва аёллар кесимида ерга эга бўлган катта ёшли аҳоли улуши |
|--|---|

Аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш кўрсаткичлари

- | | |
|--|--|
| <ul style="list-style-type: none"> - Худудлар бўйича ўзини ўзи банд қилганлар сони - Фаолият турлари бўйича ўзини ўзи банд қилганлар сони - Ёш гуруҳлари бўйича ўзини ўзи банд қилганлар сони | <ul style="list-style-type: none"> - Эркаклар ва аёллар кесимида ўзини ўзи банд қилганларнинг умумий банд бўлганлар орасидаги ҳиссаси - Эркаклар ва аёллар кесимида оилавий бизнесга даромад келтирувчи банд ишчиларнинг улуши |
|--|--|

Ресурслардан фойдаланиш имконияти

- Эркаклар ва аёллар кесимида интернетдан фойдаланувчилар улуши
- Эркаклар ва аёллар кесимида мобил/уяли телефонлардан фойдаланувчилар улуши
- Оммавий ахборот воситаларидан (радио, телевидение, интернет) фойдаланиш имкониятига эга бўлган уй хўжаликлари ҳиссаси, оила бошлиқлари, эркаклар ва аёллар кесимида

Ушбу кўрсаткичлар бўйича маълумотлар асосида nsdg.stat.uz сайтида қуйидаги инфографикани топиш мумкин.



Инфографикага кўра, Ўзбекистонда 2017 йилдан бошлаб иқтисодиётда банд бўлган эркаклар сонининг ўсиши ва аёллар бандлигида пасайиш кузатилмоқда. Хусусан, 2017 йилдан 2021 йилгача иқтисодиётда банд аёлларнинг сони мос равишда 6,2 миллиондан 5,6 миллионга камайган.

Энди gender.stat.uz сайти маълумотларини кўриб чиқамиз. “Иқтисодий фаол аҳоли сони” бўлимидаги кўрсаткичлар ҳудудлар бўйича маълумотларни ўз ичига олган 3 та жадвалдан иборат. Бизни Ўзбекистон бўйича умумий кўрсаткичлар қизиқтиргани боис, уларни қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган битта умумий жадвалга умумлаштирдик:

- иқтисодий фаол аҳоли сони;
- иш билан банд аҳоли сони;
- ишсизлар сони;
- 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги ишсизлар сони.

Иқтисодий фаол аҳоли ва иш билан банд аҳолининг умумий сонини билган ҳолда, биз иқтисодий фаол аҳолининг умумий сонига аёллар ва эркаклар улушини аниқлашимиз мумкин. Бунда биз ўша сайтда ноқулай тарзда берилган маълумотларга таянишимиз шарт бўлмайди.


Бу таҳлилда жинс белгилари бўйича 2016 йилдан 2021 йилгача бўлган даврни кўриб чиқайлик (чунки бир кўрсаткич бўйича бу даврдан олдинги маълумотлар берилмаган). Афсуски, иқтисодий фаол аҳоли сони бўйича кўрсаткичлар жадвалида жинс кесимида маълумотлар тақдим этилмаган, аммо қолган иккитасида жинс бўйича ажратилган маълумотларга эга бўлган ҳолда, биз ўзимизни қизиқтирган маълумотларни умумлаштириб, олишга муваффақ бўлдик. Қуйида биз олган ва ўзгаришлар динамикасини кузатиш қулайроқ бўлган жадвал келтирилган.

Ушбу жадвал маълумотларига кўра, юқоридаги инфографика Статистика агентлиги сайтидаги маълумотларга мос келишини кўриш мумкин.


КЎРСАТКИЧЛАР	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Иқтисодий фаол аҳоли сони, минг киши	14 022,4	14 357,3	14 641,7	14 876,4	14 797,4	14 980,7
аёллар	6 391,1	6 556,3	6 246,0	6 434,7	6 383,8	6 451,9
эркаклар	7 631,3	7 801,0	8 395,7	8 441,7	8 413,7	8 528,9
Иқтисодиётда банд аҳоли сони, минг киши	13 298,4	13 520,3	13 273,1	13 541,1	13 236,4	13 538,9
аёллар	6 073,6	6 189,2	5 523,8	5 609,4	5 484,6	5 595,3
эркаклар	7 224,8	7 331,1	7 749,3	7 931,7	7 751,8	7 943,6
Иш билан банд бўлганлар умумий сонига аёлларнинг улуши,%	45,7	45,8	41,6	41,4	41,4	41,3
Иш билан банд бўлганлар умумий сонига эркаклар улуши,%	54,3	54,2	58,4	58,6	58,6	58,7
Ишсизлар сони, минг киши	724,0	837,0	1 368,6	1 335,3	1 561,0	1 441,9
аёллар	317,5	367,1	722,2	825,3	899,2	856,6
эркаклар	406,5	469,9	646,4	510,0	661,9	585,3
Иқтисодий фаол аҳолига нисбатан ишсизлар ҳиссаси, %	5,2	5,8	9,3	9,1	10,5	9,6
Хотин-қизлар ҳиссаси, %	43,9	43,9	52,8	61,8	57,6	59,4
Ишсиз эркаклар ҳиссаси, %	56,1	56,1	47,2	38,2	42,4	40,6
16-25 ёшгача бўлганлар ўртасидаги ишсизлар	Маълумотлар йўқ	Маълумотлар йўқ	490,0	483,4	616,6	547,9
аёллар			20,3	20,5	23,4	22,6
эркаклар			15,5	15,7	16,1	15,4
Жами ишсизлар орасидаги ёшлар ҳиссаси, %	Маълумотлар йўқ	Маълумотлар йўқ	35,8	36,2	39,5	39,9

Ушбу жадвалга асосан иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг ўсиш динамикаси, эркаклар сонининг ўсиш динамикаси ва иқтисодиётда

банд бўлган аёллар сонининг пасайиши кузатилмоқда. Буни қуйидаги диаграммада кўриш мумкин.



Бундан ташқари, иқтисодий фаол аҳолининг умумий сони ва ишсизлар сони тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган ҳолда, иқтисодий аҳолининг қанча қисми ишсиз эканлигини (жумладан, жинс кесими бўйича) аниқлаш, шунингдек, 2016 йилдан 2021 йилгача бўлган даврдаги ўзгаришлар динамикасини кузатиш мумкин. Бу кўрсатилган даврда ишсизлар сони ўсганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, агар 2016 йилда ишсизлар улуши 5,2% ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда ишсизлар сони 2 баробарга ошиб, 10,5% га етди. Бунинг сабабини эса, пандемия билан изоҳлаш мумкин. 2021 йилда биз ишсизлар сонининг бироз камайганлиги кузатилмоқда. Таъкидлаш керакки, ишсизлар сонининг умумий ўсиши баробарида ишсиз эркаклар сони камаймоқда ва ишсиз аёллар сони 2019 йилда энг юқори даражага кўтарилган. Ушбу маълумотларга асосланиб, қуйидаги диаграммани ҳам тузиш мумкин (диаграммага қаранг).




16 ёшдан 25 ёшгача бўлган ишсиз ёшларга келсак, улар тўғрисидаги маълумотлар 2018 йилдан 2021 йилгача бўлган кичик давр учун тақдим этилган. Шу билан бирга, ишсиз ёшлар мамлакатдаги ишсиз аҳолининг учдан биридан кўпроғини ташкил қилмоқда. 2018 йилда ишсиз ёшлар улуши жами ишсизларнинг 35,8% ини ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб биз унинг ўсиш динамикасини энг юқори – 39,9% фоизга етганини кўришимиз мумкин.

Худди шундай тенденция бутун дунёда кузатилмоқда. Бунга эса, глобал трансформация жараёнлари, жумладан, рақамли иқтисодиётга ўтиш туфайли меҳнат бозоридаги ўзгаришлар, COVID-19 пандемияси туфайли ишлаб чиқариш ва миграция жараёнларининг қисқариши каби омиллар таъсир кўрсатади. Бундай шароитда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни ҳимоя қилиш борасидаги ижтимоий сиёсатнинг аҳамияти юқори бўлади.

Энди 2016 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда иқтисодиётда банд бўлган эркеклар ва аёлларнинг турли тармоқлар ва фаолият йўналишлари бўйича тақсимланиш кўрсаткичларини кўриб чиқамиз. Охириг иккита устунда аёллар ва эркекларнинг умумий банд аҳоли сонига улуши (%), шунингдек, 2021 йил якунлари бўйича иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида аёллар ва эркекларнинг жами банд аҳоли сонига нисбатан улуши мос равишда кўрсатилган. Яъни, биз жинс кесимида бир нечта кўрсаткичлар бўйича маълумотларни битта жадвалда умумлаштиришга муваффақ бўлдик.

Шунингдек, ушбу соҳаларнинг ҳар бирида аёллар ва эркекларнинг улушини (%) банд бўлган аҳолининг умумий сонига ёки иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида банд бўлган аёлларнинг умумий сонига нисбатини кўришингиз мумкин. Охириг кўрсаткич ҳақидаги инфографикани nsdg.stat.uz сайтида топиш мумкин.



		2017	2018	2019	2020	2021	% иқтисод соҳасида	% умумий сонга нисбат
Иқтисод соҳаси	аёллар	6 189,2	5 523,8	5 609,4	5 484,6	5 595,3	41,3	41,3
	эркаклар	11 892,4	11 740,1	12 009,8	7 751,7	7 943,6	58,7	58,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	аёллар	1 627,9	1 533,0	1 531,3	1 484,7	1 448,9	42,4	10,7
	эркаклар	2 043,4	2 004,2	2 013,3	2 014,5	1 965,7	57,6	14,5
Тоғ-кон саноати ва карьер қазииш	аёллар	24,2	12,4	25,1	25,9	24,9	26,5	0,2
	эркаклар	59,3	66,3	59,7	66,5	69,0	73,5	0,5
Ишлаб чиқариш саноати	аёллар	760,8	724,5	757,9	738,2	752,8	45,8	5,6
	эркаклар	839,1	873,8	855,0	859,5	889,6	54,2	6,6
Электр таъминоти, газ, буғ таъминоти ва ҳавони кондиционерлаш	аёллар	11,0	9,3	9,7	9,1	9,4	12,3	0,1
	эркаклар	74,3	60,2	69,4	63,2	66,9	87,7	0,5
Сув таъминоти; канализация, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	аёллар	11,3	12,2	8,4	9,1	9,7	19,1	0,1
	эркаклар	46,8	44,2	36,3	38,1	41,0	80,9	0,3
Қурилиш	аёллар	75,0	69,9	82,0	82,2	85,5	6,3	0,6
	эркаклар	1 215,0	1 135,6	1 242,6	1 223,4	1 265,4	93,7	9,3
Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	аёллар	766,2	707,3	740,2	699,0	752,9	49,0	5,6
	эркаклар	714,0	694,5	696,2	706,4	782,7	51,0	5,8
Юк ташиш ва сақлаш	аёллар	47,2	54,9	46,4	44,2	46,6	7,1	0,3
	эркаклар	607,7	590,3	599,7	566,3	607,6	92,9	4,5
Турар жой ва овқатланиш хизматлари	аёллар	165,3	155,7	164,4	156,5	174,0	51,0	1,3
	эркаклар	148,0	146,2	150,9	146,3	167,1	49,0	1,2
Ахборот ва алоқа	аёллар	21,0	17,9	20,1	20,7	24,7	35,0	0,2
	эркаклар	43,3	44,8	42,1	38,0	45,8	65,0	0,3
Молия ва суғурта фаолияти	аёллар	27,5	28,5	26,4	27,1	26,5	37,6	0,2
	эркаклар	44,5	45,0	49,4	45,4	44,0	62,4	0,3
Кўчмас мулк операциялари	аёллар	22,8	23,0	20,8	18,1	20,9	33,1	0,2
	эркаклар	46,5	43,7	41,6	35,3	42,3	66,9	0,3
Касбий, илмий ва техник фаолият	аёллар	46,8	48,0	44,3	43,9	46,7	33,8	0,3
	эркаклар	94,1	93,5	96,6	87,7	91,3	66,2	0,7

		2017	2018	2019	2020	2021	% иқтисод соҳасида	% умумий сонга нисбат
Кўшимча хизматларни бошқариш ва тақдим этиш бўйича фаолият	аёллар	28,8	28,0	35,0	35,8	36,6	36,6	1,1
	эркаклар	47,3	48,1	60,4	62,6	63,6	63,4	0,5
Давлат бошқаруви ва муҳофаа; мажбурий ижтимоий таъминот	аёллар	170,1	87,4	170,5	176,8	175,0	27,5	1,3
	эркаклар	407,7	544,3	466,1	459,2	462,3	72,5	3,4
Таълим	аёллар	836,8	750,6	858,4	867,6	900,7	73,8	6,7
	эркаклар	269,8	361,1	276,0	290,5	319,8	26,2	2,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни тақдим этиш	аёллар	461,3	482,4	473,9	510,8	502,9	77,3	3,7
	эркаклар	141,3	121,6	142,8	158,7	147,9	22,7	1,1
Санъат, ҳордиқ ва дам олиш	аёллар	29,7	29,3	29,9	30,6	31,8	45,3	0,2
	эркаклар	35,6	36,3	36,1	36,3	38,4	54,7	0,3
Бошқа хизматларни тақдим этиш	аёллар	1 055,5	749,5	564,7	504,3	524,9	38,6	3,9
	эркаклар	453,4	795,6	997,5	853,8	833,3	61,4	6,2

Ушбу маълумотларга асосланиб, иш билан банд бўлганларнинг умумий сонига аёлларнинг улуши 41,3% ни, эркаклар улуши эса 58,7% ни ташкил этганини кўрамиз, бу эса, “Иқтисодий фаол аҳоли” бўлимидаги маълумотларга мос келади.


Агар иш билан банд аёллар ва эркаклар улушидаги фарқ 17,4% ни ташкил этса, **иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари учун бу ҳолат бутунлай бошқача кўринишга эга.** Масалан, улгуржи ва чакана савдода эркаклар ва аёллар деярли тенг улушларда (аёллар 49% ва эркаклар 51%), турар жой ва озиқ-овқат хизматлари соҳасида (HoReCa) ҳам шунга яқин нисбатда (аёллар 51% ва эркаклар 49%) фаолият юритадилар. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони иситиш/совутиш соҳасида банд бўлганлар ичида 87,7% эркаклар ва 12,3% аёллар; коммунал хўжалик соҳасида 19,1% аёллар ва 80,9% эркаклар: қурилишда 6,3% аёллар ва 93,7% эркаклар; логистика соҳасида 7,1% аёллар ва 92,9% эркаклар банд эканлигини кузатиш мумкин.

Бундай гендер статистикасининг мавжудлиги гендер номуносивблиги мавжуд соҳаларни яхшироқ аниқлаш ва бу номуносивблик хотин-қизларни камситиш оқибати ёки бошқа ҳолатлар ҳамда омилларни ҳисобга олган ҳолда муайян чоралар кўришнинг мақсадга мувофиқлигини текшириш имконини беради.

Кўрсаткичлар	Жинс	2018	2019	2020	2021
Кредитлаш хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган аҳоли ҳиссаси, %	аёллар	67,6	67,3	67,1	66,6
	эркаклар	65,8	65,3	65,1	64,6
Ерга эгалик қилувчи катта ёшли аҳоли ҳиссаси, жинс кесимида	аёллар	18,0	23,0	23,0	36,3
	эркаклар	82,0	77,0	77,0	63,7
Эгаси аёллар ёки эркаклар бўлган фирмаларнинг улуши, %	аёллар	21,9	14,9	24,1	38,0
	эркаклар	79,1	85,1	75,9	62,0
Аёллар иш ҳақларининг эркаклар иш ҳақларига нисбати		38,6	36,2	37,5	36,6
Ҳақ тўланмайдиган уй ишларига сарфланган ўртача соатлар сони	аёллар	5,3			
	эркаклар	2,2			
Ҳақ тўланадиган ва тўланмайдиган уй ишларига сарфланган ўртача соатлар сони	аёллар	7,6			
	эркаклар	7,8			


Ушбу жадвалга кўра, аёллар ва эркаклар кредит олиш имкониятига деярли тенг улушларда эга эканлигини, гарчи 2021 йилдан бошлаб тадбиркор аёллар сони сезиларли даражада ошган бўлса-да, эркаклар ўртасида хусусий тадбиркорлик субъектлари қарийб икки баравар кўп эканлигини кўришимиз мумкин.

Ўйлаймизки, бу ўзгаришларда сўнгги пайтларда тадбиркорлик фаолияти учун кредитлар ажратаётган, хотин-қизларни мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этишга жалб этаётган давлат ҳам муҳим ўрин тутди.



Ерга эгалик қилиш масаласига келсак, 2018 йилдан бошлаб ерга эгалик қилувчи аёллар улуши ортган. Масалан, 2018 йилда хотин-қизларнинг атиги 18 фоизи ерга эгалик қилган бўлсалар, 2021 йилда уларнинг улуши икки баробарга ошиб, 36,3 фоизга етган.

ЕР ЭГАСИ БЎЛГАН КАТТА ЁШДАГИ АҲОЛИ УЛУШИ



Ўртача иш ҳақига келсак, 2018 йилда ўтказилган статистик маълумотлар ва тадқиқотларга кўра (бу кўрсаткич ҳар 5 йилда янгиланади), биз иш ҳақи нисбатида жиддий фарқни кўришимиз мумкин. Бунда, иқтисодий фаолият турига қараб иш ҳақларида сезиларли фарқлар кузатилмоқда.

Ўртача иш ҳақининг иқтисодий фаолият соҳасига қанчалик боғлиқлиги тўғрисида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун, қуйидаги жумлани келтириб ўтамиз: “қишлоқ хўжалигида банд бўлган аёлларнинг ўртача иш ҳақи молия соҳасида ишлаётган аёлларнинг ўртача иш ҳақидан уч баравар кам”, “балиқчиликда банд бўлган эркекларнинг ўртача иш ҳақи эса молия соҳасида банд эркекларнинг ўртача иш ҳақидан 3,4 баравар кам”¹.

Бу масалани чуқурроқ ўрганиш учун эркеклар ва аёлларнинг иқтисодий соҳаларига табақалаштирилган йўналиши, бошқача айтганда, иқтисодийнинг айрим соҳаларининг “феминизацияси” ва бошқа соҳаларнинг “эркаклашуви” негизида нималар ётганини аниқлаш зарур. Аввало, бундай йўналиш потенциал ходимнинг маълумоти, касбий тайёргарлиги, ихтиссослиги ва у ёки бу соҳадаги даражасини ўрганиш билан белгиланади, деб тахмин қилиш мумкин. Шу тарзда, кейинги тадқиқотларда гендер тафовутларни аниқлаш ва таълим соҳасида мавжуд бўлган статистик маълумотлардан фойдаланишга имконият топиш зарур.

Таълим

Сўнгги ўн йилликлар давомида бутун дунёда барча даражадаги таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ва мактабларга, хусусан, хотин-қизларни жалб қилиш даражасини ошириш бўйича катта ютуқларга эришилди. Таълим одамларга ҳаётда тенг имкониятларга эга бўлиш имконини берувчи ресурслардан биридир.

Таълимда гендер ёндашувини жорий этиш ҳаёт давомида, айниқса, мажбурий таълим даврида аёллар ва эркеклар учун мавжуд бўлган таълим имкониятларида гендер тенгликни баҳолаш ва рағбатлантиришни ўз ичига олади. Таълим аёллар ва эркеклар ҳуқуқларини таъминлаш ва жамиятда гендер тенгликка эришишда муҳим аҳамиятга эга.

¹ Гендерной статистикаси бўйича қўлланма. – Молдова: “Elan Poligraf”. – 53-б.

Таълим соҳасида гендер тенгсизлиги олий таълим даражасида яққол кўзга ташланади, бунда олий таълимга қабул қилинган 25 ёш ва ундан катта ёшдаги хотин-қизлар улуши 40% ни ташкил қилади¹.



Расмий маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда фалсафа фанлари доктори илмий даражасига эга бўлган аёллар улуши 37%, доцент илмий унвонига эга бўлган аёллар улуши 31,5%, фан докторлари 24,3%, профессор аёллар улуши 22,7% ни ташкил қилади.

“gender.stat.uz” сайтида БМТ Статистик комиссияси томонидан тавсия этилган таълим соҳасидаги асосий ва минимал кўрсаткичлар эълон қилинган.

Асосий кўрсаткичлар	Минимал кўрсаткичлар
Мактабгача таълим ва тарбия	
<ul style="list-style-type: none"> - Мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони - Худудлардаги мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони - Мактабгача таълим муассасаларидаги қизлар сони - Мактабгача таълим муассасаларидаги ўғил болалар сони - Ёш кесимида мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сонининг улуши - Мактабгача таълим муассасаларида ногирон болалар улуши - Жинс кесимида мактабгача таълим муассасаларида педагог ходимларнинг улуши - Расмий мактабгача таълим муассасаларидаги 3 ёшгача бўлган болалар улуши 	<ul style="list-style-type: none"> - Расмий мактабгача таълим муассасаларидаги 3 ёшгача бўлган болалар улуши

¹ БРМ (stat.uz)

Асосий кўрсаткичлар	Минимал кўрсаткичлар
Умумий ўрта таълим	
<ul style="list-style-type: none"> - Биринчи синфга қабул қилинган ўқувчилар сони - Биринчи синфга қабул қилинган ўқувчилар сони - Жинс кесимида таълим муассасаларида ўқувчиларнинг улуши - Жинс кесимида, умумтаълим муассасаларидаги ўқитувчиларнинг улуши (ўриндошлик асосида ишловчи ходимлар бундан мустасно) - Жинс кесимида умумтаълим муассасаларининг 11-синф битирувчилари улуши - Турли фанларни чуқур ўргатадиган умумтаълим муассасаларидаги ўқувчилар сони 	<ul style="list-style-type: none"> - Ўғил болалар ва қизлар кесимида бошланғич таълим билан қамраб олинишнинг аниқлаштирилган коэффиценти - Ўғил болалар ва қизлар кесимида бошланғич таълимни яқунлаш даражаси - Таълимнинг бошланғич босқичидан ўрта таълим даражасига (умумий дастурлар) ўтиш коэффиценти, ўғил болалар ва қизлар кесимида - Ўрта таълим билан қамраб олишнинг умумий коэффиценти, ўғил болалар ва қизлар кесимида
Ўрта махсус таълим	
<ul style="list-style-type: none"> - Академик лицейларга қабул қилинадиган ўқувчилар сони - Академик лицейлардаги ўқувчилар сони - Академик лицейлар битирувчилари сони - Қишлоқ жойларда академик лицейларга қабул қилинадиган ўқувчилар сони - Қишлоқ жойларда академик лицей битирувчилари сони - Академик лицейларнинг педагог ходимлари таркиби - Касб-ҳунар таълими - Жинс кесимида, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилинганлар улуши - Жинс кесимида, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари улуши - Жинс кесимида, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари улуши - Жинс кесимида, техникумларга қабул қилинувчилар улуши - Жинс кесимида, техникум талабалари улуши - Жинс кесимида, техникум ўқитувчилари улуши - Компютер кўникмалари ва АКТ бўйича таълим олаётган талабалар улуши - Коллежга қабул қилинувчилар сони - Коллежда ўқувчилар сони - Коллеж битирувчилари сони - Коллежнинг педагог ходимлари таркиби 	<ul style="list-style-type: none"> - Ўрта таълимнинг биринчи босқичи битирувчиларининг умумий коэффиценти, ўғил болалар ва қизлар кесимида - Эркаклар ва аёллар кесимида, ўрта таълимдан кейинги таълимга умумий қабул қилиш коэффиценти - Бошланғич, ўрта ва ўрта таълимдан кейинги таълим билан қамраб олишнинг гендер паритети индекси - Ёшларнинг саводлилиқ даражаси (15-24 ёшлилар ўртасида), эркаклар ва аёллар кесимида

Асосий кўрсаткичлар	Минимал кўрсаткичлар
Олий таълим	
<ul style="list-style-type: none"> - Жинс кесимида, олий таълим муассасаларига қабул қилинувчи талабалар фоизи - Жинс кесимида, олий таълим муассасаларига ўқишга кирган талабалар улуши - Олий таълим муассасаларини тамомлаган битирувчиларнинг жинс бўйича улуши - Олий таълим муассасаларига қабул қилинган халқаро талабаларнинг жинси бўйича улуши - Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган чет эллик талабалар улуши - Олий ўқув юртларини битирган чет эллик талабалар улуши - Олий таълим муассасаларини давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида битирувчилар улуши - Олий ўқув юртлари талабаларининг ёши бўйича тақсимоти - Олий ўқув юртлари талабаларининг ҳудудлар бўйича тақсимоти 	<ul style="list-style-type: none"> - 25 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳолининг таълим олиш даражаси, эркалар ва аёллар кесимида (%)
Олий ўқув юртидан кейинги таълим	
<ul style="list-style-type: none"> - Таянч докторантура тадқиқотчилари - Таянч докторантурага қабул қилинувчилар ва битирувчиларнинг жинси кесимидаги сони - Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бораётган мутахассис-тадқиқотчилар сони, жинс кесимида ва фан соҳалари бўйича - Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бораётган мутахассис-тадқиқотчилар сони 	<ul style="list-style-type: none"> - Илмий, муҳандислик, ишлаб чиқариш ва қурилиш ихтисослиги бўйича битирувчилари орасида аёллар улуши - Ўрта таълимдан кейинги таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари орасида аёллар улуши
Мактабдан ташқари таълим	
<ul style="list-style-type: none"> - Мактабдан ташқари ўқитишга асосланган ташкилотлардаги болаларнинг жинс бўйича улуши 	

gender.stat.uz сайти ва бошқа расмий манбаларда келтирилган маълумотлар асосида бу борадаги ҳолатни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.


Демак, мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони тўғрисидаги маълумотлар жинси бўйича, шунингдек, қишлоқ ва шаҳарларда яшовчилар сони бўйича тақдим этилган. Бундай маълумотлар бизга мактабгача таълим муассасаларида уларнинг сони динамикасини йиллар ва яшаш / қатнаш жойлари бўйича таҳлил қилиш ва ўзгартириш имкониятини беради. Биз эса, жинс бўйича улушлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган қаторларни бу жадвалга қўшдик (қуйидаги жадвалга қаранг).

Мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Умумий сони, минг киши	634,1	691,0	732,8	874,3	1115,4	1196,4	1321,4
қиз болалар	304,7	326,9	350,2	412,2	532,7	573,4	637,2
ўғил болалар	329,4	364,1	382,6	462,1	582,7	623,0	684,2
Қизлар улуши, %	48,1	47,3	47,8	47,1	47,8	47,9	48,2
Ўғил болалар улуши, %	51,9	52,7	52,2	52,9	52,2	52,1	51,8
Шаҳар ҳудуди	457,5	486,9	517,2	566,0	674,8	685,3	735,6
қиз болалар	219,2	229,6	246,3	265,5	320,9	326,3	351,5
ўғил болалар	238,3	257,3	270,9	300,5	353,9	359,0	384,0
Қизлар улуши, %	47,9%	47,2	47,6	46,9	47,6	47,6	47,8
Ўғил болалар улуши, %	52,1%	52,8	52,4	53,1	52,4	52,4	52,2
Қишлоқ ҳудуди	176,6	204,1	215,6	308,3	440,6	511,1	585,8
қиз болалар	85,5	97,3	103,9	146,7	211,8	247,1	285,7
ўғил болалар	91,1	106,8	111,7	161,6	228,8	264,0	300,1
Қизлар улуши, %	48,4	47,7	48,2	47,6	48,1	48,3	48,8
Ўғил болалар улуши, %	51,6	52,3	51,8	52,4	51,9	51,7	51,2
Шаҳар ҳудудларида МТМлардаги болалар улуши, %	72,1	70,5	70,6	64,7	60,5	57,3	55,7
Қишлоқ ҳудудларида МТМлардаги болалар улуши, %	27,9	29,5	29,4	35,3	39,5	42,7	44,3

Демак, 2015 йилдан 2021 йилгача мактабгача таълим муассасаларидаги ўғил болалар ва қизларнинг сони деярли икки баравар кўпайганини кўришимиз мумкин (қуйидаги диаграммага қаранг).



Шу билан бирга, агар 2015 йилда шаҳар ва қишлоқлардаги МТМларидаги болалар нисбати 1:3 ни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб шаҳарлардаги МТМларидаги болалар улуши 72,1% дан 55,7% га пасайди, қишлоқ жойларда МТМларидаги болалар улуши эса 27,9% дан 44,3% гача ўсди (қуйидаги жадвалга қаранг).



Шу билан бирга, қишлоқ ва шаҳарлардаги МТМларидаги қизлар ва ўғил болалар нисбати унчалик ўзгармади, бунда алоҳида динамика кузатилмаяпти. Қизлар бўйича 2015 йилда бу кўрсаткич 48,1%, 2021 йилда 48,2% ни ташкил этди. Мос равишда, 2015 йилда ўғил болалар улуши 51,9% ни, 2021 йилда 51,8% ни ташкил этди.


ndsg.stat.uz сайтидаги маълумотларга кўра, мактабгача таълим ва умумий таълим муассасалари педагог кадрларининг сифат таркиби ўзгаришсиз қолди. 2019 йилда МТМ ўқитувчилари ўртасида бироз пасайиш (95,8%) кузатилди, бироқ кейинчалик бу борада барқарор ўсиш кузатилмоқда ва 2021 йилда бу кўрсаткич 98,8% ни ташкил қилмоқда.



Таълим тизимининг кейинги босқичи бошланғич мактаб бўлиб, биринчи синфга қабул қилинган болалар сони тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган ҳолда, биз кичик қиёсий таҳлилни ҳам ўтказишимиз мумкин (қуйидаги жадвалга қаранг).

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
МТМдаги болалар сони, минг киши	634,1	691,0	732,8	874,3	1115,4	1196,4	1321,4
қиз болалар	304,7	326,9	350,2	412,2	532,7	573,4	637,2
ўғил болалар	329,4	364,1	382,6	462,1	582,7	623,0	684,2
Қизлар улуши, %	48,1	47,3	47,8	47,1	47,8	47,9	48,2
Ўғил болалар улуши, %	51,9	52,7	52,2	52,9	52,2	52,1	51,8
Биринчи синфга қабул қилинган ўқувчилар сони	622,5	640,6	630,8	615	616,5	649,1	587,7
қиз болалар	300,2	308,7	303,4	295,4	296,1	310,8	280,5
ўғил болалар	322,3	331,9	327,4	319,6	320,4	338,3	307,2
Қизлар улуши, %	48,2	48,2	48,1	48,0	48,0	47,9	47,7
Ўғил болалар улуши, %	51,8	51,8	51,9	52,0	52,0	52,1	52,3
МТМдаги болалар сонининг биринчи синфга қабул қилинган болалар сонига нисбати	98,2	92,7	86,1	70,3	55,3	54,3	44,5
қиз болалар	98,5	94,4	86,6	71,7	55,6	54,2	44,0
ўғил болалар	97,8	91,2	85,6	69,2	55,0	54,3	44,9

Бу ерда 2021 йилга бориб МТМларда тарбияланаётган ўғил болалар ва қизлар сони ортиб бораётгани, шу билан бирга, 2015-2021 йилларда бошланғич мактабга қабул қилинган ўғил болалар ва қизлар сони камайиб бораётганини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, 2015-2016 йилларда МТМларга қатновчи ва биринчи синфга қабул қилинган болалар сони амалда бир хил – мос равишда 98,2 ва 92,7 фоизни ташкил этмоқда. Кейин узлуксиз пасайиш кузатилмоқда, буни 2015 йилдан 2021 йилгача МТМлардаги ва биринчи синфга қабул қилинган болалар сонининг нисбатидан ҳам кўриш мумкин (2021 йилда 44,5%).



Шунингдек, ўрта таълимни тугатганлар, олий ўқув юртларига ўқишга кирганлар, магистратурада ўқишни давом эттиришга қарор қилган ёки касбий фаолиятни танлаган бакалаврият талабалари сони каби кўрсаткичлар орқали таълимнинг ҳар бир кейинги босқичидаги ўқувчилар/талабалар сонини таққослаш мумкин.

Афсуски, расмий веб-сайтларда таълимнинг ҳар бир босқичидаги одамлар сони тўғрисида маълумотлар топилмади, уларда фақат академик лицей ва коллежлардаги ўқувчилар сони тўғрисидаги маълумотлар келтирилган (қуйидаги жадвалга қаранг). Минимал ва асосий кўрсаткичларнинг аксарияти эркаклар ва аёлларга мос келувчи фоиз кўринишидаги улушлар бўлиб, бу маълумотларнинг миқдорий тавсифи бўлмаган ҳолда, ўз-ўзидан ҳолатни унчалик кенг тасвирлаб беролмайди.

Кўрсаткичлар	2017/ 2018	2018/ 2019	2019/ 2020	2020/ 2021	2021/ 2022
Ўқув йили бошида лицейга қабул қилинган ўқувчилар сони	20,4	18,7	21,7	18,0	16,6
қизлар, минг киши	8,1	6,8	7,6	7,0	6,4


Кўрсаткичлар	2017/ 2018	2018/ 2019	2019/ 2020	2020/ 2021	2021/ 2022
ўсмир ўғил болалар, минг киши	12,3	11,9	14,1	11,0	10,2
қиз болалар улуши, %	39,7	36,4	35,0	38,9	38,6
ўсмир ўғил болалар улуши, %	60,3	63,6	65,0	61,1	61,4
Академик лицейлардаги жами ўқувчилар сони	85,8	71,8	43,2	40,9	35,9
қизлар, минг киши	37,3	29,5	15,7	15,3	13,2
ўсмир ўғил болалар, минг киши	48,5	42,3	27,5	25,6	22,7
қиз болалар улуши, %	43,5	41,1	36,3	37,4	36,8
ўсмир ўғил болалар улуши, %	56,5	58,9	63,7	62,6	63,2
Академик лицейлар битирувчилари сони	32,7	31,6	46,5	16,9	17,3
қизлар, минг киши	14,1	13,9	18,9	6,4	6,8
ўсмир ўғил болалар, минг киши	18,6	17,7	27,6	10,5	10,5
қиз болалар улуши, %	43,1	44,0	40,6	37,9	39,3
ўсмир ўғил болалар улуши, %	56,9	56,0	59,4	62,1	60,7

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотларга асосланиб, 2017 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда ўғил болалар (40%) ва қизларнинг улуши (60%) деярли ўзгармаганлигини кўришимиз мумкин. 2018/2019 ўқув йилида академик лицей битирувчилари орасида қизларнинг улуши нисбатан юқори (44%) ва ўғил болалар улуши (56%) пасайиши кузатилмоқда.

Шу билан бирга, 2017 йилдан буён ўқувчиларнинг умумий сони сезиларли даражада 2 баробардан кўпроқ камайди, бу биринчи навбатда, ўрта таълим тизимининг навбатдаги ислоҳоти ҳамда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мажбурий умумий ўрта таълим тизимига 10 ва 11-синфларнинг ўқув йилига қайтарилиши билан боғлиқ¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон қарори Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишинг: <https://lex.uz/docs/3523206>

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ СОНИ




Ўқитувчилар таркибига келсак, ўқитувчилар сони тўғрисида маълумотлар академик лицей ва коллежлар кесимида келтирилган, ammo умумтаълим мактаблари ёки олий ўқув юртлари ўқитувчилари тўғрисидаги маълумотлар йўқ. Бу эса, афсуски, шу соҳадаги тўлиқ ҳолатни тасаввур қилишга имкон бермайди (қуйидаги жадвалга қаранг).

Кўрсаткичлар	2017/ 2018	2018/ 2019	2019/ 2020	2020/ 2021	2021/ 2022
Академик лицейлардаги ўқитувчилар сони, минг киши	6,9	5,7	3,9	3,7	3,3
аёллар	4,3	3,4	2,2	2,1	1,9
эркаклар	2,6	2,3	1,7	1,6	1,4
хотин-қизлар ҳиссаси, %	62,3	59,6	56,4	56,8	57,6
эркаклар ҳиссаси, %	37,7	40,4	43,6	43,2	42,4
Коллежлардаги ўқитувчилар сони, минг киши	73,1	44,0	17,5	3,7	3,9
аёллар	37,8	22,6	9,4	2,5	2,7
эркаклар	35,3	21,4	8,1	1,2	1,2
хотин-қизлар ҳиссаси, %	51,7	51,4	53,7	67,6	69,2
эркаклар ҳиссаси, %	48,3	48,6	46,3	32,4	30,8


Тақдим этилган маълумотларга асосланиб, 2017 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда академик лицейларда педагогик кадрлар сони қарийб икки баробар қисқарганини кўрамиз, бу эса ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ ҳолатдир.

Шу билан бирга, академик лицейлар ва коллежларнинг ўқитувчилари таркибидаги аёллар улуши 2017 йилдаги 62,3% дан 2021 йилда 57,6 фоизга қисқарди, эркаклар улуши эса, 37,7% дан 42,4% гача ошди (қуйидаги


жадвалга қаранг). Бу борада, лавозимлар, фанлар ва мутахассисликлар бўйича тақсимланган маълумотлар бўлса яхши бўларди, чунки таълим тизимида, одатда, эркеклар раҳбарлик ва маъмурий лавозимларни эгаллайди, аёллар эса, асосан, ўқитувчилик қилади.



Коллежлардаги педагог-ўқитувчилар таркибида эса ҳолат бироз бошқачароқ кўринишга эга. У ердаги ўқитувчилар сони қарийб 95% га – 73,1 минг кишидан 3,9 минг кишига қисқарди. Шу билан бирга, агар 2017 йилда ўқитувчилар таркибидаги эркеклар ва аёллар улуши деярли бир хил бўлган бўлса (51,7% аёллар ва 48,3% эркеклар), 2021 йилда аёллар улуши 69,2% ни, эркеклар улуши эса 30,8% ни ташкил этди.



Шу билан бирга, агар 2017 йилда ўқитувчилар таркибидаги эркеклар ва аёллар улуши деярли бир хил бўлган бўлса (51,7% аёллар ва 48,3% эркеклар), 2021 йилда аёллар улуши 69,2% ни, эркеклар улуши эса 30,8% ни ташкил этди. Шунингдек, ўқитувчиларнинг мутахассисликлар кесимидаги маълумотлар ҳам келтирилмаган.



Энди, олий таълим тизимига ўтамиз. Статистика агентлигининг веб-сайтида минтақалар бўйича тақсимланган ҳолда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг умумий сони тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. **Мутахассислик ва жинслар кесимида келтирилган битирувчилар сони ҳақида маълумот ҳам йўқ.** Бундай маълумотлар ўғил болалар ва қизлар орасида қайси соҳаларда кўпроқ мутахассислар борлиги, ёшлар қайси мутахассисликларни танлаётгани, STEM соҳасида нечта қиз таҳсил олиши ва ҳоказоларни тушуниш имконини беради. nsdg.stat.uz сайти мамлакатимиз бўйича ОТМларда ўқувчилар сони бўйича қуйидаги инфографикани тақдим этади, унда хусусан, 2017 йилдан буён талабалар сони 2,5 баробарга ошганлигини кўриш мумкин ва бу ўсиш динамикасини яққол кўрсатиб беради.




Шу билан бирга, Статистика агентлигининг ўша веб-сайтида ўқишга қабул қилиш, ўқиш ва докторантура битирувчилари ҳақидаги маълумотлар жинс кесимида келтирилган (қуйидаги жадвалга қаранг).

Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021
Олий таълим муассасаларидаги жами талабалар сони, киши	67 400	70 300	70 800	83 900	103 900

Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021
қизлар	25 600	26 900	27 100	37 900	48 600
ўғил болалар	41 800	43 400	43 700	46 000	55 300
қиз болалар улуши, %	38	38	38	45	47
ўғил болалар улуши, %	62	62	62	55	53
Магистратурага қабул қилинадиганлар улуши					
қиз болалар улуши, %	39,6	41,4	42,6	43,4	49,4
ўсмир ўғил болалар улуши, %	62,5	58,6	57,4	56,6	50,6
Кундузги докторантура учун қабул, киши					
қизлар	341	318	403	470	825
ўғил болалар	586	588	610	763	1 175
қиз болалар улуши, %	37	35	40	38	41
ўғил болалар улуши, %	63	65	60	62	59
Кундузги докторантура тадқиқотчилари, киши					
	1 632	1 764	2 247	2 674	3 880
қизлар	584	629	824	1040	1355
ўғил болалар	1048	1135	1423	1634	2525
қиз болалар улуши, %	36	36	37	39	35
ўғил болалар улуши, %	64	64	63	61	65
Кундузги докторантура битирувчилари сони, киши					
	344	308	335	665	874
қизлар	117	114	115	240	331
ўғил болалар	227	194	220	425	543
қиз болалар улуши, %	34	37	34	36	38
ўғил болалар улуши, %	66	63	66	64	62


2017 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда республика бўйича ОТМдаги талабалар сони барқарор ўсиб бормоқда. Хусусан, бу кўрсаткич мос равишда 67,4 минг кишидан 103,9 минг кишигача ортган (қуйидаги диаграммага қаранг).

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАГИ
ТАЛАБАЛАРНИНГ УМУМИЙ СОНИ

2017-2021 йилларда олий таълим муассасаларига ўқишга кирган қизлар улуши мос равишда 38% дан 47% гача ўсган.

Афсуски, биз магистратурага қабул маълумотлари ва неча нафар бакалавр битирувчиси ўқишни давом эттиришга қарор қилгани, қайси мутахассисликлар таклиф қилинганлиги, улар қизлар ва ўғил болалар ўртасида қандай тақсимланганлиги ҳақида маълумот топа олмадик. Фақат магистратурага қабул қилинганларнинг фоиздаги улуши тўғрисида маълумотлар мавжуд, аммо бу соҳада тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш учун биз битирувчиларнинг умумий сонига нисбатан жинс бўйича битирувчиларнинг умумий сонини билишимиз зарур бўлади. Табиийки, бунда ўғил болалар ва қизларнинг нисбати унчалик аҳамиятли эмас. Аммо шунга қарамай, 2017 йилда магистратурага ўқишга қабул қилинган қизлар улуши 39,6 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги йилда бу кўрсаткич 42,6 фоизни ташкил этганини, умуман олганда, ижобий ўсиш тенденциясини кузатаяпмиз.

МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛНИНГ УЛУШИ



Агар 2020 йилда магистратурага ўқишга кирган қизлар улуши ижобий томонга ўзгариб, 43,4% ни ташкил этган бўлса, қабул учун жорий қилинган имтиёزلардан сўнг уларнинг улуши 49,4 фоизга ошиб,

магистратурага кирган ўғил болалар улуши билан деярли тенглашди (қуйидаги диаграммага қаранг). Фикримизча, бундай чора-тадбирлар, масалан, квоталар ва имтиёзлар муайян йўналишларда қўлланилиши керак, бу борада, ҳақиқатан ҳам, муайян мутахассисликлар ёки минтақалар бўйича қизларни магистратурага қабул қилишни қўллаб-қувватлаш зарур. Бу вазиятда гендер статистикаси ёндашувларни ва чора-тадбирларни аниқлаштириш имконини беради. **25 ва ундан катта ёшдаги хотин-қизлар умумий сонининг атиги 13,1 фоизи олий таянч маълумотга эга эканлигини ҳисобга олсак, бизнингча, айнан шу йўналишда тегишли чора-тадбирлар кўриш зарур.**


Демак, 2021 йил бошида жами 103,9 минг талабгордан 2000 нафари докторантурага ўқишга кирди, бу 2 фоиздан сал камроқ. Докторантурадаги тадқиқотчиларнинг умумий сони (ўтган йиллардаги қабулларни ҳисобга олган ҳолда) 3880 нафарни ташкил этади ва бу ўз навбатида, талабалар умумий сонининг 3,7% ини ташкил этади. Бу докторантурада ўринларнинг чекланганлиги билан боғлиқми ёки талабаларнинг тадқиқот ёки илмий фаолиятни давом эттириш истаги бор-йўқлиги билан боғлиқ ёки йўқлиги ҳам номаълум.

Қуйида номзодлик илмий даражаси ва фан докторлари даражасига эга бўлган эркаклар ва аёллар сони тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Илмий даражага эга мутахассислар, улардан:	11 857	11 393	11 092	10 792	10 471	10 442	10 171	9 933	8 729	8 044	8 830
Фан докторлари	2 456	2 224	2 114	2 055	2 111	2 242	2 291	2 528	2 558	2 482	2 919
аёллар	469	417	404	413	413	479	584	707	694	606	757
эркаклар	1 987	1 807	1 710	1 642	1 698	1 763	1 707	1 821	1 864	1 876	2 162
аёллар улуши %	19,1	18,8	19,1	20,1	19,6	21,4	25,5	28,0	27,1	24,4	25,9
эркаклар улуши	80,9	81,3	80,9	79,9	80,4	78,6	74,5	72,0	72,9	75,6	74,1
Фан номзодлари	9 401	9 169	8 978	8 737	8 360	8 200	7 880	7 405	6 171	5 562	5 911
аёллар	2 867	2 946	3 049	2 764	2 708	2 586	2 632	2 412	2 002	1 750	1 962
эркаклар	6 534	6 223	5 929	5 973	5 652	5 614	5 248	4 993	4 169	3 812	3 949
аёллар улуши %	30,5	32,1	34,0	31,6	32,4	31,5	33,4	32,6	32,4	31,5	33,2
эркаклар улуши	69,5	67,9	66,0	68,4	67,6	68,5	66,6	67,4	67,6	68,5	66,8

2014 йилдан 2021 йилгача илмий даражага эга бўлганларнинг умумий сони 15% га – 10 792 дан 8 830 кишига камайганини кўришимиз мумкин. Бунда, фан докторларининг умумий сони кўпайди, фан номзодлари сони эса қисқарди. Фан докторлари орасида хотин-қизлар улуши 5,8% га ошди, фан номзодлари орасида эса деярли ўзгармади (0,6 фоиз).

ИЛМИЙ ДАРАЖАГА ЭГА МУТАХАССИСЛАР



Яна бир кўрсаткич – илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бораётган мутахассис-тадқиқотчилар сони бўйича ҳам қизиқ маълумотларни кўриш мумкин (қуйидаги жадвалга қаранг). Ушбу жадвалга кўра, 2017 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда илмий ёки тадқиқот фаолиятда банд бўлган эркаклар ва аёллар сонини фан соҳалари бўйича тақсимланиши ва уларнинг сонини кўриш мумкин. Албатта, бундай маълумотлар узоқроқ давр бўйича берилганда, янаям яхши бўлар эди, аммо биз мавжуд маълумотларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Мутахассислик	жинси	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Мутахассис-тадқиқотчиларнинг умумий сони, йил бошига кўра	аёллар	13 021	12 898	12 944	12 984	10 184	9 874	12 519
	эркаклар	18 668	19 068	18 916	18 851	16 205	15 437	17 736
Табий фанлар	аёллар	2 554	2 856	2 506	3 157	2 206	2 574	3 059
	эркаклар	4 980	5 535	5 294	5 802	5 072	5 398	6 259
Математика, механика	аёллар	439	456	390	565	387	528	597
	эркаклар	1 339	1 410	1 226	1 371	1 085	1 406	1 235
Физика, астрономия	аёллар	300	265	247	447	230	253	328
	эркаклар	1 063	868	989	1 108	931	835	1 025
Кимё, фармацевтика	аёллар	603	772	685	854	691	727	996
		964	1 175	1 213	1 252	1 110	1 160	1 672
Биология, психофизиология	аёллар	672	687	663	695	484	530	639
	эркаклар	815	786	944	899	774	732	1 003

Мутахассислик	жинси	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Геология-минералогия фанлари	аёллар	440	535	372	420	288	432	417
	эркаклар	647	990	621	817	893	1 070	1 114
География (иқтисодий, ижтимоий ва сиёсийлардан ташқари)	аёллар	100	132	149	176	126	104	82
	эркаклар	152	264	301	355	279	195	210
Техник фанлар	аёллар	1 884	1 519	1 848	1 643	1 141	1 151	1 393
	эркаклар	4 094	3 589	3 888	3 618	3 068	3 012	3 459
Тиббиёт фанлари	аёллар	2 149	2 194	2 184	2 176	2 105	2 069	2 628
	эркаклар	1 641	1 677	1 714	1 828	1 893	1 717	1 970
Қишлоқ хўжалиги фанлари	аёллар	520	570	632	607	391	430	427
	эркаклар	1 584	1 717	1 694	1 641	994	1 128	927
Ижтимоий фанлар	аёллар	2 569	2 546	2 285	2 006	1 595	1 894	2 508
	эркаклар	3 166	3 306	3 241	3 176	2 540	2 747	3 270
Иқтисод (қишлоқ хўжалиги иқтисодиётидан ташқари)	аёллар	899	901	632	686	549	768	997
	эркаклар	1 247	1 359	1 694	1 317	855	1 142	1 481
Юридик фанлар	аёллар	174	145	128	177	89	116	70
	эркаклар	267	313	225	287	197	213	121
Педагогик фанлар	аёллар	1 081	983	942	684	680	736	1 143
	эркаклар	1 121	1 154	1 325	1 021	993	881	1 233
Психология (психофизиологиядан ташқари)	аёллар	237	253	225	212	98	94	133
	эркаклар	138	155	145	132	110	120	117
Бошқа ижтимоий фанлар	аёллар	178	261	225	104	179	180	165
	эркаклар	393	309	269	244	385	391	318
Гуманитар фанлар	аёллар	3 345	3 213	3 489	3 395	2 337	1 756	2 504
	эркаклар	3 203	3 244	3 085	2 786	2 153	1 435	1 851
Тарих	аёллар	555	533	408	397	321	257	347
	эркаклар	948	941	828	714	624	411	552
Фалсафа	аёллар	276	339	253	224	149	140	204
	эркаклар	401	432	415	344	241	224	212
Филология	аёллар	2 024	1 935	2 394	2 396	1 615	1 197	1 795
	эркаклар	1 431	1 394	1 417	1 308	1 004	578	869
Санъатшунослик, архитектура назарияси ва тарихи	аёллар	490	405	434	378	252	162	158
		423	475	425	420	284	222	218


Демак, табиий фанлар соҳасида эркаклар аёлларга қараганда икки баробар кўп, хусусан, математика бўйича – 2,5; физика ва астрономия бўйича – 3 баробар, кимё ва фармацевтика бўйича – 2,5 баробар кўп. Шунга ўхшаш ҳолат илм-фаннинг аксарият қисмида кузатилади. Бундай ўзгаришларни бир вақтнинг ўзиде бир нечта омилларнинг таъсири билан изоҳлаш мумкин. Бундай омилларга иш ўринлари сони, меҳнат бозоридаги талаб, муносиб иш ҳақи, илмий тадқиқотларни молиялаштириш, айти иختисослик бўйича шу фанга ва йўналишга қизиқиш ва интилиш кабиларни киритиш мумкин.

Аммо тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи ва тажрибавий ишланмаларга эга бўлган аёллар эркакларга қараганда кўпроқ фанлар ва мутахассисликлар ҳам бор. Аввало, бу тиббиёт. Бу соҳада аёллар эркаклардан 1,5 баробар кўп. Гуманитар фанга оид илмий соҳаларда аёллар улуши 57,5%, филологияда эса, аёллар улуши 67,4%. Педагогика фанларида эркаклар ва аёллар деярли тенг нисбатда – 48% аёллар ва 52% эркаклар илмий фаолият олиб боришмоқда.


Йиллар бўйича илм-фаннинг турли соҳаларида эркаклар ва аёллар нисбатидаги ўзгаришлар динамикасини кузатиш ҳам қизиқ. Масалан, геология ва минералогия соҳасидаги аёл тадқиқотчилар улуши 2017 йилда 40,5 фоиз бўлган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 27,2% гача камайди (қуйидаги диаграммага қаранг).



Санъатшунослик, меъморчилик назарияси ва тарихи бўйича тадқиқотларда эркаклар ва аёлларнинг иштирокига келадиган бўлсак, 2017 йилда улардаги аёллар улуши 53,7% ни, эркаклар улуши эса 46,3% ни ташкил этган бўлса, 2021 йилда аёллар улуши 42% гача камайиб, мос равишда эркаклар улуши 58% гача кўтарилди.




Шунингдек, эркеклар ва аёллар сонининг ўзгариш динамикасига эътибор қаратсангиз, уларнинг айрим соҳалардаги иштироки кўрсаткичлари ўзгаришини кўриш мумкин. Масалан, кимё ва фармацевтика соҳасида илмий ва тадқиқот фаолиятига жалб этилган эркеклар ва аёллар сони муттасил ортиб бормоқда (қуйидаги диаграммага қаранг).



Аммо шундай фанлар ҳам борки, уларда тадқиқотчи аёллар ҳам, эркеклар ҳам камайиб бормоқда (қуйидаги диаграммага қаранг).

ЮРИДИК ФАНЛАР



Юқорида келтирилган гендер статистик маълумотлари шуни кўрсатадики, аёлларни илм-фанга жалб қилишда, шунингдек, гендер номутаносибликни бартараф этиш учун фаннинг қайси соҳаларида гендер тафовут борлигини аниқ билиш ва бу соҳаларга аёлларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик

Гендер асосидаги зўравонлик эркаклар томонидан ҳам, аёллар томонидан ҳам амалга оширилади. Бугунги кунда гендер асосидаги зўравонлик бўйича тадқиқотлар эркаклар томонидан аёлларга нисбатан содир этилган зўравонликка кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ушбу бўлимда биз, асосан, муаммонинг ушбу томонини кўриб чиқамиз.

Пекин Ҳаракатлар платформасида “аёлларга нисбатан зўравонлик” атамаси аёлнинг жисмоний, жинсий ёки руҳий саломатлиги ёки азобланишига олиб келувчи ёки етказиши мумкин бўлган ҳар қандай гендер асосидаги зўравонлик ҳаракатини, шунингдек, бундай ҳаракатлар таҳдидини, ҳам ижтимоий, ҳам шахсий ҳаётдаги мажбурий ёки ихтиёрий озодликдан маҳрум қилиш ҳаракатларини англатади (БМТ, 1995а).

Ушбу таъриф оилада содир бўлувчи кўплаб зўравонлик ҳолатлар (қалтаклаш, оилада қизларга жинсий зўравонлик қилиш, сеп-сидирға билан боғлиқ зўравонлик, эр томонидан хотинга зўравонлик қилиш, зўравонликнинг аёлларга зарар етказувчи анъанавий шакллари, никоҳсиз яшаган ҳолда зўравонлик қилиш ва аёлларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ зўравонлик)ни ўз ичига олади. Шунингдек, оилавий

муносабатлардан ташқари аёлларга нисбатан жисмоний, жинсий ва руҳий зўравонлик, жумладан, зўрлаш, жинсий мажбурлаш, ишда, мактабда ва бошқа жойларда жинсий тазйиқ ва қўрқитиш, аёллар савдоси ва фоҳишалikka мажбурлаш кабиларни ҳам буларга мисол қилиш мумкин. Бу таъриф, шунингдек, қаерда содир бўлишидан қатъи назар, давлат ёки унинг розилиги билан амалга оширилган жисмоний, жинсий ва руҳий зўравонликни ҳам ўз ичига олади.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик хотин-қизлар ҳуқуқларининг бузилиши бўлиб, бундай ҳолатлар уларни яшаш ва шахсий хавфсизлик, жисмоний ва руҳий саломатликнинг энг юқори даражасига эришиш, таълим, меҳнат ва уй-жой олиш, жамоат ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқи каби асосий эркинликлари ва ҳуқуқларидан маҳрум қилади. Аёлларга нисбатан зўравонлик қўлланилганда бундай ҳуқуқ ва эркинликларни узоқ вақтдан бери ҳимоя қилиш ва тарғиб қилишнинг муваффақиятсизлиги барча давлатларни ташвишга солмоқда ва бу муаммо дарҳол ҳал қилиниши зарур¹.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик аёлларнинг ўзи учун ҳам, оиласи, жамияти ва мамлакати учун ҳам салбий иқтисодий оқибатларга олиб келади. Бу зўравонликни бошидан кечирган шахсларнинг оила ва жамиятга, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга самарали ҳисса қўшиш қобилиятини пасайтиради; ижтимоий ресурслар, адлия тизимлари, тиббиёт муассасалари ва иш берувчиларга билвосита зарар етказди, зўравонликни бошидан кечирганлар, уларнинг фарзандлари ва ҳатто зўравонлик содир этганларнинг умумий таълим даражасини пасайтиради.

Ушбу бўлимда биз Пекин Ҳаракатлар платформаси тавсиялари асосида ишлаб чиқилган ва БМТ томонидан тасдиқланган гендер кўрсаткичларига таянамиз, булар:

- рўйхатга олинган маиший зўравонлик ҳолатлари сони;
- қайд этилган жинсий зўравонлик ва зўрлаш ҳолатлари сони;
- қайд этилган жинсий тазйиқ ҳолатлари сони;
- аёлларга тажовуз қилганликда айбланаётган шахсларнинг зўравонлик ҳаракати учун судланганлик коэффициенти;
- жабрланган аёлларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш бўйича чоратадбирлар сони (бу чоралар ҳуқуқий, молиявий ва психологик ёрдам, бошпана, ички ишлар органлари ходимлари аралашуви, ННТ фаолияти кабиларни ўз ичига олади).

Статистика агентлиги веб-сайтнинг (gender.stat.uz) Минимал кўрсаткичлар менюси “Ҳуқуқ” бўлимида қуйидаги масалалар бўйича маълумотлар (шу жумладан, 2022 йил учун) келтирилган:

- жинсий ва/ёки жисмоний зўрланишга дучор бўлган аёллар улуши;
- яқин шерик ҳисобланмаган шахслар томонидан жинсий зўрланишга дучор бўлган аёллар, 15 ёшли ва ундан катталар (15 – 49 ёшдаги аёллар) улуши;

¹ Гендер статистикасини ишлаб чиқиш: амалий қўлланма. БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси – 126-б.

- 20 – 24 ёшда турмуш қурган аёллар сонидан 18 ёшга тўлмасдан қонуний ёки ноқонуний турмуш қурган аёллар улуши;
- ўсмир қизлар орасида эрта туғруқлар фоизи;
- ҳомиладорлик ва туғиш нафақалар манбалари тўғрисида маълумотлар;
- ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари давомида нафақа олган фуқаролар сони.

Афсуски, рўйхатга олинган оилавий зўравонлик ҳолатлари ҳақида маълумот тўплаш жуда қийин. Бу, аввало, ҳуқуқ тизимимизнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ, биринчидан, оиладаги (маиший) зўравонлик тушунчаси мавжуд эмаслиги, иккинчидан, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик жиноят деб ҳисобланмаганлигидир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига инсоннинг ҳаёти, соғлиғи ва жинсий эркинлигига тажовуз қилиш учун бир қатор жиноятлар назарда тутилган, лекин оиладаги зўравонлик бу рўйхатга киритилмаган.

“Хотин-қизларни тазйиқ ва ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда аёлларга нисбатан зўравонликнинг 4 тури кўзда тутилган бўлса-да, Жиноят кодексига бу зўравонлик турларининг ҳар бирини содир этганлик учун жавобгарлик кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Жиноят кодексига ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-модда); ўзини ўзи ўлдиришга ундаш (103¹-модда); қасддан баданга шикаст етказиш (104-105, 109-моддалар); қийнаш (110-модда); ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (112-модда); номусга тегиш (118-модда); жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (119-модда); аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-модда); туҳмат (139-модда); ҳақорат қилиш (140-модда); фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш (141-модда) каби жиноятлар учун жазо тайинланиши кўзда тутилган. Одатда, оиладаги зўравонликни содир этган шахслар юқоридаги моддалардан бири бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Лекин gender.stat.uz сайти маълумотларига кўра, аҳоли миқёсида зўравонликка учраган аёллар сони жуда оз сонда келтирилган (қуйидаги жадвалга қаранг¹). Бу маълумотлар Ички ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган ва фақат Жиноят кодексининг 118 ва 119-моддалари бўйича қўзғатилган ишлар сони тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

15 ёшидан бошлаб яқин шериги бўлмаган шахслар томонидан жинсий зўравонликка учраган хотин-қизлар (15-49 ёшдагилар) сони¹ (киши)

Давр	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Республика бўйича	272	227	189	108	81	113	161	183
Қорақалпоғистон Республикаси	21	18	18	15	3	9	4	7

¹ Ички ишлар вазирлиги маълумоти. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118 ва 119-моддалари

² Ички ишлар вазирлиги маълумоти.

15 ёшидан бошлаб яқин шериги бўлмаган шахслар томонидан жинсий зўравонликка учраган хотин-қизлар (15-49 ёшдагилар) сони¹ (киши)

Давр	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Андижон вилояти	12	9	12	4	2	7	8	9
Бухоро вилояти	25	22	24	8	7	12	10	8
Жиззах вилояти	12	11	3	3	–	4	8	6
Қашқадарё вилояти	–	–	–	4	11	9	11	14
Навоий вилояти	11	13	8	3	3	2	9	6
Наманган вилояти	12	12	15	3	5	2	5	17
Самарқанд вилояти	47	41	27	25	15	26	21	26
Сурхандарё вилояти	13	8	7	4	6	7	7	12
Сирдарё вилояти	4	6	8	2	2	2	7	5
Тошкент вилояти	53	38	30	15	10	8	38	32
Фарғона вилояти	18	14	15	5	9	9	15	15
Хоразм вилояти	14	12	8	4	6	3	5	7
Тошкент шаҳри	30	23	14	13	2	13	13	19

Аммо, агар биз чиқарилган ҳимоя ордерлари сони ҳақидаги маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак (бугунги кунда бу маълумотлар ҳам очиқ эмас), бу борада биз бошқача манзарани кўрамиз.

2021 йилда республика бўйича Ички ишлар вазирлиги органларига ҳимоя ордерларини олиш учун 39 минг нафар, 2020 йилда 14774 нафар фуқаро мурожаат қилган (қуйидаги жадвалга қаранг).


Ҳимоя ордери оиладаги зўравонлик ҳолатлари сонини аниқлаш учун ишлатилиши мумкин. Тўғри, бу ҳолатларнинг барчаси аёлларга нисбатан зўравонликка тааллуқли эмас, муайян қисми эркакларга ҳам берилган (асосан, кексаликда, турмуш ўртоқлардан бирининг ота-онасига).

Шунчалик кўп миқдордаги ҳимоя ордерлари чиқарилган бўлса-да, уларнинг жуда оз қисми жиноий судгача етиб борган холос.


Т/р	Кўрсаткичлар номи	Давр	Умумий сони
1	Ҳимоя ордери олган хотин-қизлар сони	2021	39 343
		2020	14 774
1.1	вояга етмаганлар	2021	378
		2020	125
1.2	ёшлар (18-30 ёш)	2021	9 861
		2020	3 810
2	Зўравонлик содир бўлган жой	2021	39 343
		2020	14 774

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Давр	Умумий сони
2.1	оила	2021	34 330
		2020	13 233
2.2	кўча	2021	3 557
		2020	962
2.3	жамоат жойи	2021	917
		2020	425
2.4	таълим муассасаси	2021	67
		2020	18
2.5	ишхона	2021	427
		2020	136
3	Ҳимоя ордери олган шахслар сони	2021	39 343
		2020	14 774
3.1	эрдан ҳимоя қилиш учун хотинга	2021	26 667
		2020	10 785
3.2	қайнонадан ҳимоя қилиш учун келинга	2021	1 128
		2020	367
3.3	келиндан ҳимоя қилиш учун қайнонага	2021	1 559
		2020	617
3.4	бошқаларга	2021	9 989
		2020	3 005
4	Тазйиқ ва зўравонлик турлари	2021	39 949
		2020	14 813
4.1	жисмоний зўравонлик	2021	13 658
		2020	6 836
4.2	жинсий зўравонлик	2021	106
		2020	95
4.3	иқтисодий зўравонлик	2021	234
		2020	121
4.4	Психологик зўравонлик	2021	18 777
		2020	6 281
4.5	Тазйиқ	2021	7 174
		2020	1 480
5	Яқунига етган ҳимоя ордерлари	2021	35 151
		2020	185
6	Ҳимоя ордери олишда рад этилган ҳолатлар	2021	905
		2020	287

2021 йилнинг 12 ойида Ички ишлар вазирлиги томонидан аёлларга нисбатан 39 343 та зўравонлик ҳолатлари қайд этилган бўлиб, улар жумласига руҳий зўравонлик (18 777 та), жисмоний зўравонлик (13 658 та), иқтисодий зўравонлик (234 та), жинсий зўравонлик (106 та) ва тазйиқ ўтказиш ҳолатларини (7,174) киритиш мумкин.



Статистик маълумотларга кўра, оилада 34 минг 330 та маиший зўравонлик содир этилган бўлиб, уларнинг 26 минг 667 таси эр томонидан хотинларига нисбатан содир этилган. 2020 йил билан солиштирганда, тақдим қилинган ҳимоя ордерлари сони (14774 та) икки бараварга кўпайган, бу бир томондан аёлларга нисбатан зўравонлик намоён бўлиши кўпайганлигини, иккинчи томондан эса, ИИБ ходимлари томонидан оиладаги зўравонлик ҳолатларининг олдини олишдаги саъй-ҳаракатлари кучайганлигини билдиради (қуйидаги диаграммага қаранг).



Ички ишлар вазирлигининг 2020-2021 йилларда берилган ҳимоя ордерлари бўйича расмий маълумотларига кўра, ҳимоя ордерларини бериш учун ҳар икки йилда мос равишда 5 071 ва 21 947 та зўравонлик ва тазйиқдан жабр кўрган шахсларнинг аризалари асос бўлган.

Ҳимоя ордерлари бўйича статистик маълумотларга кўра, оиладаги зўравонлик, жумладан, руҳий, жисмоний ва жинсий зўравонлик содир этилаётганига қарамай, Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2021 йилда атиги 94 нафар аёл яқин шериги томонидан зўравонликка учраган. Қуйидаги жадвалда яқин шерик ҳисобланмаган шахслар томонидан зўравонликка учраган аёллар сони тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Шуни тушуниш керакки, биз фақат жиноий иш қўзғатилган рўйхатга олинган ҳолатлар ҳақида сўз юритмоқдамиз. Аммо қанча аёллар одамларнинг гапириши ва танқидидан қўрқиб, қолаверса, ёрдам сўраб мурожаат қилган органлар томонидан иккинчи даражали жабрдийда бўлмаслик мақсадида, бундай зўравонлик ҳақида хабар бермайдилар.

Яқин шериги томонидан жисмоний ва/ёки жинсий зўравонликка учраган хотин-қизлар (15-49 ёшдагилар) сони¹⁾ (киши)

Давр	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Республика бўйича	272	227	189	108	81	113	161	183
Қорақалпоғистон Республикаси	21	18	18	15	3	9	4	7
Андижон вилояти	12	9	12	4	2	7	8	9
Бухоро вилояти	25	22	24	8	7	12	10	8
Жиззах вилояти	12	11	3	3	–	4	8	6
Қашқадарё вилояти	–	–	–	4	11	9	11	14
Навоий вилояти	11	13	8	3	3	2	9	6
Наманган вилояти	12	12	15	3	5	2	5	17
Самарқанд вилояти	47	41	27	25	15	26	21	26
Сурхандарё вилояти	13	8	7	4	6	7	7	12
Сирдарё вилояти	4	6	8	2	2	2	7	5
Тошкент вилояти	53	38	30	15	10	8	38	32
Фарғона вилояти	18	14	15	5	9	9	15	15
Хоразм вилояти	14	12	8	4	6	3	5	7
Тошкент шаҳри	30	23	14	13	2	13	13	19

Жинсий зўравонликка келсак, бизда бу борада ҳам маълумот йўқ, чунки миллий қонунчиликда жинсий зўравонлик тушунчаси мавжуд эмас, шунинг учун бу борада маълумотлар юритилмайди.

Худди шундай, хотин-қизларга тажовуз қилишда айбланган зўравонлик учун судланган шахсларнинг коэффиценти ҳақида ҳам очиқ маълумотлар йўқ.

Жабрланган аёлларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш бўйича чоратadbирлар, жумладан, кўрсатилган ҳуқуқий, молиявий ва психологик ёрдам, берилган бошпана, ички ишлар ходимлари аралашуви, ННТ фаолияти каби кўрилган чоралар ҳақида очиқ маълумотлар мавжуд эмас. Бугунги кунда давлат зўравонликдан жабр кўрган шахсларга бепул юридик ёрдам кўрсата олмайди. Айни пайтда республикада Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштиришга ихтисослашган 29 та марказ фаолият юритади. Улар хотин-қизларга ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатишлари керак, бироқ яқинда реабилитация марказлари ходимлари учун ўтказилган тренинглар шуни кўрсатдики, бугунги кунда мамлакатимизда давлат хизматлари ва соҳалараро ёндашувлар ўртасида мувофиқлаштириш йўқлиги сабабли, улар зўравонлик ҳолатларида ҳар томонлама ҳимояни таъминлай олмайдилар. Реабилитация марказлари

¹ Ички ишлар вазирлиги маълумотлари

зўравонликдан жабр кўрган шахсларни фақат ҳимоя ордери (агар мавжуд бўлса) муддати давомида вақтинчалик бошпана ва озиқ-овқат билан таъминлайдилар. 30 кунлик муддат тугагандан сўнг, зўравонликдан жабр кўрган шахслар реабилитация марказидан кетишлари керак бўлади. Ҳозирда фақат ННТ ташкил қилган бошпаналар (“Ойдин Нур” каби) зўравонликдан жабр кўрган шахсларни яшаш муддатини чекламаган ҳолда қабул қиладилар, грант лойиҳалари орқали ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатадилар.

Шундай қилиб, гендер статистикаси асосида гендер сиёсатининг энг муаммоли йўналишларини аниқ белгилаш, устувор вазифаларни аниқлаб олиш ва гендер тафовутини бартараф этиш бўйича янада аниқроқ тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин.

4.3. ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Юқорида таъкидланганидек, гендер статистикаси соҳасида тўпланган анча яхши тажрибага қарамай, жадал ривожланаётган халқаро амалиёт ва хорижий тажриба, гендер ҳолатига таъсир этувчи янги омилларни ҳисобга олган ҳолда, гендер статистикаси, унинг ҳуқуқий асослари ва шакллантириш механизмларини доимий равишда такомиллаштириш зарурати мавжуд.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда тенг имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунда гендер статистикасига оид қатор қоидалар мавжуд. Ушбу қонунга кўра, гендер статистикасини шакллантириш давлат органларининг ваколатларидан бири ҳисобланади.



13-МОДДА. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИЯТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

“...жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар тўғрисидаги статистик маълумотларни ва ахборотни мунтазам равишда йиғишни ҳамда таҳлил қилишни таъминлайди”.

1-ТАВСИЯ

13-Модда бўйича, биз гендер статистикасини тўплашни нафақат ваколат, балки давлат органларининг мажбуриятларидан бири сифатида белгилашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”¹ги қонунида ҳам гендер статистикасига оид моддалар бор.



16-МОДДА. ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар, шунингдек, зўравонлик содир этган ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ягона электрон маълумотлар базасига киритилади.

15-МОДДА. ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, УЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА УЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИШНИНГ УМУМИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

“...хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳоллариининг статистик ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда уларни давлат статистика органларига тақдим этиш;..”

Қонунчиликка мувофиқ, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари тўғрисида ягона электрон маълумотлар базаси яратилиши назарда тутилган. Бироқ бундай маълумотлар базаси очиқ манбаларда йўқ. Бундай базани яратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”²ги қарорида ҳам кўзда тутилган.



“Маиший зўрлик ишлатиш, шу жумладан:

- маиший зўрлик ишлатиш жабрдийдалари;
- маиший зўрлик ишлатган ва шунга мойил шахслар;
- маиший зўрлик ишлатилиши жабрдийдалари томонидан олинган ёрдам ва хизматлар;
- маиший зўрлик ишлатилиши фактлари тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва
- бошқа органларга қилинган мурожаатлар сони ҳақидаги хабарлар баён этилган маълумотлар ягона базасини шакллантириш.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 561-ЎРҚ сонли қонуни

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3827-сонли қарори. Ҳужжат матни билан ушбу ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/docs/3804821>

2-ТАВСИЯ

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш ва ҳеч бўлмаганда Ўзбекистоннинг халқаро органларга тақдим этиладиган ҳисоботларини тайёрлаш билан шуғулланувчи тегишли органлар учун бу базанинг очиклигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда бир нечта идоралар хотин-қизларни зўравонлик ва тазйиқдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларидан келиб чиққан ҳолда бундай статистикани олиб боради, бироқ қонун **ягона маълумотлар базасини назарда тутди.**

Қонунларга қўшимча равишда, бир қатор қонуности ҳужжатларида гендер статистикасига оид қоидалар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”¹ги қарори билан БМТнинг 54 та минимал **гендер кўрсаткичи тўплами** жорий қилинди.

Ушбу қарорнинг иловасида “Gender.stat.uz” веб-сайтига жойлаштирилиши лозим бўлган минимал гендер кўрсаткичлар ва бошқа маълумотлар рўйхати келтирилган.

3-ТАВСИЯ

Ушбу рўйхатни кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, барча кўрсаткичлар ҳам Ўзбекистон учун долзарб эмас. Бу рўйхат БМТнинг гендер кўрсаткичларини минимал тўплами асосида бўлиб, у дунёнинг барча мамлакатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Масалан, 50-кўрсаткич – “Аёл жинсий аъзоларини кесиш/хатна қилишда организмга жиддий зарар етказувчи операцияларнинг тарқалиши” аёллар жинсий аъзоларини кесиш мавжуд бўлган Африка учун ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда бундай амалиёт мавжуд эмаслиги сабабли, ушбу кўрсаткич (Аёл жинсий аъзоларини кесиш/хатна қилишда организмга жиддий зарар етказувчи операцияларнинг тарқалиши) бу рўйхатдан олиб ташланиши зарур.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини² ҳам таъкидлаб ўтамиз.

Ушбу қарорга мувофиқ, реабилитация марказлари ҳудудий ички ишлар ҳамда тиббиёт бўлинмаларига тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, шунингдек, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар ҳақида зудлик билан хабар беради. **Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари ички ишлар**

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4235-сон қарори асосида Ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/docs/4230944>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5116-сонли қарори. Ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/uz/docs/5426644>

органларига тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёхуд ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар ҳамда уларнинг фарзандлари марказларга келиб тушиш сабаблари, шунингдек, уларга кўрсатилган ёрдамлар тўғрисидаги **статистик-таҳлилий маълумотларни** ҳар ойнинг якуни билан киритиб боради.

Шунингдек, бу борада **Оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини** эслатиб ўтиш ўринли бўлади¹. Ушбу концепция доирасида, “Оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ифодаловчи ҳамда уларнинг ҳаёти ва фаолиятининг асосий тенденцияларини акс эттирувчи статистика кўрсаткичлари тизимини такомиллаштириш” унинг вазифаларидан бири сифатида эътироф этилган. Унга кўра, “Ўзбекистонда оила” статистик тўпламини нашр этиш ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари, унда бу концепцияни амалга ошириш кўрсаткичлари ҳам белгилаб қўйилган.



Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси

Оилани мустаҳкамлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва Ўзбекистонда янги оила моделини шакллантиришга қаратилган қуйидагилар мазкур Концепцияни амалга ошириш самарадорлигининг кўрсаткичлари бўлади:

- фарзанд тарбиясида оиланинг жавобгарлигини ошириш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, сақлаш ва ривожлантириш, оила аъзоларининг ҳуқуқларига риоя қилиш;
- оилаларда тинч, дўстона ва аҳиллик муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларга аниқ мазмун бахш этиш;
- оила институти соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг аниқ мақсадга қаратилганлигини ҳамда долзарблигини таъминлайдиган тизимни жорий қилиш ва тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллаш;
- оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, оилалар фаровонлигини ҳамда тинч-тотувлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш;
- оилаларга таъсирчан, сифатли, услубий ва консултив ёрдам бериш ҳамда оғир турмуш шароитида, уларнинг оилавий муаммоларини ҳал қилишда амалий ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими самарадорлигини ошириш;
- амалий ва инновацион тадқиқотлар натижалари асосида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳамда оилалардаги низолар ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича таълим тизимини такомиллаштириш;
- ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли вазиятларни ҳал қилиш, ажрашишларнинг олдини олиш соҳасида, шунингдек, оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича кадрлар малакасини оширишнинг самарали шакллари жорий этиш;

¹ Ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/docs/3797625>

- жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлашда, мустаҳкам оилаларни шакллантиришда, соғлом фарзандлар туғилишида, соғлом турмуш тарзига амал қилишда, боланинг оилада яшаш ва тарбия олиш ҳуқуқини таъминлашда, баркамол авлодни тарбиялашда, муносиб кексаликни таъминлашда оиланинг ўрни ва ролини ошириш.

Бироқ юқоридаги кўрсаткичлар аслида кўрсаткичлардан кўра кўпроқ Концепциянинг кутилаётган натижалари ёки мақсадларига ўхшайди. Кўрсаткичлар аниқроқ ва тушунарлироқ белгиланиши, сифат ва миқдор бўйича кўрсаткичларга бўлиниши ҳамда унда назарда тутилган ҳар бир фаолият тури бўйича “Йўл харитаси”да кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

4-ТАВСИЯ

Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини амалга ошириш бўйича кейинги “Йўл хариталари”да алоҳида “Кўрсаткичлар” рукни киритилиши ва бу кўрсаткичларнинг аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Унга кўрсаткичлар сифатида қуйидаги сифат ва миқдор бўйича кўрсаткичларни киритиш мумкин

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР:

1. оилавий ва касбий масъулиятни уйғунлаштириш учун шароитлар мавжудлиги;
2. оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича махсус стратегиянинг мавжудлиги;
3. оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича медиа-режанинг мавжудлиги;
4. оилани мустаҳкамлаш масалалари ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш дастурлари мавжудлиги;
5. ёшларни оила ва оилавий муносабатларга тайёрлаш учун таълим дастурлари мавжудлиги.

МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР:

1. ёш оилалар сони;
2. шаҳар ва қишлоқ жойларида рўйхатга олинган никоҳлар ва ажралишлар сонларининг нисбати;
3. тўлиқ бўлмаган (ота ёки она бўлмаган) оилалар сони;
4. ижтимоий нафақалар билан қамраб олинган муҳтож оилалар сони;
5. оналар ўлими;
6. чақалоқлар ўлими;
7. аёл ва эркак бепуштлиқ ҳолатларининг нисбати (ажралиш сабабларидан бири сифатида);
8. ёш болали иш билан банд аёллар сони;
9. мактабгача таълим муассасалари сони;
10. шахсий уй-жой билан таъминланиш даражаси;

11. маиший зўравонлик ҳолатлари сони;
12. оила институти ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган ахборот-тарғибот тадбирлари сони;
13. оилавий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш бўйича ижтимоий-психологик хизматлар сони;
14. оилавий ҳаётга тайёргарлик кўриш курсларини тамомлаганлар сони;
15. оилавий психологлар сони.

Ушбу рўйхат тўлиқ эмас ва фақат аниқроқ кўрсаткичларни ишлаб чиқиш учун намуна бўлиб хизмат қилади.

5-ТАВСИЯ

“gender.stat.uz” асосида гендер статистикасини инфографика, диаграмма ва жадваллар ёрдамида тақдим этувчи интерактив гендер хариталарини яратиш мақсадга мувофиқ.

Интерактив гендер харитасида мамлакат ҳудудларидаги гендер ҳолати, маиший зўравонлик ҳолатлари ва бошқа маълумотлар бўлиши мумкин.

Харитага асосланиб, маълум бир минтақада маиший зўравонлик даражасини баҳолаш мумкин бўлади. Уни қизил (зўравонликнинг юқори даражаси), сариқ (нисбатан ўртача) ва яшил (бошқа ҳудудларга нисбатан паст даража) ҳудудларга ажратиш мумкин.

Худди шундай ҳудудларни аёллар тадбиркорлигининг ривожланиш даражаси, умуман, аёллар бандлиги ва бошқа мезон/кўрсаткичлар бўйича ҳам ажратиш мумкин.

Яна бир муаммо – **KPI** (самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичи) **тизимини жорий этишдан келиб чиқадиган манфаатлар тўқнашуви.** Бунда, маҳалла вакиллари оилаларни сақлаб қолиш ва ажримларнинг олдини олишдан, ички ишлар инспекторлари эса жабрланувчиларни ҳимоя қилиш учун ҳимоя ордерлари беришдан манфаатдор бўладилар. Маҳалланинг KPI кўрсаткичи ажрашиб кетишининг олди олинган оилалар сонига, инспекторларнинг KPI мезони эса, чиқарилган ордерлари сонига боғлиқ бўлади. Натижада гендер қонунчилигини амалга ошириш билан шуғулланувчи тузилмалар ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келади, бу эса гендер статистикасининг бузилишига олиб келади ва бу, ўз навбатида, гендер сиёсати соҳасида нотўғри қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Гендер сиёсати ва умуман, ижтимоий сиёсат самарадорлигини баҳолаш учун KPI тизимини қўллаш масаласини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ кўринади. KPI тизими дастлаб бизнес соҳасини баҳолаш учун ишлаб чиқилган ва ундан ижтимоий сиёсатни баҳолаш мақсадида фойдаланиш, афсуски, статистик маълумотларнинг бузилишига олиб келади. У ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилиши ёки ижтимоий сиёсатга баҳо берадиган бошқа тизим яратилиши керак.



V БОБ.

ҚОНУНЧИЛИК ВА
ГЕНДЕР СИЁСАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
ЗАРУРИЙ ВОСИТАСИ
СИФАТИДАГИ ГЕНДЕР
СТАТИСТИКАСИ

5.1. ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ТАЪСИРНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИДАГИ ВОСИТА СИФАТИДА

Ҳуқуқий амалиётдаги нисбатан янги тартиблардан бири қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш бўлди. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги” қонунига мувофиқ, қонун ҳужжатларининг **тартибга солиш таъсирини баҳолаш** норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни ва унинг тартибга солиш мақсадларига эришилишини, шунингдек, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солувчи муносабатларга таъсирининг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборатдир¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5025-сонли қарори билан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди².

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш муаммони, уни ҳал этиш йўллари, тартибга солиш мақсадини таҳлил қилиш орқали лойиҳани ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатлар, шу жумладан, манфаатдор томонлар асоссиз харажат қилиши, ортиқча мажбурият юклаши, тақиқ ва чекловлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Қуйидагиларга таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади:

- тадбиркорлик фаолиятига;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига;
- атроф муҳитга.

Мазкур амалиётнинг жорий этилгани қонунчиликни такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди. Бироқ тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг миллий тизими, масалан, Европа Иттифоқи ёндашувидан фарқли ўлароқ, **гендер компонентига алоҳида эътибор қаратмайди**. Бироқ ҳозирда гендер сиёсатининг роли ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, тартибга солиш таъсирини баҳолаш жараёнида гендер масалаларини ҳисобга олиш муҳим ўрин тутади. Тартибга солиш

¹ Бу қонун матни билан қуйидаги ҳаволада танишинг: <https://lex.uz/ru/docs/5378966>.

² Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишинг: <https://lex.uz/ru/docs/5331912>.

таъсирини баҳолашнинг ҳар бир соҳаси, хоҳ у тадбиркорлик фаолиятига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига ёхуд атроф муҳитга тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг лойиҳалари бўлсин, улар гендер масалалари билан боғлиқликни назарда тутди.



Европа Иттифоқи ёндашувига¹, **гендер таъсирини баҳолаш** қонун, сиёсат ёки дастурни дастлабки баҳолаш, таҳлил қилиш ёки баҳолаш сифатида белгиланади, бу эса маълум бир қарорнинг аёллар ва эркеклар ўртасидаги тенгликка салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолининг олдини олиш имконини беради. Гендер таъсирини баҳолашнинг асосий саволи: қонун, сиёсат ёки дастур эркеклар ва аёллар ўртасидаги гендер тафовутларини камайтирадимми, сақлайдимми ёки оширадими?

Европа Комиссияси гендер таъсирини баҳолашни қуйидагича белгилайди²: “Гендер таъсирини баҳолаш – бу гендер мезонларига мувофиқ, жорий вазият ва тенденцияларни таклиф этилаётган сиёсатни амалга ошириш натижасида кутилаётган ривожланиш тенденциялари билан таққослаш ва баҳолаш жараёнидир”.

“Гендер таъсирини баҳолаш – бу гендер тенглик нуқтаи назаридан муайян элементларга нисбатан амалга оширилган ҳар қандай сиёсат ёки фаолиятнинг турли таъсирини (ижобий, салбий ёки нейтрал) баҳолашдир”. Баҳолаш икки томонлама ёндашувни ўз ичига олади:

- 1) кўриб чиқилаётган сиёсатга нисбатан ҳозирги гендер позицияси;
- 2) **сиёсат амалга оширилгандан кейин аёллар ва эркекларга кутилмавий таъсир.**

Гендер таъсирини баҳолашнинг яқуний мақсади гендер тенгликка салбий таъсирларнинг олдини олиш ва гендер тенгликни янада пухта ўйланган, ўзгартирувчи қонунчилик ва сиёсатлар орқали мустақамлаш учун кўриб чиқилаётган сиёсатни ишлаб чиқиш ва режалаштиришни такомиллаштиришдан иборат. Асосий мақсад ҳар қандай камситувчи таъсирларни бартараф қилиш ёки юмшатишни таъминлаш учун сиёсатни мослаштиришдир.

Ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжат тартибга солиш таъсирини, шу жумладан, гендер қонунчилигини баҳолашдан ўтказилади. Гендер тенгликни таъминлаш мақсадида қабул қилинган ҳар бир меъёрий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. У ёки бу қонуннинг қабул қилиниши гендер тафовутининг қисқаришига қай даражада ҳисса қўшганини баҳолаш муҳимдир. Гендер тафовутини фақат гендер статистикаси асосида баҳолаш мумкин. Шундай қилиб, тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизими гендерга таъсирчан бўлиши ва унинг тамойилларидан бири гендерни ҳисобга олиш тамойили бўлиши зарур.

¹ Gender Impact Assessment. Gender Mainstreaming Toolkit. [Электрон ресурс]URL: <https://eige.europa.eu/gender-mainstreaming/toolkits/gender-impact-assessment/what-gender-impact-assessment>.

² Gender Impact Assessment. Gender Mainstreaming Toolkit. [Электрон ресурс]URL: <https://eige.europa.eu/gender-mainstreaming/toolkits/gender-impact-assessment/what-gender-impact-assessment>.

5.2. ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШДА ВОСИТА СИФАТИДАГИ ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ

Гендер қонунчилиги тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади. Шу билан бирга, бошқа соҳадаги қонун ҳужжатлари гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади. Гендер қонунчилигининг тартибга солувчи таъсирини баҳолаш ва қонун ҳужжатларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси умумий мақсад – меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши гендер тенгликни таъминлашга қанчалик ҳисса қўшганлигини аниқлашдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси институти жорий этилди. Ушбу қонунга кўра, **гендер-ҳуқуқий экспертизага** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш, дея таъриф берилади¹.

Қонунчилиكنинг тартибга солувчи таъсирини баҳолаш ва гендер-ҳуқуқий экспертиза норма ижодкорлиги фаолиятининг алоҳида босқичлари сифатида қаралади. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва гендер-ҳуқуқий экспертиза мақсадлари, вазифалари ва ёндашувларининг ўхшашлигини аниқ кўрсатиш учун қуйидаги жадвал келтирилган:

Тартибга солувчи таъсирни баҳолаш қуйидагиларга йўналтирилган:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни аниқлаш ва баҳолаш;

Гендер-ҳуқуқий экспертиза қуйидагиларга йўналтирилган²:

- жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг лойиҳасини хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқ эмаслигини аниқлашга;

¹ Қонун матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/ru/docs/4494849>.

² Ҳужжат матни билан ушбу ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/ru/docs/477291>.

Тартибга солувчи таъсирни баҳолаш қуйидагиларга йўналтирилган:	Гендер-ҳуқуқий экспертиза қуйидагиларга йўналтирилган ² :
<ul style="list-style-type: none"> - норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш мақсадларига эришилишини, шунингдек, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солувчи муносабатларга таъсирининг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш ва баҳолашга 	<ul style="list-style-type: none"> - жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолашга; - норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ва камситиш хусусиятига эга хавфларни аниқлашга;
<ul style="list-style-type: none"> - муаммони, уни ҳал этиш йўлларини, тартибга солиш мақсадини таҳлил қилиш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни аниқлашга. 	<ul style="list-style-type: none"> - жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситишга йўл қўядиган ва аниқланган нормаларни бартараф этишга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда гендер тамойилларини жорий этиш самарадорлигини ошириш учун **гендер-ҳуқуқий экспертиза тартибга солиш таъсирини баҳолаш жараёнининг ажралмас қисмига айланиши зарур**. Ушбу чора тадбиркорлик, инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит каби энг нозик масалалар бўйича гендер-ҳуқуқий экспертиза ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Гендер-ҳуқуқий экспертиза каби гендерга тамойилини ҳисобга олган тартибга солиш таъсирини баҳолаш гендер таҳлилининг бир тури бўлиб, биринчи бобда қайд этилганидек, гендер таҳлили ҳам гендер статистикасига асосланиши зарур. Қуйида биз гендер статистик маълумотларидан, умуман, гендерга таъсир этувчи тартибга солиш таъсирини баҳолашда, хусусан, гендер ҳуқуқий экспертизасини ўтказишда қандай фойдаланиш мумкинлигини кўриб чиқамиз.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш, шунингдек, гендер-ҳуқуқий экспертиза учун статистик маълумотлар зарур бўлади. Қуйидаги жадвалда тартибга солиш таъсирни баҳолаш ва гендер-ҳуқуқий экспертиза учун маълумот манбалари кўрсатилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, манбалардан бири гендер статистикаси ҳисобланади.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун ахборот манбалари қуйидагилардир:

- **расмий статистик маълумотлар;**

- давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлари;

- оқибатларини прогноз қилиш масалаларига бағишланган илмий-таҳлилий материаллар ва нашрлар, илмий-амалий семинарлар, конференциялар ва йиғилишлар материаллари;

- ваколатли ташкилотлар ва ишлаб чиқувчи томонидан ўтказилган ижтимоий сўровлар натижалари;

- оммавий ахборот воситаларидаги нашрлар, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтлар;

- ўрганиш жараёнида олинган (ойдинлашган) маълумотлар, шу жумладан, ТСТБ ўтказиш доирасида бевосита давлат органлари ва ташкилотларига, жойларга ташриф буюрилган ҳолда олинган маълумотлар.

- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун ахборот манбалари қуйидагилардир:

Расмий маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- халқаро шартномалар;
- **статистик маълумотлар ва ҳисоботлар;**
- суд амалиёти;

Норасмий маълумотларга қуйидагилар киради:

- илмий нашрлар;

Расмий маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- расмий нашрлар, шу жумладан, расмий интернет ресурслари;
- Норасмий маълумотларга қуйидагилар киради:
- оммавий ахборот воситалари хабарлари;
 - норасмий интернет ресурслари.

Қонун ҳужжатларида статистикага оид қоидалар назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг **“Расмий статистика тўғрисида»ги қонунига мувофиқ¹, статистика маълумотлари** – статистика кузатувлари натижасида ва (ёки) маъмурий маълумотлар асосида тайёрланган иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий, экологик хусусиятга ҳамда бошқа хусусиятга эга ахборот, яъни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари,

¹ Ҳужжат матни билан ушбу ҳаволада танишиш мумкин <https://lex.uz/ru/docs/5569619>.

шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органлари томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ шакллантириладиган маълумотлардир.

Ўзбекистон Республикасининг Статистика порталида калит сўзлар, керакли маълумотлар бўйича қидириш имконияти яратилган. Масалан, “аёллар” калит сўзи бўйича қидирув 55 та натижа берди¹. Бундай қидирув имконияти гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказувчи эксперт ишини осонлаштиради.

Таъкидлаш жоизки, Статистика агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси йиллик статистика тўплами², “Аёллар ва эркаклар” тўплами (тўпланда гендерни ҳисобга олган ҳолда демография, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик ва ишсизлик, ижтимоий ҳимоя ва ҳуқуқбузарлик ва бошқалар бўйича статистик маълумотлар жамланган)³, шунингдек, Ўзбекистоннинг йиллик демографик тўплами⁴ нашр қилинади. Статистика агентлигининг веб-сайтида⁵ гендер статистикаси ахборот ресурслари сифатида тақдим этилган 2023 йил январь ойида Ўзбекистоннинг янги статистика портали ишга туширилди, у расмий статистиканинг ягона маълумотлар базаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг **“Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонунида**⁶ аҳолини рўйхатга олишнинг асосий вазифаларидан бири сифатида аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар яшаш шарт-шароитларини яхшилаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш мақсадида аҳоли таркибидаги, мамлакатнинг демографик вазиятдаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумотлар базасини кенгайтириш белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, юқорида таъкидланганидек, қонунчиликда гендер статистикасига оид тартиб-қоидалар назарда тутилган. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ гендер кўрсаткичларини шакллантириш қуйидагиларга асосланади:

- давлат статистика органлари томонидан амалга ошириладиган давлат статистик кузатувларига;
- давлат бошқаруви органларининг маъмуриятга оид маълумотларига;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органлари томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган статистик кузатувларга асосланади.

Гендер кўрсаткичлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг статистик маълумотлари асосида ҳам шакллантирилиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Статистика портали, <https://siat.stat.uz/search>.

² <https://stat.uz/ru/publikatsii/3634-statisticheskij-ezhagodnik-respubliki-uzbekistan>

³ <https://stat.uz/ru/publikatsii/3659-zhenshchiny-i-muzhchiny>

⁴ <https://stat.uz/ru/publikatsii/3655-demograficheskij-ezhagodnik-uzbekistana>

⁵ <https://stat.uz/ru/#>

⁶ Хужжат матни билан ушбу ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/ru/docs/4766082>.

Шу тарзда, **гендер статистикаси қуйидагилар томонидан урта даражада юритилади:**

- биринчидан, давлат статистика органлари;
- иккинчидан, давлат бошқарувининг бошқа органлари;
- учинчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари.

Қонун ҳужжатларининг гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш учун гендер статистикаси зарурдир. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ёки амалдаги ҳужжатни баҳолашда гендер статистикасини ҳисобга олиш муҳим саналади.

Қонун қабул қилинишидан аввал унинг лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида қонун билан тартибга солинувчи соҳада гендер тафовут бор-йўқлиги эътиборга олинishi керак. Агар унда гендер тафовутлари мавжуд бўлса, гендер квоталари каби фарқни бартараф этишга ёрдам берувчи қоидалар жорий этилиши лозим. Гендер тафовут муаммоси бартараф этилгач, квоталар бекор қилиниши мумкин.

Масалан, таълим соҳасида аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш учун таълим соҳасида гендер статистикасини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, гендер статистикасига кўра, олий таълим соҳасида гендер тафовут мавжуд. Бироқ бу тафовут олий таълимнинг барча йўналишларида эмас, балки кўпроқ техника фанларига тегишлидир. Демак, олий таълим соҳасида, хусусан, техника фанлари бўйича хотин-қизларнинг салмоғини ошириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир. Яъни, гендер статистикаси гендер тенгликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни аниқлаштиришга ёрдам беради. Худди шундай, гендер статистикаси меҳнат ва бандлик соҳасидаги гендер тафовутини бартараф этиш бўйича тавсиялар ва ҳаракатларни аниқлаштиришга кўмаклашади.

Мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида ушбу ҳужжатнинг аёллар ва эркакларга таъсирини баҳолаш учун гендер статистикаси ҳам зарур. Яъни, қонуннинг қабул қилиниши қандай ўзгаришларга олиб келганлиги, у гендер тенгсизликни бартараф этишга ҳисса қўшган ёки йўқлиги баҳоланади. Буни гендер статистикасини солиштириш орқали қонун қабул қилингунга қадар ва ундан кейин ҳам аниқлаш мумкин. Демак, гендер экспертизаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишидан олдин ҳам, ундан кейин ҳам ўтказилиши ва ҳар сафар янгиланган гендер статистикаси асосида гендер экспертизаси ўтказилиши лозим.

Масалан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда болани фарзандликка олиш тўғрисидаги модда ўрин олган. Бироқ, гендер статистикасида маълум бўлишича, амалда кўпинча ўғил болалар фарзандликка олинади, яъни ўғил болаларга устунлик берилади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, гендер стереотиплари туфайли юзага келган ушбу гендер фарқини бартараф этиш учун фарзанд асраб олиш/фарзандликка олиш жараёнларига баъзи ўзгаришлар киритилди. Яъни, гендер статистикаси ҳам амалдаги қонунчиликни қўллаш амалиётини тузатишга ёрдам беради.

Гендер статистикаси ҳам қонунчиликка яқинда киритилган гендерга оид аудит учун муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ¹, **гендерга оид аудитга** давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, шу жумладан, кадрлар сиёсатини олиб боришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳолатини, шунингдек, гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш ва баҳолаш деб таъриф берилади. Гендерга оид аудитнинг вазифаларидан бири меҳнат жамоасининг гендер таркибини таҳлил қилишдир, бу эса гендер статистикасини тўплашни талаб қилади.

Шу тарзда, гендер статистикаси гендер қонунчилиги ва умуман, гендер сиёсатини мониторинг қилиш, шунингдек, интеграциялашган гендер ёндашувини жорий этиш, яъни давлат сиёсатининг барча соҳаларида гендер тамойилларини татбиқ қилиш учун энг муҳим восита ҳисобланади.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда гендер статистикасини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ва амалиётини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган қонунлар қабул қилиниши муносабати билан гендер сиёсатини мониторинг қилиш воситаси сифатида гендер статистикасининг роли ортиб бормоқда;

юқори сифатли гендер статистикасининг мавжудлиги халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистон гендер сиёсати ва жаҳон гендер индексларидаги мамлакат ўрнини баҳолашига таъсир қилади;

Ўзбекистонда гендер статистикасини шакллантиришнинг тегишли ҳуқуқий асослари ва механизмлари яратилган, шу билан бирга, гендер сиёсатидаги янги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, уни замонамизнинг янги воқеликларига мослашган ҳолда ва гендер тенглик масаласига таъсир этувчи янги омилларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Гендер статистикасини ривожлантириш соҳасидаги халқаро мажбуриятлар ва хорижий давлатлар тажрибасидан олинган илғор тажрибаларни таҳлил қилиш, шунингдек, Ўзбекистонда гендер статистикасини кўриб чиқиш асосида Ўзбекистонда гендер статистикасини шакллантириш учун миллий тизим ва механизмни такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар берилиши мумкин:

а) гендер статистикасини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш соҳасида:

жинс бўйича маълумотларни тўплаш ва гендер статистикасини шакллантириш гендер сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи

¹ Хужжат матни билан ушбу ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/ru/docs/4494873>.

барча давлат органлари **мажбурияти** эканлиги сабабли, “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунда мустаҳкамлаб қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунда жинси бўйича ажратилган маълумотларни тўплаш ва гендер статистикасини шакллантириш мажбурият эмас, балки ваколат ҳисобланади. Жинслар бўйича ажратилган маълумотларни тўплашни мажбуриятга айлантirmай туриб, гендерга доир комплекс ёндашувга эришиб бўлмайди;

гендер сиёсатини амалга ошириш билан шуғулланувчи ҳар бир тузилмада **гендер статистикасини шакллантириш бўйича идоравий низом бўлиши зарур**. Бу низомда нафақат маълумотлар тўпланишини таъминлаш мажбурияти, балки унинг очқлиги ва фойдаланиш имкониятини таъминлаш мажбурияти ҳам кўрсатилиши лозим.

жинслар бўйича ажратилган маълумотларни тўплашни осонлаштириш ва гендер статистикаси сифатини ошириш мақсадида **Гендер статистикасининг ягона (уйғунлаштирилган) тизимини шакллантириш методикаси ва Гендер статистикасини такомиллаштириш стратегиясини** ишлаб чиқиш масалаларини кўриб чиқиш;

б) гендер статистикасини шакллантириш ва тақдим этиш механизмларини такомиллаштириш соҳасида:

“gender.stat.uz” сайтини янада такомиллаштириш, хусусан, унинг негизида СЕДАВ конвенцияси, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш учун **гендер кўрсаткичларининг уйғунлаштирилган тизими учун ягона рақамли платформа яратиш** масалаларини кўриб чиқиш зарур. Кўрсаткичларнинг ҳар бир гуруҳи учун масъул бўлинмалар ва маълумотларни янгилаш муддатлари аниқ кўрсатилиши керак. Гендер статистикасининг уйғунлаштирилган тизими ва мамлакат бўйича тўлиқ гендер статистикаси тақдим этиладиган ягона платформанинг мавжудлиги ҳисобот бериш жараёнларини, жинс бўйича ажратилган маълумотларни тўплашни мувофиқлаштиришни сезиларли даражада осонлаштириши мумкин.

юқоридаги халқаро шартномалар бўйича миллий ҳисоботлар ва ҳисоботларни тайёрлаш билан шуғулланувчи **барча бошқарма ва муассасалар учун ушбу тизимдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш** муҳим аҳамиятга эга. Бу идоралараро ёзишмалар ва гендер статистикаси бўйича маълумот сўровларини юбориш вақтини қисқартириш орқали ҳисобот бериш жараёнларини осонлаштиришга ёрдам беради. Ҳисобот тизимини қайта кўриб чиқиш ва уни осонлаштириш муҳимдир. Эҳтимол, баъзи кўрсаткичлар бўйича маълумотларни тўплаш ҳеч қаерда талаб қилинмаслиги мумкин ва бундай кўрсаткичлар ҳисобот жадвалларидан олиб ташланиши керак бўлади. Агар ушбу маълумотлар амалда қўшимча таҳлил қилиш учун талаб этиладиган ва кўрсаткичлар ҳақиқатан ҳам зарур бўлса, ҳисоботни жорий қилиш учун алоҳида иш ўрни (штат бирлиги) жорий этилиши лозим. **Шунингдек, маълумотларни умумлаштириш**

жараёнини осонлаштириш учун тегишли рақамли платформаларни жорий этиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак.

“gender.stat.uz” сайти асосида **интерактив гендер карталарини** яратиш масаласини кўриб чиқиш ва уларда ҳудудлар ва соҳалар бўйича асосий гендер статистикаси келтирилиши мақсадга мувофиқдир. Карталар турли соҳаларда гендер тенгликнинг турли даражаларини (паст, ўрта, нисбатан юқори) кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, маълумотларни 3 та тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) ва улардан очиқ фойдаланиш имкониятини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай карталарнинг мавжудлиги мамлакатдаги ва турли соҳалардаги гендер ҳолатини таққослаш, энг муваффақиятли минтақалар ва ҳудудларни ёки муаммоларни аниқлаш имконини беради, яъни гендер ҳолатини яхшилаш, ҳудудларда амалга оширилаётган лойиҳалар янада самарали бўлиши учун ресурсларни йўналтириш ва тажриба лойиҳалари ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

барча идораларнинг веб-сайтларида гендер статистикаси, шу жумладан, маълум бир идора ходимларининг гендер таркиби тўғрисидаги маълумотларни **жойлаштиришни** таъминлаш муҳимдир. Муайян идоранинг қиёсий гендер таҳлилининг ўзиёқ муайян бир соҳадаги гендер мувозанати ҳақида тасаввурни ҳосил қилиши мумкин. Раҳбар лавозимларда хотин-қизларнинг фаолият юритишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай маълумотларнинг очиқлиги ва 3 тилда (ўзбек, рус ва инглиз) жойлаштирилиши мамлакатнинг жаҳон гендер индексларидаги ўрнини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки жаҳон индексларидаги ўринларни аниқлаш бўйича тадқиқот олиб бораётган халқаро тузилмалар учун ҳисоботлар, очиқ манбалардаги мамлакат бўйича ҳисоботлар, шунингдек, тегишли идораларнинг веб-сайтлари маълумот манбалари бўлиб хизмат қилади. Турли идораларнинг веб-сайтларини кўриб чиқиш асосида у ёки бу идора гендер сиёсатини амалга оширишда қанчалик фаол иштирок этаётганини аниқлаш мумкин. Олий таълим муассасалари учун ҳам худди шундай тавсиялар берилади, чунки улар фаолиятининг гендер таҳлили мамлакатдаги гендер сиёсати, таълим соҳасини ўзгартириш ҳақида кўп нарсаларни аниқлаши мумкин, бу эса гендер тенгликка эришиш мақсадидаги меҳнат соҳасини босқичма-босқич ўзгартириш учун асос яратади.

гендер статистикасини шакллантиришнинг миллий тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, тренинглар, курслар ташкил этиш, ўқув қўлланмалар нашр этиш ва шу каби чоралар орқали **турли идораларнинг гендер статистикаси** масалалари, халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибалар бўйича **хабардорлигини ошириш** тадбирларини ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, гендер статистикаси тизимини, ҳам ахборот тўплаш кўрсаткичлари, ҳам гендер статистикасини йиғиш механизмларини мунтазам равишда такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Гендер статистикасининг очиқлиги ва ундан бемалол фойдаланиш имкониятини таъминлаш зарур, бунда парламентга ҳисобот

беришнинг мунтазам тартиб-таомиллари, рақамли платформалар, даврий нашрлар ва шу каби воситаларни қўллаш зарур. Бунда, гендер асосидаги зўравонлик бўйича маълумотлар тўплашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Гендер сиёсати бўйича маълумотларни, шу жумладан, гендер статистикасидан фойдаланиш орқали аҳоли учун очиқ ва тушунарли шаклда тарқатиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, статистик кўрсаткичларни яхшилаш мақсад эмас, балки натижа эканлигини унутмаслик зарур. Гендер сиёсатини амалга ошириш ва гендер қонунларини амалда қўллашда маҳаллий мутахассислар дуч келадиган муаммолардан бири бу **ҳисоботларнинг кўплигидир**. Иш вақтининг кўп қисми ҳар хил жадвалларни тўлдиришга кетиб қолади. Аммо шуни унутмаслик керакки, ишнинг асосий қисми аҳоли ва вазиятлар билан ишлаш, муаммони ҳал этиш, ҳуқуқбузарликни бартараф этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, муаммо даражасини пасайтиришдир.

Шундай қилиб, мамлакатимизда гендер статистикаси тизимини такомиллаштириш учун қонунчилик базасини такомиллаштириш, рақамли технологиялардан фаолроқ фойдаланиш, гендер статистикасини уч тилда олиш имконини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Пировардида, бу комплекс гендер ёндашувини амалиётга татбиқ этиш, гендер сиёсати самарадорлигини ошириш, шунингдек, халқаро тузилмаларга тақдим этилаётган мамлакатлар ҳисоботлари сифатини ошириш ҳамда глобал гендер индексларида мамлакатнинг ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

ИЛОВАЛАР

1-илова. Жинслар бўйича ажратилган маълумотларни тўплаш ва CEDAW конвенциясининг бажарилишини мониторинг қилиш учун гендер кўрсаткичлари

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ТЎҒРИСИДА 12-УМУМИЙ ТАВСИЯ ¹ (1989 йил)			КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг
1. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши қонун махсус хизматлар	1. Зўравонликдан жабр кўрган шахсларга ёрдам бериш учун	1. Зўравонлик ҳолатлари сони 2. Зўравонликдан жабр кўрганлар сони	
13-УМУМИЙ ТАВСИЯ. БИР ХИЛ МЕҲНАТНИ БИР ХИЛДА МУКОФОТЛАШ (1989)			
СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг
1. ХМТнинг 100 Конвенциясини ратификация қилиш		1. У ёки бу соҳада фаолият юритаётган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар	
15-УМУМИЙ ТАВСИЯ. ОРТТИРИЛГАН ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ СИНДРОМИНИНГ (ОИТС) ОЛДИНИ ОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАМСИТМАСЛИК² (1990 йил)			
СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг
		1. ОИТСнинг олдини олиш учун ахборот-тарғибот ишлари	

¹ https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_5831_E.pdf/http://hrlibrary.unn.edu/russian/gencomm/Rgeneral12.html

² https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_4726_E.pdf/http://hrlibrary.unn.edu/russian/gencomm/Rgeneral15.html

16-МОДДА БЎЙИЧА УМУМИЙ ТАВСИЯ. ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ОИЛАВИЙ КОРХОНАЛАРДА БЕПУЛ ИШЛАЁТГАН АЁЛЛАР¹ (1990 ЙИЛ)

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик Мониторинг	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
1. Оилавий корхоналарда иш ҳақи олмасдан ишловчи хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳолати	1. Оиланинг бир аъзосига тегишли корхоналарда иш ҳақисиз, ижтимоий таъминотсиз ва ижтимоий нафақаларсиз ишлаётган хотин-қизлар бўйича статистик маълумотлар	

17-УМУМИЙ ТАВСИЯ. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ УЙДАГИ ҲАҚ ТЎЛАНМАЙДИГАН МЕҲНАТИ ҲАЖМИНИ ЎЛЧАШ ВА МИҚДОРINI АНИҚЛАШ ҲАМДА УНИ ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТГА КИРИТИШ² (1991 ЙИЛ)

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик Мониторинг	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Ҳақ тўланмайдиган меҳнат масалалари бўйича тадқиқотлар		

18-УМУМИЙ ТАВСИЯ. НОГИРОН ХОТИН-ҚИЗЛАР³ (1992)

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик Мониторинг	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
1. Ногирон хотин-қизлар учун махсус чора-тадбирлар		

19-УМУМИЙ ТАВСИЯ, “ЗЎРАВОНЛИК” (1992 ЙИЛ)⁴

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР		МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг
1. Зўравонликка қарши қонунларни қабул қилиш	1. Химоя воситаларининг мавжудлиги 2. Жабрланувчиларга ёрдам бериш хизматлари 3. Тажовузорларни тарбиялаш дастурлари 4. ОАВ да ёритиш		1. Айнан қандай зўравонлик кўрсатилмаган ҳолда, зўравонлик бўйича статистик маълумотларни тўплашга қақиради

21-УМУМИЙ ТАВСИЯ. ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДАГИ ТЕНГЛИК ТЎҒРИСИДА (1994 ЙИЛ)⁵

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР		МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг

1. Қўп хотинлиликни тақиқлаш
2. Оиладаги зўравонликни тақиқлаш
3. Мажбурий никоҳларни тақиқлаш
4. Никоҳ учун ёш мезонлари
5. Оила қонунчилигида қуйидагиларга оид қоидалар:
 - турмуш ўртоқларнинг касбни эркин танлаши
 - оила ва ота-оналик мажбуриятларини тақсимлаш
 - фамилия танлаш ҳуқуқи
 - мулк ва ерга бўлган ҳуқуқ

1 https://tinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_3730_E.pdf
 2 https://tinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/INT_CEDAW_GEC_5833_E.pdf
 3 <http://hrlibrary.unn.edu/russian/gencomm/Rgeneral18.html>
 4 https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/cedaw_handbook/cedaw_rec19.pdf
 5 [https://tinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/A_49_38\(SUPP\)_4733_E.pdf](https://tinternet.ohchr.org/Treaties/CEDAW/Shared%20Documents/1_Global/A_49_38(SUPP)_4733_E.pdf)

23-УМУМИЙ ТАВСИЯ. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ ВА ЖАМОАТ ҲАЁТИДАГИ ИШТИРОКИ ТЎҒРИСИДА¹ (1997 йил)

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР		МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР		КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг	
	1. Гендер квоталари			1. Ҳукумат ва бошқарув органларининг гендер таркиби бўйича маълумотлар

24-УМУМИЙ ТАВСИЯ². КОНВЕНЦИЯНИНГ 12-МОДДАСИ (ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА САЛОМАТЛИК) (1999 йил)

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР		МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР		КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг	
1. Аёллар саломатлигини бутун умри давомида мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли миллий стратегия	1. Гендер асосидаги зўравонликнинг саломатлик учун зарарли таъсирини аниқлаш ва уларни бартараф этишлари учун тиббиёт ходимларига гендерга йўналтирилган касбий тайёргарликни ташкил қилиш	1. Репродуктив ва жинсий саломатлик масалалари бўйича оилани режалаштириш ва ахборот олишнинг барча усуллари бўйича маълумот ва маслаҳатлар бериш		1. Ушбу мамлакатларда ва хусусан, худудларда ва маҳаллалардаги аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳлари орасида оналар ўлими ва касаллигининг камайиши ҳақида маълумот.
	2. Шикоят қилишнинг адолатли ҳимоявий механизмларини йўлга қўйиш ва ўз беморларига нисбатан жинсий мазмундаги ҳақоратловчи ҳаракатлар қилишда айбдор деб топилган тиббиёт ходимларига нисбатан тегишли жазо чораларини кучайтириш.			

25-УМУМИЙ ТАВСИЯ. "ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ Тўғрисида"ГИ КОНВЕНЦИЯСИНИНГ 4-МОДДАСИ, 1-БАНДИ Бўйича – ВАҚТИНЧАЛИК МАХСУС ЧОРА-ТАДБИРЛАР (ВМЧ) Тўғрисида³ (2004 йил)

СИФАТ Бўйича Кўрсаткичлар			МИҚДОР Бўйича Кўрсаткичлар	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг	
<p>ВМЧ (гендер квоталари) жорий этиш бўйича ҳаракатлар режаси Хотин-қизлар ҳолатини яхшилаш мақсадида қўлланиладиган ижтимоий стратегиялар</p>				

26-УМУМИЙ ТАВСИЯ. МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН МИГРАНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИ Бўйича (2009 йил)⁴

СИФАТ Бўйича Кўрсаткичлар			МИҚДОР Бўйича Кўрсаткичлар	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг	
<p>1. Таълим даражаси ва хабардорликни ошириш дастури</p>				
	1. Ишга жойлаштириш бўйича тасдиқланган, ишончли агентликлар рўйхати 2. Шафқатсиз муомалада бўлаётган иш берувчилар, эрлари ва бошқа қариндошларини тарк этишни хоҳлаётган меҳнат қилаётган мигрант хотин-қизлар учун вақтинчалик бошпаналар	1. Иштирокчи давлатлар меҳнат қилаётган мигрант хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш ва тегишли тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш учун миграция жараёнининг ҳар бир босқичида меҳнат қилаётган мигрант хотин-қизлар дуч келадиган муаммолар ва эҳтиёжларини аниқлаш учун миқдор ва		

¹ <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral23.html>

² https://www.un.org/russian/gencomm/decl_conv/conventions/cedaw_handbook/cedaw_rec24.pdf/ <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral24.html>

³ https://www.un.org/russian/gencomm/decl_conv/conventions/cedaw_handbook/cedaw_rec24.pdf [http://www.un.org/womenwatch/daw/cedaw/recommendations/General%20recommendation%2025%20\(Russian\).pdf](http://www.un.org/womenwatch/daw/cedaw/recommendations/General%20recommendation%2025%20(Russian).pdf)

⁴ <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral26.html>

ва уларнинг иши кўриб чиқилётган пайтда уларни хавфсиз уй-жой билан таъминлаш;

сифат асосидаги тадқиқотлар, маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш асосидаги тадқиқот ишларини ўтказиши ва бундай ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши зарур.
2. Хориждаги мавжуд иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона ахборот тизими;

27-УМУМИЙ ТАВСИЯ. КЕКСА АЁЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА (2010 ЙИЛ)¹

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР		МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг
1. Кекса аёлларни ҳимоя қилиш бўйича қонуinchиликдаги тартиблар	1. Меҳнат бозоридаги иштироки 2. Мансабдор шахслар сифатидаги иштироки 3. Ижтимоий нафақалар 4. Микрокредит олиш имконияти	1. Кекса аёллар ҳуқуқлари бўйича боғлиқ масалалар бўйича полиция (ички ишлар ходимлари), суд тизими ва қўшимча хизматлар бўйича юридик ёрдам хизматлари ходимларини касбий тайёргарликдан ўтказиш 2. Таълим дастурлари ва АКТдан фойдаланиш имконияти	Гендер тадқиқотларини ўтказиш ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ёш омиллини ҳам ҳисобга олиш.

28-УМУМИЙ ТАВСИЯ. "ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ КОНВЕНЦИЯСИННИНГ 2-МОДДАСИГА БИНОАН, ИШТИРОКЧИ-ДАВЛАТЛАРНИНГ АСОСИЙ МАЖБУРИЯТЛАРИ БЎЙИЧА (2010 ЙИЛ)²

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР		МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг
1. Гендер тенгликни таъминлаш бўйича режалар ва дастурлар	1. ВМЧ	1. Давлат органлари учун таълим дастурлари	

2. Давлат мансабдор шахсларнинг гендер тенглик бўйича одоб-ахлоқ кодекси
2. Гендер тенглик масалалари бўйича суд қарорлари
2. ОАВнинг жалб қилинганлик даражаси
3. Маълумотлар базаси

30-УМУМИЙ ТАВСИЯ. МОЖАРОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, МОЖАРОЛАР ВА МОЖАРОДАН KEYINГИ ВАЗИЯТЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲОЛАТИГА ОИД (2013 ЙИЛ)³

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
<p>Қонуний чора-тадбирлар</p> <p>1. Гендер зўравонлик ва одам савдосига қарши қонун</p>	<p>Институционал чора-тадбирлар</p> <p>Таълим ва халқаро ҳамкорлик</p> <p>1. БМТнинг Хавфсизлик кенгаши 1325-сонли Резолюциясини амалга ошириш бўйича миллий даражадаги чора-тадбирлар</p>	<p>Мониторинг</p> <p>“Хавфсизликни таъминлашнинг гендер жиҳатлари” тадқиқотлари</p>
<p>1. Хотин-қизларнинг миллий, минтақавий ва халқаро ташкилотларда, шунингдек, превентив дипломатия чораларини амалга оширишни таъминлашга қаратилган норасмий, маҳаллий ёки жамоат жараёнларида тенг иштирок этиши</p> <p>2. Одил судловдан фойдаланиш имконияти механизмлари ва зўравонликдан жабр кўрган шахслар учун ёрдам марказлари</p> <p>3. Қочқин аёлларни ҳимоя қилиш чоралари</p>	<p>1. Хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизлик билан боғлиқ статистик маълумотларни жинслар бўйича тўғлаш, таҳлил ва эълон қилиш</p>	

¹ <https://www.ohchr.org/ru/documents/general-comments-and-recommendations/general-recommendation-no-27-older-women-and>

² <https://www.pensii.belhelcom.org/docs/obshchaya-rekomendatsiya-nomer-28.pdf>

³ https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CEDAW%2fC%2fGC%2f30&Lang=ru

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ҚЎМИТАСИНИНГ 31-ҚЎШМА УМУМИЙ ТАВСИЯСИ/
БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТАНИНГ ЗАРАРЛИ ОДАТЛАР БЎЙИЧА 18-УМУМИЙ ИЗОҲИ (2019 ЙИЛ)¹

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР		МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР		КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг	
<p>1. Қўпхотинлиликни тақиқлаш</p> <p>2. Болалар никоҳи ва/ёки мажбурий никоҳни тақиқлаш</p> <p>3. Аёллар ва болаларга қарши зарарли одатларни бартараф этиш бўйича кенг қамровли ҳадли дастур</p> <p>4. Зарарли одатлар учун жиноий жавобгарлик</p> <p>5. Зарарли одатларни оқловчи, руҳсат берувчи ёки рағбатлантирувчи барча бошқа қонун ҳужжатларини дарҳол бекор қилиш</p>	<p>1. Зарарли одатларнинг, шу жумладан, болалар никоҳларининг олдини олишга ҳисса қўшиш мақсадида туғилишни мажбурий, осон ва бепул рўйхатга олишнинг миллий тизими;</p> <p>2. Шахсий шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқиш ва текшириш, шу жумладан, шикоят ва мурожаатлар юзасидан текширувлар ўтказиш</p>	<p>1. Барча тегишли етакчи ва илгор мутахассисларга зарарли одатлар ҳақида маълумот бериш</p> <p>2. Низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари ва аёнанавий одил судлов тизимларида иштирок этувчи шахслар учун инсон ҳуқуқларининг асосий тамойилларини тўғри қўллашни таъминлаш учун тренинглар ўтказиш;</p> <p>3. Барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, шу жумладан, суд тизими учун зарарли одатларни тақиқловчи янги ва амалдаги қонунлар бўйича тайёрлаш дастурларини ўтказиш</p> <p>4. Болаларни муҳофаза қилиш хизматлари ва аёллар ҳуқуқлари, таълим сектори, полиция ва суд ходимлари, сиёсатчилар, шунингдек, мигрант хотин-қизлар билан ишловчи оммавий ахборот воситалари ходимлари учун махсус тайёрлов дастурларини ўтказиш.</p>	<p>1. Жинси, ёши, географик жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий мақоми, маълумоти даражаси ва бошқа муҳим кўрсаткичлар бўйича ажратилган, зарарли одатлар тўғрисидаги маълумотларни асосидаги маълумотларни мунтазам равишда тўғлаш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва улардан фойдаланишга устувор аҳамият бериш ҳамда бу чора-тадбирларни амалга ошириш учун мақбул даражада ресурслар билан таъминлаш;</p>	<p>Зарарли одатларни аниқлаш ва зарарли одатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.</p>

5. Зарарли одатларни сақлаб қолишга кўмаклашувчи хатти-ҳаракатларнинг асосини ташкил этувчи маданий ва ижтимоий ёндашувлар ва урф-одатларга қарши курашиш ва уларни ўзгартаришни кўзловчи **хабардорликни ошириш бўйича кенг қамровли дастурларни** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

6. Чора-тадбирларни тайёрлаш ва амалга оширишга барча манфаатдор томонларни, жумладан, маҳаллий раҳбарлар, амалиётчилар, бошланғич ташкилотлар ва диний жамоалар аъзоларини жалб этиш орқали зарарли одатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида жамоатчилик муҳокамаларини ташкил қилиш.

32-УМУМИЙ ТАВСИЯ. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҚОҶИН МАҚОМИ, БОШПАНАСИ, ФУҚАРОЛИГИ ВА ФУҚАРОЛИГИ ЙЎҚЛИГИНИНГ ГЕНДЕР ЖИХАТЛАРИГА ОИД (2014 ЙИЛ)²

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР			МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг	
1. Қоқинлар ва бошлана изловчиларни чиқариб юбормаслик таъминлаш бўйича қонунчилик ва бошқа чоралар	1. Барча туғилишларни ўз вақтида рўйхатга олишни таъминлаш	1. Апатридлар (яъни, борган мамлакатда фуқаролик ололмаган шахслар) мақоми тўғрисидаги Конвенцияни (1954 йил)	1. Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг жинси бўйича статистик маълумотларни тўллаш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш	Фуқаролик, бошлана бериш ва миграцияга оид қонунчиликни гендер жиҳатларини

¹ https://tbineternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CEDAW%2fC%2fGC%2f0&Lang=en

² <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/G19/134/44/PDF/G1913444.pdf?OpenElement>

<p>2. Бошпана сўровидан олдин ва кейин, зарур ҳолларда психологик-ижтимоий ва бошқа ёрдам олиш бўйича муурожаат қилиш механизмлари</p> <p>3. Бошпана ёки фуқароликни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан ваколатли органга шикоят қилиш имконияти;</p>	<p>ва Фуқаролилиги бўлмаслик ҳолатларини қисқартириш тўғрисидаги Конвенцияни (1961 йил) ратификация қилиш ёки унга қўшилиш</p> <p>2. Фуқаролик масалалари бўйича янги қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида маълумот тарқатиш</p> <p>3. Тўғилганликни қайд этишнинг аҳамияти тўғрисида ахборотни, айтиқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда тарқатиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>4. Чегара полицияси ва иммиграция ходимлари учун бошпана изловчи ва қочқин аёллар билан ишлашда гендер ёндашув ва камситмаслик асосидаги амалиёт зарурлиги тўғрисида тайёргарлик курсини ташкил қилиш</p>	<p>хисобга олган ҳолда тақомиллаштириш</p>
<p>33-УМУМИЙ ТАВСИЯ (2015 ЙИЛ), ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ОДИЛ СУДЛОВДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИГА ОИД</p>		
<p>СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР</p>		
<p>Қонуний чора-тадбирлар</p>	<p>Институционал чора-тадбирлар</p> <p>1. Шаҳар, қишлоқ ва чекка ҳудудларда зуравонликдан ҳимоя қилишнинг суд ва квазисуд ҳимоя механизмлари, шунингдек, уларнинг ишлаши ва уларни молиялаштирилишни таъминлаш</p>	<p>Таълим ва халқаро ҳамкорлик</p> <p>1. Манзилли ахборот-тарғибот тадбирлари ва махсус аёллар идоралари ёки бюролари орқали одил судловни амалга оширишнинг мавжуд механизмлари ва тартиблари</p>
<p>1. Ҳуқуқий ҳимоя воситалари қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур: – реституция (ҳуқуқларни тиклаш), – компенсация (пул, товарлар ёки хизматлар кўринишида)</p>	<p>1. Хотин-қизларнинг одил судловдан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун кўрсаткичларни ишлаб чиқиш</p>	<p>КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР</p> <p>Хотин-қизларни ҳимоя қилишнинг расмий ва норасмий, суд ва суддан ташқари механизмлари бир-бирини тўлдирishi</p>

<p>– реабилитация (тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш ва бошқа ижтимоий хизматлар кўрсатиш);</p>	<p>2. Одил судлов тизимида фаолият кўрсатувчи хотин-қизларнинг сонини ошириш</p> <p>3. Маиший зўравонликка қарши курашда фуқаролик жамияти институтларини фаол жалб этиш</p> <p>4. Молиявий ёрдам, инқироз марказлари, шелтерлар, шошлинч ёрдам телефон линиялари хизматлари ва тиббий, психологик-ижтимоий ва “ягона ойна” принципи бўйича маслаҳат хизматларидан фойдаланиш имконияти.</p>	<p>ҳамда мавжуд ҳимоя воситалари тўғрисидаги маълумотларнинг у ёки бу жамиятда турли формат ва тилларда тарқатилишини таъминлаш.</p> <p>2. Хотин-қизларнинг барча даражадаги одил судлов тизимларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш учун Интернет ва бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланишни таъминлаш ва Интернет инфратузилмасини ривожлантириш</p> <p>3. Фуқаролик жамияти ташкилотлари ва илмий институтлар билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг одил судловдан тўлиқ фойдаланишига ёрдам берувчи ёки тўсқинлик қилувчи амалиётлар, тартиблар ва суд амалиётларини аниқлаш учун сифат асосидаги тадқиқотлар ва танқидий гендер таҳлилини ўтказиш ва уни рағбатлантириш</p>	<p>Тақдим этилган маълумотлар, жумладан, қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:</p> <p>i) суд ва квазисуд органларининг сони ва географик жойлашуви;</p> <p>ii) барча даражадаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларида, суд ва квазисуд муассасаларида ишловчи эркаклар ва аёллар сони;</p> <p>iii) эркак ва аёл адвокатлар, жумладан, юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатларнинг сони ва географик жойлашуви;</p> <p>iv) суд, квазисуд ва маъмурий органларга берилган даъволар ва шикоятларнинг тури ва сони, ариза берувчининг жинси бўйича ажратилган ҳолда;</p> <p>v) расмий ва норасмий одил судлов тизимларида кўрилган ишларнинг тури ва сони, даъвогарнинг жинси бўйича ажратилган ҳолда;</p> <p>(vi) кўриб чиқилишида ҳуқуқий ёрдам ва/ёки давлат ҳимоячилари талаб қилинган, олинган ва тақдим этилган ишларнинг тури ва сони, даъвогарнинг жинси бўйича ажратилган ҳолда;</p> <p>vii) шикоятларни кўриб чиқиш мuddатлари ва натижалари, ариза берувчининг жинси бўйича ажратилган ҳолда;</p>	<p>ва бир-бирига зид келмаслигини таъминлаш.</p>
---	--	--	---	--

34-УМУМИЙ ТАВСИЯ (2016 ЙИЛ). ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД'

КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР	МИҚДОР БҲҲИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	Мониторинг
<p>СИФАТ БҲҲИЧА КЎРСАТКИЧЛАР</p> <p>Қонуний чора-тадбирлар</p> <p>1. Қишлоқ аёллари таъсирини баҳолаш учун амалдаги қонунларнинг гендер таъсирини таҳлил қилиш.</p> <p>2. Қишлоқ аёлларнинг иқтисодий шароитларини яхшилашга қаратилган дастурлар ва стратегиялар</p>	<p>Институционал чора-тадбирлар</p> <p>1. Қишлоқ аёллари ишлашлари учун қуйидаги каби бошқарув органларидаги юқори лавозимлар учун квоталар – парламентларда ва барча даражадаги бошқарув органларида, шу жумладан, ер, ўрмон, балиқ ва сув хўжалигини бошқариш органларида;</p> <p>– сиёсий партиялар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, масалан, маҳалла ёки қишлоқ кенгашларида;</p> <p>– қишлоқ хўжалиги кооперативларида, фермерлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ташкилотларида;</p> <p>– юридик хизматлар ва юридик ёрдамдан бепул ёки арзон фойдаланишни таъминлаш дастурлари;</p> <p>2. Аёллар раҳбарлик қилувчи фермер хўжаликлари ва фермер аёлларни қўллаб-қувватлаш</p>	<p>Таълим ва халқаро ҳамкорлик</p> <p>1. Қишлоқ жойларда катталар саводхонлигини ошириш</p> <p>2. Судьялар, адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, ёрдамчилар, анъанавий раҳбарлар ва қишлоқ жойларида бошқа тегишли органлар ва мансабдор шахсларга қишлоқ аёллари ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларга нисбатан камситишнинг салбий таъсири бҲҲИЧА тренинглар ўтказиш.</p> <p>3. Қишлоқ аёллари ва эркаклари, қизлар ва ўғил болалар, шунингдек, маҳаллий, диний ва жамоат раҳбарларининг қишлоқ хотин-қизлари ҳуқуқлари, айниқса аёлларга нисбатан зўравонликни қўллаб-қувватловчи камситувчи ижтимоий муносабат ва амалиётларга барҳам бериш бҲҲИЧА хабардорликни ошириш;</p>
<p>1. Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш бҲҲИЧА комплекс дастур ва лойиҳалар</p>	<p>1. Қишлоқ аёлларнинг аҳволи тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги параметрлар бҲҲИЧА туллаш, таҳлил қилиш, улардан фойдаланиш ва тарқатиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - жинс бҲҲИЧА, - ёши бҲҲИЧА, - географик жойлашуви бҲҲИЧА, - ногиронлиги бҲҲИЧА, - ижтимоий-иқтисодий ҳолати бҲҲИЧА, - этник келиб чиқиши ёки бошқа параметрлари бҲҲИЧА. 	

3. Қишлоқ аёлларининг куйидаги асосий хизматлар ва жамоат бойликларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жумладан:
- шахсий ва маиший эҳтиёжлар ва суғориш учун етарли ҳажмдаги хавфсиз, жисмоний фойдаланиш мумкин бўлган арзон сув;
 - хотин-қизларнинг ҳайз кўриш давридаги санитария-гигиеник эҳтиёжларини қаноатлантириш ва гигиена прокладкаларидан фойдаланиш имконини берувчи тегишли санитария-гигиена воситалари;
 - барқарор ва қайта тикланувчи энергия манбалари, энергетика тизимини қишлоқ жойларига ченгайтириш имкониятлари, арзон технологиялардан фойдаланган ҳолда қуёш ва бошқа барқарор энергия манбаларини ривожлантириш.
4. Қишлоқ хотин-қизлари учун АКТдан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш
5. Ер ва аграр ислохот дастурлари аниқ гендер мақсадлари, вазифалари ва чора-тадбирларини ўз ичига олишини таъминлаш ҳамда расмий ва амалда гендер тенгликни рағбатлантириш
4. Қишлоқ аёлларининг молиявий, рақамли саводхонлигини ошириш ва тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш.

6. Қишлоқ аёллари учун меҳнатни тежовчи ва экологик тоза технологиялар, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, суғориш ва сув йиғиш технологиялари мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, ҳақ тўланмай диган уй ишлари ва ишлаб чиқаришдаги меҳнат юкини камайтириш, қишлоқ жойларда уларнинг технологиялар, шу жумладан, АКТдан фойдаланишини осонлаштирувчи қулай муҳит яратиш.

35-УМУМИЙ ТАВСИЯ. ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК, 19-УМУМИЙ ТАВСИЯНИ ЯНГИЛАШ (2017 йил)¹

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР		МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР		КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг	
1. Хотин-қизларга нисбатан гендер асосидаги зўравонлик ҳолатларини оммавий ахборот воситаларида рисоладагидек ёритиш бўйича йўналтирувчи принцип ларни қабул қилиш	1. Зўравонликдан жабр кўрганларга чиндан ҳам компенсация бериш учун мақсадли жамғармалар 2. Ишонч телефонлари ва инқироз марказлари	1. Барча турдаги оммавий ахборот воситалари ва жамоалар билан мулоқот орқали хотин-қизларга муъжалланган тушунлиши оддий маълумотларни тайёрлаш ва тарқатиш 2. Суд органлари ходимлари, юристлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, шу жумладан, суд-тиббийёт ходимлари, қонун чиқарувчи ва тиббийёт (жинсий ва репродуктив саломатлик соҳасидаги) мутахассислари	1. Хотин-қизларга нисбатан гендер асосидаги зўравонликнинг ҳар қандай шакли, шу жумладан, рақамли муҳитдаги зўравонлик шаклларига оид шикоятлар сони, берилган ғимоя ордерлари сони ва – турлари, шикоятларни рад қилиш ва қайтиб олиш бўйича – статистик маълумотлар, суд текшируви ва чиқарилган айблов – хулосалар сони ҳамда ишларни кўриб чиқиш учун қанча вақт	Гендер асосидаги зўравонликка қарши чоралар кўришда зўравонликдан жабр кўрган шахсларнинг шахсий дахлсизлигини таъминлаш (суд жараёнларида, ОАВда ёритишда, инқироз марказларида ёрдам беришда) Зўравонликдан жабр кўрган шахсларга зарарни қоплашнинг самарали тизимини яратиш

- (хусусан, жинсий йўл билан
- юқадиган инфекциялар
- ва ОИВнинг олдини олиш
- ва даволаш муаммолари
- бўйича дастурлар,
- шунингдек, таълим,
- ижтимоий таъминот
- ва ижтимоий ھимоя
- соҳаларидаги барча
- ходимлар, шу жумладан,
- интернат-уйлар,
- қочқинлар марказлари ва
- қамоқхоналар каби махсус
- муассасаларда хотин-
- қизлар билан
- ишловчи барча ходимлар
- учун уларни гендер
- асосидаги зўравонлик
- билан тегишли
- Тарзда курашиш имконини
- берувчи билимларни бериш
- мақсадида
- уларнинг малакасини
- ошириш, ўқитиш
- ва касбий
- **тайёрлашнинг мажбурий,**
- мунтазам ва самарали**
- дастурларни** ташкил қилиш
- 3. Гендер тенглик масалалари
- бўйича материалларни
- Таълимнинг барча
- босқичларида, ҳам давлат,
- ҳам хусусий таълим
- муассасаларида, шунингдек,
- болаликнинг илк йилларидан
- бошлаб таълимнинг барча
- босқичларида, шунингдек,
- инсон ҳуқуқларини ھимоя
- қилиш билан боғлиқ таълим
- дастурларига киритиш.
- сарфлангани тўғрисидаги
- статистик маълумотларни
- мунтазам равишда тўплаш,
- таҳлил қилиш ва эълон
- қилиш тизимини ташкил
- этиш.
- Ушбу тизим жиноятчиларга
- нисбатан чиқарилган
- ҳукмлар ва жабрланган
- шахслар учун
- компенсация тўловлари
- тўғрисидаги маълумотларни
- ўз ичига олиши зарур.
- Барча маълумотлар
- зўравонлик шакли,
- жабрланувчи ва зўравонлик
- ҳаракатини амалга
- оширган шахс ўртасидаги
- муносабатларнинг табиати,
- шунингдек, хотин-қизларга
- нисбатан камситишнинг
- кесишма шакллари ва бошқа
- тегишли ижтимоий-демографик
- кўрсаткичлар, шу жумладан,
- жабрланган шахсларнинг
- ёши каби тоифалар бўйича
- ажратилиши керак.

<p>12. Ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарни интернет-таҳдиднинг (кибербуллинг) шакллари ва потенциал оқибатлари ҳақида хабардор қилиш учун кенг қамровли дастурларни ишлаб чиқиш ва кирбуллингдан жабр кўрган ўқувчиларга маслаҳат ва ёрдам кўрсатиш.</p> <p>13. Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида таъқиб қилиш ва хотин-қизларга тармоқда шилқимлик қилишнинг барча шакллари жиной ҳуқуқбузарлик сифатида белгилловчи ва жазо тайинловчи қонунчилик ҳужжатини қабул қилиш.</p>	<p>Диний ва анъанавий етақчилар билан қизларнинг таълим олишининг аҳамияти ва таълимнинг барча босқичларида уларнинг ўқишига тўқинлик қилаётган анъана ва урф-одатларга барҳам бериш муҳимлиги ҳақида суҳбатлар уюштиришга кўмаклашиш.</p>	<p>6. Ўқитувчилар таркиби ўртасидаги тенглик даражасининг кўрсаткичи сифатида эркак ва аёл ўқитувчилар сони;</p> <p>7. Турли ёш гуруҳлари учун аёллар ва эркакларнинг саводхонлик даражаси;</p> <p>8. ва бу маълумотлардан қарорлар қабул қилиш, тартиб-қоидалар ишлаб чиқиш ва қизлар ва хотин-қизларнинг таълим олишига тўсиқлар бўйича Қўмиотага даврий ҳисобот беришда фойдаланиш орқали</p>
--	--	--

37-УМУМИЙ ТАВСИЯ. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ТАБИЙ ОФАТЛАР ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАРИ Тўғрисида (2018 йил)²

СИФАТ Бўйича Кўрсаткичлар	МИҚДОР Бўйича Кўрсаткичлар	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
<p>Қонуний чора-тадбирлар</p> <p>Институционал чора-тадбирлар</p> <p>1. Иқлим сиёсатини амалга ошириш билан шуғулланувчи тузилмаларда ҳамда жамоат, маҳаллий, миллий, минтақавий ва халқаро даражадаги офатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгариши форумлари</p> <p>2. Иқлим, савдо ва инвестициялар, атроф-муҳит ва режалаштириш, сув ресурслари, озик-овқат,</p>	<p>Таълим ва халқаро ҳамкорлик</p> <p>1. Муқобил соҳаларда бандликни таъминлаш учун хотин-қизларни ўқитиш, аёлларга меҳнатнинг ноанъанавий соҳаларида, шу жумладан яшил иқтисодиёт ва барқарор турмуш тарзи соҳасида касбий таълим олиш имкониятини бериш</p>	<p>Иқлимнинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиш учун гендерга йўналтирилган махсус дастурни ишлаб чиқиш</p>

¹ <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N17/231/56/PDF/N1723156.pdf?OpenElement>

² <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N18/069/00/PDF/N1806900.pdf?OpenElement>

37-УМУМИЙ ТАВСИЯ. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ТАБИЙ ОФАТЛАР ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ
ГЕНДЕР ЖИХАТЛАРИ Тўғрисида (2018 йил)

КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР	МИҚДОР БЎЙИЧА КўРСАТКИЧЛАР	Мониторинг
СИФАТ БЎЙИЧА КўРСАТКИЧЛАР	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик
Қишлоқ хўжалиги, технологиялар, ижтимоий ҳимоя, таълим ва бандлик каби турли соҳалар ва тармоқлардаги тартиб-қоидалар ва дастурларнинг гендер жиҳатларини ҳар томонлама текшириш ҳамда табиий офатлар хавфини пасайтириш ва иқлим ўзгаришига қарши туришга йўналтирилган саяё-ҳаракатларни мустаҳкамлаш учун улардаги номувофиқликларни аниқлаш.	ва механизмларида хотин-қизларнинг иштирокини ошириш бўйича квоталар ва бошқа чора-тадбирлар 2. Иқлим ўзгариши бўйича дастурларни амалга оширишда хусусий сектор ва ННТларни фаол жалб қилиш 3. Табиий офатлар хавфини чеклаш ва иқлим ўзгариши контекстида хотин-қизларга комплекс тиббий хизматлар кўрсатиш	2. Табиий офатлар хавфи ва иқлим ўзгаришига қарши хотин-қизларнинг мослашувчанлигини ошириш учун иқлим ўзгариши муаммолари ҳақида хабардорликни ошириш
Бундай маълумотлар ҳамма танишиб чиқиши учун очиқ бўлиши , табиий офатлар хавфини камайтириш ва иқлимга чидамликни ошириш учун миллий ва минтақавий даражада гендерга мос қонунчилик, сиёсат, дастурлар ва бюджетларни ишлаб чиқишда фойдаланилиши керак; 2. Иштирокчи давлатларга хотин-қизларнинг табиий офатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгариши ташаббусларида , шунингдек, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий институтларда иштирок этиш даражаси нуқтаи назардан бошланғич кўрсаткичларни белгилаш ва тараққиётни ўлчаш имконини берувчи ажратилган ва гендер жиҳатларни ҳисобга олган кўрсаткичлар ва мониторинг механизмларини ишлаб чиқиш. 3. Табиий офатлар хавфини камайтириш, иқлим ўзгариши ва гендер тенглик билан боғлиқ барча масалалар бўйича маълумотларни		

тўллаш, таҳлил қилиш, мониторинг қилиш ва тарқатишнинг ишончли механизmlарини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш.

38-УМУМИЙ ТАВСИЯ. ГЛОБАЛ МИГРАЦИЯ ШАРОИТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР САВДОСИ БЎЙИЧА (2020 ЙИЛ)¹

СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР		МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР		КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
Қонуний чора-тадбирлар	Институционал чора-тадбирлар	Таълим ва халқаро ҳамкорлик	Мониторинг	
<p>1. Одам савдосига қарши, жабрланувчига йўналтирилган, болалар манфаатлари ва гендер жиҳатларни ҳисобга олувчи кенг қамровли қонунчилик</p> <p>2. Одам савдоси учун жиноий жавобгарлик</p> <p>3. Одам савдосидан жабр кўрганларга компенсация тўлаш</p> <p>4. Маъший зўравонликни тақиқлаш</p> <p>5. Гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш</p> <p>6. Жабрланганлар ёки таъхтимолий жабр кўрган шахсларни эрта аниқлаш бўйича мунтазам равишда янгиланувчи миллий миқёсдаги йўналтирувчи тамойиллар</p>	<p>1. Одам савдосидан жабр кўрган шахслар билан ишлаш ва қайта жабрланишдан ҳимоя қилиш учун ижтимоий хизматлар/инқироз марказлари (тегишли ша роитлар яратилган ва яхши жиҳозланган)</p> <p>2. Одам савдоси бўйича мустақил миллий маърузачининг лавозими</p> <p>3. Меҳнат шикоятларини кўриб чиқишнинг хавфсиз ва аноним механизmlари</p> <p>4. Режали ва режадан ташқари хавфсиз ва конфиденциал текширувларни ахлоқий меъёрларини ва гендер жиҳатларни ҳисобга олган тарзда ўтказиш, айниқса хотин-қизлар жуда кўп ишловчи соҳаларда;</p>	<p>1. Тадбиркорларни инсон ҳуқуқлари бўйича тайёргарликдан ўтказиш</p> <p>2. Мигрантлар ва барча тегишли соҳалардаги мутахассислар учун хотин-қизлар савдоси бўйича ўқув дастурлари</p> <p>3. Хотин-қизлар савдосига қарши курашда самарали ва ҳуқуққа асосланган ёндашувни амалга ошириш учун барча тегишли миллий стратегияларни ўзaro мувофиқлаштириш учун миллий ахборот-маълумот бериш механизми</p> <p>4. Аёллар ва болаларнинг рақамли саводхонлигини ошириш (замонавий шароитда ишга қабул қилиш кўпинча АҚТ орқали амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда)</p>	<p>Миллий қонунчилик руҳсат берган ҳолларда, БРМнинг 16.2.2-кўрсаткичига мувофиқ, жинс, ёш, ногиронлик, этник мансублик, миллати, иммиграция мақоми, жойлашган ери, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва эксплуатация шаклини ўз ичига олган ҳолда, одам савдосидан жабр кўрган шахслар ва бундай савдода айбдор деб топилган шахслар тўғрисида ажратилган маълумотларни тўплаш тавсия қилинади.</p>	<p>Миграция шароитида хотин-қизларни ҳимоя қилишга комплекс ёндашувни таъминлаш.</p> <p>Тавсияга кўра, глобал миграция шароитида хотин-қизлар савдосига қарши курашиш халқаро гуманитар ҳуқуқ, қочқинлар ҳуқуқи, жиноий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ, фуқаролик бўлмаслик, қўллик ва қўл савдосига қарши конвенциялар ва халқаро инсон ҳуқуқлари ҳужжатларидан келиб чиқувчи кенгрок</p>
<p>Тавсия этилган кўрсаткичлар:</p> <p>1. Одам савдоси бўйича суд ишларининг сони</p> <p>2. Ижтимоий хизматлардан ёрдам олган жабрланганлар сони</p>				

¹ <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N20/324/47/PDF/N2032447.pdf?OpenElement>

38-УМУМИЙ ТАВСИЯ. ГЛОБАЛ МИГРАЦИЯ ШАРОИТИДА ХОТИН- ҚИЗЛАР САВДОСИ БЎЙИЧА (2020 ЙИЛ)

КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР	МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	СИФАТ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	МИҚДОР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР	КЕЛГУСИДАГИ ЧОРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
<p>Қонуний чора-тадбирлар</p> <p>7. Миграция дастурлари ва стратегияларининг гендер таҳлили</p> <p>8. Меҳнат шароитларини бузганлик учун иш берувчиларга санкциялар</p>	<p>Институционал чора-тадбирлар</p> <p>5. Тадбиркорлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқитиш (хусусий секторда аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун)</p> <p>6. Қонуний миграцияни таъминлаш ва ноқонуний миграциянинг олдини олиш механизмлари (чунки ноқонуний мигрантларнинг одам савдосидан жабр кўриш хавфи юқори)</p> <p>7. Миграциянинг барча босқичларида меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд ва суддан ташқари механизмлари, шу жумладан, бепул юридик ёрдам</p>	<p>Таълим ва халқаро ҳамкорлик</p> <p>5. Ижтимоий тармоқлар ва хабар алмашиш платформаларини назорат қилувчи компанияларни ўз зимматларидан фойдаланиш жараёнида хотин-қизларнинг одам савдоси ва жинсий эксплуатация кўрбони бўлиш хавфи борлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга чақиритиш.</p> <p>6. Дипломатик ваколатхоналар, меҳнат ва иқтисодий масалалар бўйича атташелар ва консуллик ходимлари учун мигрант хотин-қизлар савдоси ҳолатларига қарши қандай жавоб беришлари кераклигига тайёрлаш.</p> <p>7. ХМТнинг "Адолатли бандлик" дастурлари ва "Дастлаб ўрган, кейин бор" номли кампанияси ҳамда "Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция бўйича Глобал шартнома" да иштирок этиш.</p>	<p>Мониторинг</p> <p>3. Одам савдоси бўйича маълумлар сони</p> <p>4. Консулликлардан ёрдам олган жабрланганлар сони</p> <p>5. Ўқув курсларида ўқиган мигрантлар сони</p> <p>6. Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш учун махсус курсларни тугатган мутахассислар сони</p> <p>7. Одам савдоси бўйича ўқув-методик марказлар сони</p>	<p>ҳимоя тизимини фаоллаштиришни талаб қилади. Миграция ва гендер қонунчилигининг юқоридаги соҳаларда халқаро стандартларга мувофиқлигини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятта эга.</p>
	<p>Одам савдосининг кучайиши хавфини баҳолаш учун билвосита кўрсаткичлар</p> <p>8. Хотин-қизларнинг бандлиги бўйича маълумотлари, чунки, хотин-қизлар савдосининг савабларидан бири ишсизлик ва барқарор даромад манбаи йўқлиги хисобланади</p> <p>9. Қизлар учун таълим олиш имконияти тўғрисидаги маълумотлар (маълумот даражаси бандлик ва ҳуқуқий маданият имкониятларига боғлиқ)</p>			

2-илова. Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси мониторинги учун гендер кўрсаткичлари.

МАҚСАД – ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТИ, МОЛИВИЙ БАРҚАРОРЛИК
ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ҚАШШОҚЛИК

Тавсия қилинадиган чора-тадбирлар	Сифат бўйича кўрсаткичлар	Миқдор бўйича кўрсаткичлар
<ol style="list-style-type: none"> 1. Тартиб-қоидалар ва қабул қилинаётган иқтисодий ҳамда ижтимоий дастурларнинг гендер таҳлили 2. Хотин-қизларнинг иқтисодий сиёсатда ҳар томонлама иштирок этиши 3. Хотин-қизлар учун иқтисодий имкониятларни рағбатлантириш 4. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ ва балиқчиликни ривожлантириш 5. Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоғаларини ижтимоий ҳимоя қилиш 6. Аёллар ишсизлигини камайтириш чора-тадбирлари 7. Норасмий секторда банд бўлган аёлларни ҳимоя қилиш чоралари 8. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш 9. Талаб асосида хотин-қизларни касб-ҳунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш 10. Банк тартиб-қоидаларини соддалаштириш орқали аёлларнинг ер, кредит, технологиялардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш 11. Аёлларни уй-жой билан таъминлаш чоралари 12. Бепул юридик ёрдам 13. Ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини мустаҳкамлаш 14. Мигрант ва қочқин аёлларни ҳимоя қилиш чоралари 15. Хотин-қизлар меҳнатининг умумий ҳажмини ва хотин-қизларнинг миллий иқтисодиятга қўшаётган ҳиссаси, шу жумладан, уй-рўзғор ишлари ва фарзандларни парваришлаш ишларини баҳолашнинг статистик воситаларини ишлаб чиқиш. 	<p>Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус давлат дастурлари</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Норасмий секторда банд бўлган аёллар улуши 2. Ишсизлар орасида аёллар улуши 3. Тадбиркорлар орасида аёллар улуши 4. Аёлларнинг турли соҳалардаги иштироки 5. Касбий тайёргарликдан ўтган/қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган хотин-қизлар сони 6. Уй-жой сотиб олиш ёки тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредит олган аёллар сони

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ТАЪЛИМ. МАҚСАД – ТАЪЛИМ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР САВОДХОНЛИГИ БОРАСИДАГИ ГЕНДЕР ТАФОВУТЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШ

Тавсия қилинадиган чора-тадбирлар	Сифат бўйича кўрсаткичлар	Микдор бўйича кўрсаткичлар
<p>1. Грантлар ва грант квоталар ажратиш орқали олий таълим соҳасида гендер тафовутларга барҳам бериш</p> <p>2. Ўқув муассасаларига раҳбарлик қилиш жараёнида хотин-қизлар иштироки</p> <p>3. Хотин-қизларни раҳбарлик кўникмаларига ва жамоат ишларида қатнашишга ўргатиш</p> <p>4. Стереотиплардан холи бўлган ўқув материалларини ишлаб чиқиш</p> <p>5. Ўқитувчиларни хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича тайёрлашга оид ўқув дастурларини ишлаб чиқиш</p> <p>6. Ота-оналар қизларни ўқитишга кўпроқ эътибор беришлари учун кампаниялар ташкил қилиш</p> <p>7. Қизларнинг билим олишлари учун молиявий имкониятларни таъминлаш (стипендияла, грантлар)</p> <p>8. Хотин-қизларни улар учун таълимнинг ноанъанавий йўналишларига (табiiй ва техник фанлар) жалб қилиш</p> <p>9. Илмий-тадқиқот фаолиятида хотин-қизларнинг ролини фаоллаштириш</p> <p>10. Таълим дастурлари доирасида жинсий тарбия ва таълим</p> <p>11. Гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим</p> <p>12. Хотин-қизларнинг барча тоифалари (ёш оналар, мигрантлар, ногиронлар ва бошқалар) учун умрбод таълим олишни таъминлаш учун мослашувчан таълим дастурлари (мослашувчан дарс вақтлари).</p> <p>13. Ишсиз аёллар, қишлоқ аёллари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, уларни тадбиркорликка ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш</p>	<p>1. Ўқув дастурларининг гендер экспертизаси</p> <p>2. Ўқитувчилар учун гендерга оид тренинглар</p> <p>3. Турли тоифадаги аёллар (ёш оналар, ногиронлар, мигрантлар, қишлоқ аёллари ва бошқалар) учун махсус ўқув дастурлари</p>	<p>1. Аёлларнинг олий ўқув юртларидаги иштироки</p> <p>2. Олим аёллар сони</p> <p>3. Хотин-қизлар учун таълимнинг ноанъанавий соҳаларидаги аёллар сони</p> <p>4. Таълим грантлари/стипендиялари/квоталар олган хотин-қизлар сони</p> <p>5. Таълим соҳасида раҳбар аёллар сони</p>

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ. МАҚСАД – РУҲИЙ ВА ЖИСМОНИЙ САЛОМАТЛИКНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАСИ, ТўЛАҚОНЛИ ҲАЁТ ТАРЗИ

Тавсия қилинадиган чора-тадбирлар	Сифат бўйича кўрсаткичлар	Микдор бўйича кўрсаткичлар
<p>1. Гендер жиҳатлари ҳисобга олинган соғлиқни сақлаш дастурлари</p> <p>2. Зарарли одатларга барҳам бериш (эрта турмуш қуриш, машиий зўравонлик, ўғил туғилишини афзал кўриш ва бошқалар).</p> <p>3. Расмий ва норасмий таълим дастурлари ва ОАВ орқали саломатлик, репродуктив ва жинсий саломатлик муаммолари ҳақида хабардорликни ошириш.</p> <p>4. Оналикни муҳофаза қилиш ва оналар ўлимини камайтириш чора-тадбирлари</p> <p>5. Сифатли бирламчи тиббий ёрдам ва шошилишч акушерлик ёрдамидан фойдаланиш имконияти</p> <p>6. Машиий зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар</p> <p>7. Ногирон хотин-қизларни ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар</p> <p>8. Кекса аёлларни ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар</p> <p>9. Тоза ичимлик суви ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш</p> <p>10. Қизларнинг спорт билан шуғулланишга йўл очиб бериш</p> <p>11. Соғлиқни сақлаш соҳаси ишчилари учун гендерга йўналтирилган ўқув дастурлари</p> <p>12. Соғлиқни сақлаш тизимида аёлларни рағбатлантириш ва раҳбарлик лавозимларида аёллар сонини кўпайтириш</p> <p>13. Касалликларнинг гендер таҳлили</p>	<p>1. Соғлиқни сақлаш бўйича гендерга йўналтирилган/таъсирчан дастурлари</p> <p>2. Тиббиёт ходимлари учун гендер бўйича ўқув курслари</p>	<p>1. Оналар ўлими</p> <p>2. Ногирон аёллар сони</p> <p>3. Зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар сони</p> <p>4. Соғлиқни сақлаш соҳасида раҳбар аёллар сони</p> <p>5. Турли касалликларда аёллар ва эркеклар нисбати</p>

АЁЛЛАР ВА ЗЎРАВОНЛИК. МАҚСАД – ЖАМИЯТДА АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ КЎРИНИШЛАРИГА НИСБАТАН ТОҚАТСИЗЛИК ВА ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТЛАРИДА ҲИМОЯЛАНИШ КАФОЛАТЛАРИ

Тавсия қилинадиган чора-тадбирлар	Сифат бўйича кўрсаткичлар	Миқдор бўйича кўрсаткичлар
